

№ 496

2017/4

# GULISTON

308 /  
№ 1

*Бор эмиш равзадек ҳавоси анинг,  
Чархи мини киби фазоси анинг.*

*Алишер НАВОИЙ*



## *Ҳидойини бўлаймиш сени, Ўзбекистон!*

Инсонни инсон каторига қўшадиган, халқни халқ, юртни юрт қиладиган, миллатни бошқа миллатлар каторига тенг қўядиган буюк ва қудратли куч, улуғ ва азиз неъмат — бу давлат мустақиллигидир.

Узоқ йиллар қарамлик азоб-укубатларини, жабр-ситамларини тортган, хўрланган, ҳуқуқлари оёқ ости қилинган халқимиз учун эса мустақиллик улугдан улуғ, буюкдан буюк, бебаҳо тарихий ютуқ, энг олий бахт, энг олий саодат десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу боис ҳам ҳар йили 1 сентябр — Мустақиллик куни яқинлашгани сайин ҳаяжонимиз ошади, тасвирлаб, ифодалаб бериш қийин бўлган туйғулар вужудимизни эгаллайди, қонимизга қўшилиб оқади. Мамлакатимиз Президентининг мустақиллигимизнинг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарорининг эълон қилиниши эса қалбимизга гўзал бир байрам кайфиятини олиб кирди. Қарорда билдирилган ёрқин фикрлар, илгари сурилган ҳаётбахш ғоялар, эзгу ниятларга йўғрилган вазифалар кишига ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди, юксак масъулият юклайди.

Бу қарор ўзининг нуфузи, залвори, юракка яқинлиги билан бошқа қарорлардан фарқ қилади. Унинг ҳар банди, сатри замирида катта маъно-мазмун, тарихий ҳақиқатлар мужассамлигини яхши англаймиз. Қарорнинг биринчи бандида 1 сентябр — Мустақиллик куни экани эътироф этиларкан, «...Халқимизнинг асрий орзу-интилишлари рўёбга чиққан буюк тарихий сана», деб таъкидланади. Нима учун «асрий орзу-интилишлар» дейилмоқда? Бу сўзлар маъно-мазмунини қанчалик тушунапмиз? Айниқса, бугунги ёшлар биладими, бу «асрий орзу-интилишлар» нималардан иборатлигини? Бу уч сўз ортида бир асрдан зиёд қарамлик даврининг азоб-укубатлари, мусибатлари, кулфатлари, қатағонлари ётганини улар англашяптими?

*(Давоми 2-3-бетларда)*





Jurnal 1925-yildan chiqa boshlagan

**Muassis:**

O'zbekiston Respublikasi  
Madaniyat vazirligi

**Bosh muharrir**

vazifasini bajaruvchi:

Temur A'ZAM

**Jamoatchilik kengashi:**

Muhammad ALI

Suyima G'ANIYEVA

Minhojiddin MIRZO

Shuhrat SIROJIDDINOV

Akmal NUR

Baxtiyor SAYFULLAYEV

Hamidulla BOLTABOYEV

Isajon SULTON

Fathulla MA'SUDOV

Mirza AZIZOV

Oqilxon IBROHIMOV

**Tahririyat:**

mas'ul kotib:

Komil JONTOYEV

fotomuxbir:

Mashrab NURINBOYEV

sahifalash va dizayn:

Nigina ISMOILOVA

navbatchi muharrir:

Shermurod SUBHON

**USHBU SONDA:**

*Shuhrat JABBOROV*  
*Vatan – bizning uyimiz*

*Muhammad YUSUF*  
*O'zing yorug' jahonim*

*Qutlibeka RAHIMBOYEVA*  
*Ko'nglim bilan keldim,*  
*darvozungni och...*

*Rustam XOLMURODOV*  
*O'zbekiston universitetlari*  
*necha yoshda?*

*Bahodir RAHMONOV*  
*So'z aytish zavqi*

*Gulshod OTABOYEVA*  
*Laparlarda aks etgan hayot*

*Anora HOJIMATOVA*  
*Savodsizlikka ko'nikib*  
*qolmayapmizmi?*



Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 0517 raqamli guvohnoma bilan 13.09.2016-yilda ro'yxatga olingan. Jurnal ikki oyda bir marta (bir yilda oltita) chop etiladi. Mualliflar va tahririyat fikrlari farqli bo'lishi mumkin. «Guliston» jurnalidan olingan materiallarda manba ko'rsatilishi shart. Tahririyat barcha ijodiy ishlarni tahrir etishga haqli.

Bichimi 62x84. Buyurtma № 56. Adadi: 1436 nusxa. Hajmi 6 bosma taboq. Bosmaxonaga 03.08.2017-yilda topshirildi. Bosishga 07.08.2017-yilda ruxsat etildi. Tahririyat manzili: Toshkent — 100000, Buyuk Turon ko'chasi, 42-uy. Tel.: 233-25-66, 233-27-94.



# Ўқидойини бўлаймиз сени, Ўзбекистон!

Қисқа қилиб айтганда, бу сўзлар ортида аччиқ тарихимиз ётибди. Жафокаш халқимизнинг, ор-номусли, ватанпарвар аждодларимизнинг эрк, озодлик, мустақиллик, дея тўккан қони ётибди, орзу-армонлари ётибди, қамоқхоналарда, сургунларда ҳаётдан кўз юмган ота-боболаримизнинг жони ётибди, отилган, дорга осилган минг-минглаб инсонларнинг қисмати, оилаларнинг, етим қолган болаларнинг фожиали тақдири ётибди.

Қарамликнинг даҳшатларини, совет давлатининг золим сиёсатини аниқроқ тасаввур қилиш имконини берадиган айрим мисолларга эътибор қаратайлик. «1937-1939 йилларнинг ўзидагина... 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди...» («Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар» китобидан). Уларнинг аксарияти туман ва вилоятлар раҳбарлари, маданият ва таълим ходимлари, олимлар, шоир, ёзувчилар, журналистлар, ўқитувчилар эди, миллатнинг зиёлилари, ватанпарварлари эди... Улар «миллатчи», «жадидчи», «Ватан хоини», «чет эл империализмининг айғоқчиси», «пантуркист» каби турли бўҳтонлар билан йўқ қилинганди. Аслида улар озодлик, эрк ҳақида гапиргани, ўз халқига ачингани, ҳақ-ҳуқуқини сўрагани учун хавфли душман сифатида қатагон қилинганди.

Юртимиз қарамликда қолган 130 йил давомида қирғину қатагонлар узлуксиз давом этган. 1983-1989 йилларда «Пахта иши», «Ўзбек иши» тамғаси остида совет давлати Ўзбекистонда сўнги қатагонни ўтказди. Мустабид замонда халқимиз тортган жабр-зулмнинг, бошимизга тушган кулфатларнинг, йўқотишларнинг чеки-чегараси бўлмаган. Халқимиз озодлик, ҳурлик учун узоқ курашган. Шунинг учун ҳам мустақиллик халқимизнинг асрий орзу-интилишлари бўлган.

Қарорда мустақиллигимиз «Буюк ва бебаҳо неъмат» деб қадрланяпти, улуғланяпти. Буюклиги, бебаҳолиги нимаданлиги эътироф этиляпти. «Мустақилликнинг миллий тараққиётимиз, бугунги ва келгуси авлодлар тақдири, келажаги учун беқиёс аҳамияти йиллар ўтиши билан тобора ортиб бормоқда», дейилади қарорда. Шунингдек, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги халқимизнинг миллий манфаатларини, тинч ва осуда ҳаётини таъминлаш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб қолмоқда, деб алоҳида таъкидланади.

Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон қандай ютуқларга эришаётган бўлса, барчасининг замирида мустақиллик берган ҳуқуқ, имконият, ваколат турибди. Мустақиллик туфайли, қарорда айтилганидек, жаҳон харитасида Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди. Бирлашган Миллатлар Ташкилатида дунё давлатлари байроқлари қаторида Ўзбекистонимиз байроғи ҳам ҳилпирай бошлади. Биз ўз номимиздан ўзимиз гапириш, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал этиш, ўз юртимизга ўзимиз эгалик қилишдек олий ҳуқуққа, бахтга муяссар бўлдик.

Энди, гап шу ерга етганда, ўзимизга ўзимиз оддий, аммо ҳаётий бир-икки саволни бериб кўрайлик: Мустақиллик бўлмаса, Ўзбекистонни дунёда биров танирмиди? Миллат манфаати ҳақида сўз юритиш мумкинмиди? Ким руҳсат берарди ўзбек болалари Ватан номидан Олимпия ўйинлари ёки жаҳон чемпионатларига боришига? Бизга насиб этармиди спортчиларимизнинг дунё майдонларидаги ёрқин ғалабаларини кўриш? Ўн-ўн икки яшар фарзандларимиз инсон ақл-заковатини белгилловчи шахмат бўйича жаҳон чемпиони бўлиши, «олий зотлар» санъати ҳисобланган пианино бўйича халқаро танловларда ўзбек боласи гран-при совринларини олишини ким ўйлабди? Ёки мактаб ўқувчилари, талабалар ўртасида ўтган математика, физика, кимё каби фанлар бўйича халқаро олимпиадаларда фарзандларимиз ғолиб бўлишларига ким ишонарди? Агар мустақиллик бўлмаганида бу ёшлар ҳам минг-минглаб аждодлари каби ўз истеъдодларини намоён қилолмай армонда қолишмасмиди?

Шу ўринда яна бир савол хаёлга келади. Мустақил бўлмаганимизда ёшларимизга ҳозирги шароитларни яратиб бераолармидик, ҳозиргидек ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш имконияти бўлармиди?

Халқимизнинг ўзига хос фазилатларидан бири шуки, борини, топганини, жону жаҳонини фарзандларига бағишлайди. Бу миллий қадрият давлатимизнинг ёшлар сиёсатида ҳам ўз ифодасини топган. Ота-онанинг фарзанд билан боғлиқ орзу-ниятлари давлатимиз сиёсати билан чамбарчас боғланиб кетган.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV Қурултойида сўзлаган нутқида билдирган фикрлар, таклифлар бу сиёсатнинг янги, ёрқин ифодаси бўлди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, бу нутқ ёшлар тарбиясининг барча жиҳатлари қамраб олинган, чуқур ўйланган, ҳаёт ҳақиқатлари ҳисобга олинган юксак сиёсат намунаси бўлди.

Айтишимиз керак бўлган гапларнинг чеки йўқ, адоғи йўқ. Аммо яна бир мисолни айтмасак бўлмайди. Яқинда Тошкент шаҳрида «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусида ўтган анжуманда Президентимиз муқаддас динимиз, миллий қадриятларимиз, азиз авлиёларимиз хотираси, меросини тиклаш, қадамжоларини обод қилиш бўйича амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида тўхталди.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлашга устувор аҳамият бериб келинаётганини таъкидлади. Ҳар биримиз ўйлаб, хулоса чиқариб олишимиз керак бўлган иккита муҳим маълумот келтирилди: «Агар собиқ мустабид тузум даврида юртимизда 80 га яқин масжид фаолият кўрсатган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 2 минг 42 тани ташкил этмоқда.

Ўша қарамлик йилларида Ўзбекистонда санокли кишиларгина Ҳаж қилиш имкониятига эга бўлган эди, холос. Мустақиллик йилларида эса ҳар йили 5 мингдан зиёд юртдошимиз Ҳаж зиёратига бориб келади. Жорий йилда 7200 нафар фуқароларимиз муборак Ҳаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўладилар».

Яна ва яна ўйлаб кўрайлик, яқин ўтмишда динга муносабат қандай эди? Қанчалаб диний китоблар ўтда ёқилди, диний уламолар, диндорлар қамоққа ташланди ёки сургун қилинди, бўҳтондан иборат айбловлар билан отувга ҳукм этилди. Ғояси иймон, диёнат, маърифат, маънавиятдан иборат бўлган динимизга нисбатан мустабид тузум жаҳолатли сиёсат юритди. Мустақил бўлмаганимизда миллий кадриятларимизни тиклаш, жумладан, муқаддас динимизни халқимизга қайтариш қаерда эди...

Мустақиллик бизга нима берганини катта-катта иқтисодий рақамлардан, маълумотлардан, оддий одамлар тушунавермайдиган молиявий ҳисоботлардан ахтармай, оддий кундалик ҳаётимизга қараб мулоҳаза юритайлик, ўйлаб кўрайлик, кечаги уй-жойларимиз қай аҳволда эди, бугун-чи? Кечаги тўйларимиз қандай ўтарди, бугун-чи? Кеча болаларимиз қандай мактабларда ўқирди, бугун-чи? Улар таълим олиш учун дунёнинг қайси мамлакатларига ўқишга бора оларди, бугун-чи?..

Ўзбекистонда — олдин Андижонда, кейин Самарқандда, мана, бугун Жиззахда автомобиль ишлаб чиқарадиган заводлар қуришга ким рухсат берарди? Испаниядан тезкор поезд олиб келиб, «Афросиёб» номи билан қатновга қўйишимиз нари турсин, буни тақлиф сифатида айтишга журъат эта олармидик?..

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудларидан тоғлар оша темир йўл қурилиши ҳаёлимизга келганмиди? Ангрендан Фарғона водийсига тоғларни, қояларни тешиб, темир йўл ўтказилади, десак ким ишонарди? Агар ўша замонда совет давлати раҳбарларига шу бунёдкорликлар лойиҳаларини кўрсатиб, қурилишга рухсат сўраганимизда, тасаввур қилайлик нима бўларди? Ё улар ақлдан озарди, ё бизни ақлдан озганга чиқарарди...

Мустақиллик йилларида пойтахтимиз Тошкент чинакамига дунёнинг гўзал шаҳарларидан бирига айланди. Пойтахтимизнинг бугунги ҳусни-жамоли, таровати билан кечаги кўриниши ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини ҳаммамиз кўриб-билиб турибмиз.

Бугун Нукус шаҳридан тортиб, барча вилоятларимиз марказлари ҳам тамоман янги, гўзал қиёфага эга бўлди. Қишлоқларимизда бунёд этилаётган замонавий уйлар юртимизга келаётган меҳмонларда ҳам ҳавас уйғотмоқда. Булар қаторига санъат, спорт, таълим кошоналарини қўшиб ўйлаб кўрайлик, бу буюк бунёдкорликларга ким рухсат берарди, ким маблағ ажратарди?..

Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» асарига айтилганидек, Қорақалпоғистон ёки Хоразмда битта болалар боғчаси қуриш учун ҳам марказдан рухсат олиш керак бўлган, катта-катта идоралар эшигида сарғайиб, кимларнингдир қош-қовоғига қараб яшашга маҳкум этилган эдик.

Бу воқеалар халқимиз хотирасидан ҳеч қачон ўчмайди, унутилмайди. Совет тузумининг тартиби, қонун-қоидалари, қарамликнинг қисмати шундай эди.

Мустақиллигимизнинг қисқа йигирма олти йилида эри-

шилган тарихий ютуқларни, буюк бунёдкорликларни айтиб, ёзиб адо қилиб бўлмайди. Бу ўзгаришларни, муваффақиятларимизни дунё ҳам тан олиб турибди. Ўзбекистоннинг 2014 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда йиллик ўсиш даражаси энг юқори давлатлар орасида 5-ўринда қайд этилгани ҳам бунинг тасдиғидир. Ўзбекистон «Бутунжаҳон бахт индекси»нинг янги рейтингига 158 мамлакат орасида 44-поғонада, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар орасида эса биринчи ўринда қайд этилди. Яқинда эса дунёнинг қатор нуфузли халқаро ташкилотлари, тадқиқот институтлари томонидан эълон қилинган Бахтиёрлик ва хушқайфиятлик индексида кўра, 142 мамлакат орасида Ўзбекистон 3-ўринда, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари ўртасида 1-ўринда туриши эътироф этилди!

Ўйлайлик, бундан атиги йигирма олти йил илгари қарамликда яшаган, туну кун қора меҳнат қилиб, косаси оқармаган, ҳақ-ҳуқуқлари оёқ ости қилиниб, қатагон азобларига солинган халқимиз бугун дунёнинг энг бахтиёр ва хушқайфият уч халқидан бири, деб тан олинмоқда!

Бу баҳо қайси мезонларга кўра, берилмоқда? Мамлакатимиз иқтисодий тез ривожланиб, халқимиз турмуши обод бўлиб бораётгани, фуқароларимиз ҳуқуқлари тобора мустаҳкам ҳимоя қилинаётгани, тинчлик-осойишталик барқарорлиги туфайли ана шундай юксак эътирофларга сазовор бўлаяпмиз.

Бугун эса баланд руҳ, катта ғайрат-шижоат билан янада юксак марраларни кўзлаяпмиз. Мақсадимиз — мамлакатимизни модернизация қилиш, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, давлат бошқаруви тизими самарадорлигини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, инсон кадрини улуглаш, Ўзбекистонимизни дунёнинг энг илгор давлатлари қаторига тезроқ олиб чиқиш...

Бундай кенг кўламли, улғувор ишларни ким билан, қандай амалга оширамиз?

Қарорда алоҳида қайд этилди: **Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз.** Халқимизнинг мардлиги, олижаноблиги, донолиги тарих синовларидан ўтган, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаги ўта кескин, мураккаб шароитларда яна бир бор намоён бўлган. Оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар, ёвуз кучларнинг хуружлари, фитналаридан шошиб, йўлимизни йўқотмадик, чекинмадик, буйин эгмадик. Дадил ва қатъий туриб, бир тан, бир жон бўлиб, мустақилликни асрадик, мустаҳкамладик.

Ўша таҳликали кунларда, ўйланмай айтилган бир оғиз сўз, нотўғри ташланган биргина қадам билан олов чиқиб кетиши мумкин бўлган пайтларда Биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг донишмандлиги, халқимизнинг юксак маданияти, маънавияти, бирлиги юртни фалокатлардан, фожиялардан асраб қолди. Ўзаро ҳурмат-иззат, меҳр-оқибат, бағрикенглик бало-қазоларни биздан узоқлаштирди.

Қарорда муҳим масалалардан бири сифатида Маънавият — энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз дея таъкидланаётгани ҳам чуқур маънога эга. Юксак маънавият — энгилмас куч эканига мустақиллик йилларида мустаҳкам ишонч ҳосил қилдик. Жамиятимизнинг мустаҳкамлиги ҳам аслида халқимиз маънавияти билан боғлиқ. Жаҳолатга қарши курашда ҳам маънавият, маърифат қуролимиз, қалқонимиз бўлмоқда.

Мустақиллик ҳақида фикр юритганда, юрт кадрини ўйлаганда, аждодларимиздан бизга қолган энг катта мерос — шу азиз Ватан эканлигини англаганда, бу муқаддас заминда боболаримиз, момоларимиз, улуг аждодларимиз ётганини, бу юртдан ўзга борар маконимиз йўқлиги ва бўлмаслигини ҳам ҳис этганда, идрок этганда, юракларимизни титратиб, қалбларимиздан отилиб, бир нидо келади: Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!

**Сафар ОСТОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган журналист



HARAKATLAR STRATEGIYASI  
2017-2021



Бугун ҳуқуқий давлат барпо этишнинг янги босқичига қадам қўйганмиз. Ер юзи минтақалари глобаллашиб, рақобат тобора кучаяётган замонда эскича усуллар, консерватив ёндашувлар билан узоққа бориб бўлмаслиги барчага аён. Энди босиб ўтган йўлимизга танқидий муносабатда бўлиб, халқ ҳўжалигининг барча соҳасида, яъни бутун мамлакатимизда тараққиётнинг суръатини тезлатиш учун мутлақо янгича ёндашув ва тамойилларни белгилаб олиш ва ҳаётга татбиқ этиш давр талабидир.

## VATAN – BIZNING UYIMIZ

Албатта, халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида мустақилликни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан куриш учун муайян дастурлар ишлаб чиқилган ва улар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактабни ривожлантириш умуммиллий дастури, Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш дастури, Маҳаллийлаштириш дастури каби истиқбол режалари шулар жумласидандир.

Бироқ биз шундай марра ва манзилларни белгилаб олайликки, унга жамиятимиздаги барча фуқаролар ўзини дахлдор деб ҳисобласин. Ҳаётда ҳамisha шундай: ҳар ким муайян муддат ичида ўз режа ва мақсадларини аниқ билса, унинг ҳаракати ҳам шунга яраша тўғри йўналтирилган бўлади.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббусига қўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегия нима? Халқимизда «Туяга миниб, узоқни кўзла» деган нақл бор. Бу ўринда беш йил мобайнида қандай ҳаёт кечиришимиз ҳозирдан аниқ тасаввур қилиниши назарда тутиляпти. Ушбу муҳим ҳужжат ҳозирги мукамал ҳолга келгунча аҳолининг кенг қатламлари орасида қизгин муҳокамалар олиб борилди. Фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий борада юксак фаоллик кўрсатиб, олиб борилаётган ислохотларга алоҳида қизиқиш ва дахлдорликни намоён қилдилар. Мазкур ҳужжат лойиҳаси сенаторлар, депутатлар, сиёсатшунос олимлар, турли соҳа вакиллари томонидан бир неча кун мобайнида пухта муҳокамадан ўтказилди. Хорижий экспертлар иштирокида амалий семинарлар бўлиб ўтди, яъни Ҳаракатлар стратегияси жаҳон стандартлари мезонида ҳам ўз баҳосини олди.

Ҳаракатлар стратегияси 5 йилга мўлжалланган, 5 та устувор йўналишдан иборат. Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз аҳолиси ҳаётининг яхшиланишини, ислохотлар самараси янада ошишини кўзда тутди. Энг аввало, ўз тақдирига бепарво бўлмаган ҳар бир фуқаро олий мақсадларни кўзлаган Ҳаракатлар стратегиясининг мазмун-моҳиятини дил-дилдан англаб олиши керак. Зеро, унда баён этилган вазифалар ижросига кенг жамоатчилик яқдиллик билан киришгандагина кўнгилдаги натижага эришилади. Бу борада ҳеч ким четда туриши мумкин эмас.

Биринчи устувор йўналиш — давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш. Гап шундаки, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш вазифасини амалга ошириш учун муҳим дастаклар бор. Халқимиз ишончини қозонган парламент ҳамда сиёсий партиялар ўз фаолиятларини кучайтиришлари керак. Депутатлар, партияларнинг фаоллари Ҳаракатлар стратегияси — тараққиётимиз гарови эканлигини оддий одамларга астойдил тушунтиришлари лозим.

Табиийки, ҳаёт ўзгариш ва янгиланишлардан иборат. Шу маънода бундан ўн-ўн беш йил олдин қабул қилинган қонунлар бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Янги ҳуқуқий ҳужжатларга бўлган эҳтиёжни профессионал асосда ишлаётган депутатларимиз, умуман қонунчилик ташаббусига эга бўлган субъектлар ўз вақтида аниқлаши, халқ билан бамаслаҳат ишлаб чиқиши тақозо этилади. Дунё амалиётида фаровонликни таъминловчи қонунлар ва уларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши тараққиёт омили эканлиги аллақачон исботланган.

Ҳар соҳада янгиланиш, давр талабларига мос ишлаш ва яшаш ҳақида жамоатчилик билан фикр алмашиш зарур. Жамоатчилик назорати қоғозда ёки сўзда эмас, амалда яққол намоён бўлсин. Шу Ватан, унинг бойлиги — ҳаммамизники деган тушунча оммавий тус олиши муҳим. Хўш, жамоатчилик назоратини ким бажаради? Табиийки, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ўз ваколатларини тўла ишга солган ҳолда. Демак, давлат ва жамият ана шу шартларга риоя этганда биринчи устувор йўналиш ҳаётга татбиқ қилинади.

Иккинчи устувор йўналиш қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, деб аталади. Судлар фақат қонун асосида ишлаши, унга маъмурий ресурс таъсири бўлмаслиги керак. Бу қонданнинг муқаррарлигига халқнинг ишончи комил бўлсин. Биздаги қонунчилик (хоҳ маъмурий, хоҳ жиноят ёки фуқаролик ва ҳўжалик) тизими соатдай аниқ ишлаши ишончни мустаҳкамлайди. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бекаму кўст ишлаши Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим шартларидир. Мисол учун, суд жараёнида асл ҳақиқатни аниқлаш учун тортишув тамойили тўлалигича татбиқ этилиши муҳимдир. Фуқаро бу борада юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлардан бемалол

фойдалансин. Ҳаракатлар стратегияси ана шу омилларни кучайтириш орқали ижтимоий адолатни таъминлашни кўзда тутуди. Куч — адолатда, деган ҳикматнинг амалий ифодаси шунда намён бўлади.

Кейинги пайтларда фуқароларнинг суд идораларига муурожаати сезиларли равишда кўпаяётганлиги кузатилмоқда. Ҳўш, бунга сабаб нима? Ҳаётимизда қонунбузарлик ҳолатлари кўпайдимми? Йўқ, бундай эмас. Фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти кўтарилиб, улар ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаб етмоқдалар. Бундан ташқари, тегишли идораларга муурожаат қилиб, адолатга эришиш имкинлигини ҳаёт кўрсатмоқда. Илгариги «Бой бойга боқар, сув сойга оқар» қабилидаги адолатсиз тамойил ривожланган жамият бағрида чиппака чиқмоқда.

Учинчи устувор йўналиш — иқтисодий янада ривожлантириш ва либераллаштириш. Ер юзининг аксарият қисми глобал иқтисодий инқироз чангалида эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти билан чуқур интеграциялашмагани, ва аксинча, инқирозга қарши самарли чораларни кўраётганлиги туфайли барқарор ўсиш кўрсаткичларига эришяпти. Масалан, 2016 йил якунлари бўйича ялпи ички маҳсулот 7,8 фоиз ўсди. Саноат маҳсулоти ҳажмлари — 6,6 фоиз, қурилиш-пудрат ишлари — 12,5 фоиз, чакана савдо айланмаси — 14,4 фоиз, хизматлар — 12,5 фоиз ўсди. Ҳаракатлар стратегиясига биноан ана шу юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолиши, пировардида макроиқтисодий барқарорлик муттасил мустаҳкамланиши керак. Иқтисодий қачон бақувват бўлади, қачонки ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизмат халқаро бозорда бошқа турдошларига нисбатан рақобатга бардош бера олса.

Энди «Мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида ишлаш мутлақо барҳам топиши керак. Биз ишлаб чиқараётган маҳсулот хориждаги истеъмолчи кўлига етиб борар экан, у, аввало, Ўзбекистоннинг юз-кўзи бўлишини ёдда тутайлик. Дунёда муносиб эътироф топган мамлакатлар сифатли маҳсулот ва хизматлар билан юқори нуфузга эга бўлиб боради.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан олинган самара юксалиши учун соҳани интенсификациялаш, бунинг учун эса модернизациялаш талаб қилинади. Бозор муносабатларига ўта бошлаганимиздан буён иқтисодий давлат улушини камайитириш йўлини танлаганимиз. Ана шу тамойил янада изчил давом эттирилиши, институционал ва таркибий ислохотлар давом эттирилиши Ҳаракатлар стратегиясининг зарурий шартидир. Азалдан шундай тушунча бор: мулк хусусий бўлса, унинг эгаси ўзини-ўзи ўзлаштирамайди, балки уни кўпайтириш пайида бўлади. Давлат ҳам хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мақодини янада кучайтириш, тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва муносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Четдан сармоя қанча кўп келса, иқтисодийтимиз учун шунча яхши. Лекин инвестиция ўз-ўзидан келавермайди. Рақобатдош маҳсулотлар билан хориж бозоридан муносиб ўрин эгалласак, харидорлар эътиборини жалб этсак, Ўзбекистонда бизнес қилиш жозибадорлигини амалда кўрсата олсак, чет эл инвестицияси оқимида барака қиради.

Тўртинчи устувор йўналиш — ижтимоий соҳани ривожлантириш. Аҳоли бандлигини таъминлаш бу жабҳанинг бирламчи шартидир. Одамлар муносиб иш билан таъминланса, уларнинг реал даромадлари изчил ошиб боради. Аҳоли бандлигини таъминлашнинг қандай омиллари бор? Иқтисодий ислох қилиш ва диверсификациялаш, фаол инвестиция сиёсатини жорий этиш орқали муҳим жабҳаларни модернизациялаш ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳисобига ҳар йили минг-минглаб янги иш жойлари яратилмоқда. Афсуски, бу соҳада масала моҳиятини англаб етмаётганимиз сабабли камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилляпти. Қаердадир меҳнат бозоридаги ҳақиқий вазият одилона кўрсатилмаяпти. Муҳим ижтимоий масала ҳисобланган олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг битирувчиларини

ишга жойлаштиришга юзаки ёндашув ҳолатлари учрамоқда. Ҳолбуки, бу муҳим ва ҳаётий масала ечими учун жойлардаги ҳокимлар шахсан масъул этиб белгиланган. Ҳоким нафақат қонунда белгиланган вазифаларни бажариши, балки бошқалар ҳуқуқий давлат талабларига риоя этишлари учун ҳам жавобгардир.

Ҳаракатлар стратегияси амалга оширилиши учун парламент ишлаб чиққан қонунлар, Президентимиз имзолаган фармон ва қарорлар муҳим дастуриламал бўлмоқда. Худди шундай ҳужжатлардан бири — Президентимиз 2017 йил 24 майда имзолаган «Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самардорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармондир. Мазкур Фармонда Меҳнат вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги этиб қайта ташкил этилиб, ушбу идора ва тузилмаларининг устувор вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва соғлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш Ҳаракатлар стратегиясининг муҳим шартларидир. Аёлларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ишларимиз янада юришиб кетишига сабаб бўлади. 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда 15 мингга арзон уй-жой, 415 километрлик сув таъминоти қувурлари, 316 километрлик газ таъминоти қувурлари ва 291 километрлик ички йўллар қуриш режалаштирилган. Даромадга қараб буромад дейишади. Аҳоли ижтимоий ҳимояси такомиллашгач, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш учун имкониятлар пайдо бўлади.

Бешинчи устувор йўналиш — хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш. Мустабидлик занжирларини парчалаш, халқнинг асрий орзу-армонларини рўёбга чиқариш сари катта куч-ғайрат, тенгсиз шижоат сарфланган. Давлат суверенитетини сақлаш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси, деб тушуниш нотўғри, ҳатто зарарлидир. Шу азиз Ватан — барчамизники. Унинг ҳар бир қаричи бу заминда яшаётган инсонларнинг хушёрлиги, огоҳлиги ҳисобига дахлсиздир. Агар Ўзбекистон чорак аср мобайнида қандай юксак чўққиларни эгаллаган бўлса, ҳаммасига бу диёрда тинчлик, осойишталик барқарорлиги туфайли эришди. Биз шундай даражага қидик, деб заррача бепарволикка берилмаслигимиз керак. Тинч ҳаётни сақлаш нафақат шу пайтгача қўлга киритган ютуқларимизни сақлайди, балки келажакдаги бахт-саодатимиз, бунёдкорона меҳнатимиз учун мустаҳкам кафолат яратади. Дунёнинг турли бурчакларидан тинч ҳаётни издан чиқарувчи таҳликали ҳолатлар инсониятни ўйланттириб турибди. Шундай замонда юртимизда хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳаракатлар стратегияси мазмун-моҳиятини тушунган одамнинг кўнглида ёруғ тўғуллар, эртанги кунга ишонч ҳисси ёрқин намён бўлади. Бу ҳужжатларда ўз ифодасини топган эзгу ғоя ва мақсадлар ватандошимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат бағишлаши табиий. Мамлакатимиз олдида қўйилган бундай олижаноб мақсадлар ҳар бир онгли фуқарога дахлдордир.

Тинчлик ва осойишталик кафолати нимадан иборат? Биз юқорида Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг ҳамма фуқаролари ҳаётига алоқадор дедик. Худди шунингдек, тинч ва фаровон ҳаётимиз ҳам барчанинг огоҳлиги, хушёрлиги билан чамбарчас боғлиқ. Агар ўзимиз яшаётган уйга кимдир кириб келса, тезда бу ҳолнинг сабабини билишга киришамиз. Ватан ҳам бизнинг уйимиз. Хонадонимиз ораста ва озодлиги, ҳар қандай шикастланишдан холи бўлиши, янада гўзаллашиши ва ободлиги ўзимизга боғлиқ.

**Шухрат ЖАББОРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган журналист

# YURTGA SADOQAT BILAN XIZMAT QILGAN INSON XALQ QALBIDA MANGU YASHAYDI

*Республикамизни жуда оғир ва мураккаб йилларда бошқарган, эл-юртимиз шаънига ҳам, ўз номига ҳам гард юқтирмай ўтган атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи Шароф Рашидов фаолиятини халқимиз тарихидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 27 март куни қабул қилинган «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарорини халқимиз катта қувонч билан кутиб олгани бежиз эмас. Бу қарорнинг аҳамияти ва қадрини, айниқса, ўша долғали кунларнинг гувоҳи бўлган катта авлод вакиллари жуда теран англайди. Уларнинг хотиралари, фикрлари ёшлар учун бебаҳо манбадир.*

*Кўп йиллар Шароф Рашидов билан елкама-елка ишлаган Ўзбекистон фан арбоби, академик Оқил Салимов билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маматқул Ҳазратқуловнинг суҳбати яқин тарих ҳақиқатлари, Шароф Рашидовнинг атоқли давлат арбоби, таниқли ёзувчи сифатида эл-юртимиз олдидаги унутилмас хизматлари ва инсоний хислатлари ҳақида бўлди.*

## **Маматқул Ҳазратқулов:**

– Оқил Умрзоқович, тарих – ҳақиқат чироғи, тирик хотира. Собиқ мустабид тузум даврида халқимиз ҳаётида рўй берган синовлар бугунги авлодлар учун катта сабоқ бўлиб хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Халқимиз эл-юрт учун жон куйдириб ишлаган, шу улуғ йўлда умрини тиккан фарзандларини ҳамиша эъзозлаган. Мустақиллик арафасида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов жасорати билан ҳақиқат қарор топгани – «пахта иши», «ўзбеклар иши» деган тамғалар билан айбланиб, ноҳақ қамалган юзлаб инсонлар, жумладан, Шароф Рашидов номининг оқланиши бунинг яққол исботидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бу эзгу ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Жиззах туманига Шароф Рашидов номи берилди. Бу ерда ёдгорлик мажмуаси барпо этилиб, у кишининг ҳайкали ўрнатилиши, Жиззах шаҳрида мемориал уй-музей ташкил этилиши режалаштирилди. Адибнинг «Сайланма» китоби, Шароф Рашидов ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Халқимизнинг оташқалб фарзанди» хотира китоби нашрга тайёрланмоқда. Ҳужжатли фильм яратиш, илмий конференция ўтказиш кўзда тутилган.

Халқимизнинг оташқалб фарзанди таваллудининг қутлуғ санасига катта ҳозирлик кўрилаётган айни кунларда бу улуғ сиймонинг шахсияти ва фаолиятида мужассам бўлган ноёб фазилат ва хислатларни яна бир бор ёдга олиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди, деб ўйлайман. Яқин ўтмишимиздаги мураккаб даврларда Шароф Рашидовнинг республикамизни қарийб чорак аср давомида бошқариши албатта осон бўлмаган. Бу тарих ҳақиқатларини бугун, айниқса, ёш авлодларга эсла-

тиш-англантиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

**Оқил Салимов:**

– Дарҳақиқат, тарихни билмай туриб, бугунги кунга баҳо бериб бўлмайди. Яхши биласиз, ўша даврларда ҳар қайси иттифоқдош республика раҳбари собиқ Марказ чизигидан чиқмасдан фаолият олиб боришга мажбур эди. Шунга қарамай, Шароф Рашидович республикамиз, халқимиз равнақи учун ўзини аямасдан меҳнат қилди. Республикамиздаги жуда кўп иншоотлар, муҳим объектлар қурилиши айнан унинг номи билан бевосита боғлиқ эканини эл-юртимиз яхши билади. Энг муҳими, буларнинг барчаси нафақат ўша давр, балки келажакни ўйлаб, узоқни кўзлаб амалга оширилган. Бир мисол: ўша пайтларда Мирзачўл, Қарши, Жиззах, Ёзёвон, Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши натижасида миллионлаб гектар қўриқ ерлар очилди, пахтазору буғдойзорлар, боғроғлар барпо қилинди. Бугунги кунда бу ҳудудлар халқимизнинг фаровон ва тўкин ҳаёти учун хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётида катта аҳамиятга эга Навоий, Зарафшон, Янгйер, Гулистон каби ўнлаб шаҳарлар бунёд этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг табиий бойлиқларини қайта ишлаш борасидаги йирик индустрияга ўша вақтлар пойдевор қўйилган, десак, хато бўлмайди.

Шароф Рашидович улкан давлат арбоби, таниқли адиб бўлишига қарамасдан, ниҳоятда камтар, самимий, одамларга меҳрибон инсон эди. У юртимизнинг шаҳар ва қишлоқларида, қурилиш майдонлари ва далаларда, саноат корхоналарида бўлиб, турли касб эгалари, оддий одамлар билан мулоқот қилишни хуш кўрарди. Шундай сафарлар чоғида эл-юрт ҳаёти учун муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича режалар ишлаб чиқиларди.

У киши халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнат эвазига катта миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, пахта, пилла, қорақўл тери етказиб бераётганини чуқур англаб, қўлидан келганча ана шу заҳматқаш одамларнинг оғирини енгил қилишга интилар эди.

Халқимиз Шароф Рашидовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг бугунги салоҳияти ва замонавий қиёфасини яратишда беқиёс хизматлари синганини яхши билади ва юксак қадрлайди. 1966 йилги зилзила оқибатида вайрон бўлган турар-жойлар, маъмурий бинолар, корхоналарни тиклаш, бошпанасиз қолган ва яна узоқ ўлкалардан кўчиб келган одамларни уй-жой билан таъминлашнинг ўзи бўлмаган. Бугун пойтахтимиздаги метрополитен хизматидан фойдаланаётган, театрлару музейлар, санъат саройлари ё сайилгоҳларда бўлган ҳар бир инсон Шароф Рашидовнинг порлоқ хотираси олди-



да ҳурмат бажо этади.

Дарвоқе, Тошкент метрополитени қурилишига собиқ Марказ дастлаб қарши чиққан. Ҳали зилзилани, ҳали ерости сувларини баҳона қилиб, бу лойиҳани амалга оширишга йўл бермаган. Шароф Рашидов метро Тошкент ҳаёти учун нақадар катта аҳамиятга эга эканини инobatга олиб, энг билимдон ва тажрибали мутахассислар иштирокида таҳлилий маълумотлар тайёрлатиб, пойтахтимизда метрополитен қуришга барча асос борлигини исботлаб берган эди.

Истиқлол йилларида Тошкент метросининг йўналишлари кенгайди. Бугун ҳам унинг янги йўналишлари бўйлаб қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Сергели йўналишида 7,1 километрлик ер усти метроси қурилмоқда.

**М.Ҳазратқулов:**

– Шароф Рашидов феномени ҳақида гап кетганда, у кишининг жуда мулоҳазали, донишманд, дили ҳам, тили ҳам пок, меҳрибон, юмшоқ кўнгилли инсон бўлганини эслаймиз.

**О.Салимов:**

– Чиндан ҳам, Шароф Рашидович том маънода зиёли инсон эди. Инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, деган қоидага ўзи ҳам амал қилар, бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди. Ундаги бир сўзлик, қатъият, матонат, ҳар қандай оғир муаммони оқилона ҳал қила олиш фазилатларига жуда кўп гувоҳ бўлганман. Яна бир фазилати – ҳамиша далил ва исботлар билан гапирарди.

Собиқ Иттифоқ миқёсидаги кўзга кўринган сиёсий арбоблардан бири сифатида Шароф Рашидовнинг ташқи сиёсатдаги фаолиятини, афсуски, кўпчилик яхши билмайди. Масалан, 1966 йили Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги можарони тўхтатиш бўйича қабул қилинган тарихий битимга эришишда Шароф Рашидовнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлган.

У АҚШ ва СССР ўртасида ядро урушига олиб келишига бир баҳя қолган «Қариб танглиги» муаммосини бартараф этишда, Куба раҳбарлари билан музокаралар олиб боришда фаол қатнашган эди. Кўплаб мамлакатларга сафарларда собиқ Иттифоқ делегацияларига раҳбарлик қилган эди. Бунга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

**М.Ҳазратқулов:**

– Шароф Рашидов дунёдан кўз юмганида, аввало, ўзи умр бўйи ҳимоя қилган, содиқ бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди, хотирасини таҳқирлаб, қабрини кўчирди. Оила аъзолари ва қариндош-уруғларини таъқиб этди. «Рашидовчилик» деган бўҳтонни ўйлаб топиб, юзлаб беғуноҳ одамларни қатағон қилди.

Бу ҳақда гапирганда, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 18 ноябрда Жиззах вилояти сайловчилари билан учрашувда, «Яқин тарихимизда кечган ана шундай аянчли воқеалар мисолида мустақиллигимизнинг аҳамияти ва моҳиятини, кадр-қимматини янада теран англаб етишимиз, уни ҳар қандай ёвуз кучлардан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришимиз шарт», деган сўзларини эслаш ўринлидир.

Давлатимиз раҳбарининг: «Ўйлаб қоласан киши, дунёда шунақаям адолатсизлик бўладими?! Инсон тирик пайтида уни кўчларга кўтариб, вафотидан кейин ер билан яксон этса, қадрини беобрў қилса, бу ўзи қандай давлат, қандай жамият бўлди? Лекин, тарих гувоҳ, ҳаётда шундай адолатсизликлар ҳам бўлар экан. Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, ҳаттоки шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан», деган фикрлари онгли яшайдиган ҳар қайси инсонни чуқур ўйга толдириши табиийдир.

**О.Салимов:**

– Ҳа, афсуски, бу тарихимиздаги энг катта хатолардан бўлди. Бунинг учун ўша вақтда мансабни деб, ўз манфаати ва обрўсини ўйлаб, ор-номусини, эл-юртини сотган бир гуруҳ кимсалардан бошқа ҳеч ким айбдор эмас.

Халқимиз ўша оғир вақтларда ҳам Шароф Рашидов эл-юрт равнақи учун бутун умрини бағишлаганини яхши англади. Халқимиз бор ҳақиқатни яхши билади, ҳеч нарсани унутгани йўқ. Шу боис, кўп ўтмай адолат қарор топди. Шароф Рашидовга нисбатан онкўрлик, мунофиқлик ва хоинлик қилганларни ҳаётнинг ўзи жазолади. Энг муҳими, бугун халқимиз уларнинг номини деярли эсламайди. Аслида уларга энг ҳақли, энг оғир жазо шу.

Ўша вақтлар Шароф Рашидовга қўйилган «айб»ларда ҳам у инсоннинг халқимизга, маънавиятимизга, тарихимиз ва қадриятларимизга нақадар содиқ бўлгани кўриниб туради. Хусусан, ўша сотқинлик бошида туриб, эл-юртимиз нафратига учраган кимсалардан бири матбуотдаги интервьюсида шундай деган: «Рашидовнинг миллатчилик туйғусидан келиб чиқиб, Темур каби қонхўр босқинчиларни улуғлаштиргани айниқса менга ёқмас эди».

Орадан кўп ўтмай, ким ҳақ эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб берди-ку! Биринчи Президентимиз

Ислом Каримов маънавий тикланиш ва янгиланиш ислохотларини улуғ аждодларимиз, хусусан, Амир Темур бобомизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймосини тиклаш асосига қурди. Соҳибқирон бошқа саркардалардан фарқли равишда бунёдкор шахс бўлгани, қайси жойдан бир ғишт олса, ўрнига ўн ғишт қўйдиргани, бир дарахт кестирса, ўрнига ўн кўчат экирганини, буюк Амир Темурнинг инсоният цивилизациясига қўшган ҳисасини дунёга яққол исботлаб берди.

Ислом Абдуғаниевич ана шундай улуғ сиймоларимиз қаторида Шароф Рашидовнинг ҳам порлоқ хотирасини тиклади. 1992 йил ноябрь ойида Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. Биринчи Президентимиз, «Дақиқани абадиятдан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмаганидек, Шароф Рашидовнинг ҳаётини ҳам ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётидан айри тасаввур қилиб бўлмайди», дея таъкидлаганларида ниҳоятда ҳақ эди.

**М.Ҳазратқулов:**

– Шу ўринда бир суҳбатимизда айтиб берганингиз – Шароф Рашидов Имом Термизий қабрини тез-тез хуфиёна зиёрат қилиб тургани, бу масканни обод қилиш йўллари излагани ёдимга келмоқда. Бу тарих ҳақиқатларидан бугунги ёшларни ҳам хабардор қилиш фойдадан холи бўлмайди.

Мана, Шароф Рашидов орзу қилган кунларга етдик: Биринчи Президентимиз Ислом Каримов жасорати билан улуғ алломаларимизнинг муборак номлари тикланди, халқимиз уларнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлмоқда. Хусусан, 1990 йили мамлакатимизда Абу Исо Муҳаммад Термизий (Имом Термизий) таваллудининг 1200 йиллиги кенг нишонланган бўлса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 14 февралдаги қарори билан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ташкил этилди. Ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган буюк аждодимиз Абу Исо Муҳаммад Термизий ва термизий алломаларнинг беназир меросини илмий асосда чуқур ўрганишга киришилди.

Бугун мазкур зиёратгоҳда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда, замонавий ёдгорлик мажмуаси барпо этилаётир. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни эзгу ғоялар руҳида тарбиялашдек улуғ мақсадларга хизмат қилади.

**О.Салимов:**

– Жуда тўғри айтдингиз. Мен Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш ҳақидаги қарорини ўқиб, тўлқинланиб кетдим.

Шароф Рашидович бу кунларни чин дилдан орзу қилган, десак, хато бўлмайди. У киши қачон Сурхондарёга борса, тонг-сахарда Имом Термизий қабри-

ни зиёрат қиларди.

Ўша зиёратларнинг бирида мени секин четга тортиб, бир гапни айтди: «Шундай улуғ алломамининг мангу оромгоҳи, қаранг, қандай хароб аҳволда... Бу жойни обод қилишимиз керак, фақат бу та-шаббус маҳаллий аҳолидан чиққани маъқул». Ҳеч нимага тушунмадим. Сўнг у киши айтдики, «Шу ерлик одамлардан Марказга, республика раҳбарияти ушбу тарихий масканга эътибор бермаяпти, деган мазмунда шикоят уюштирсангиз». Хаёлимга дарҳол «мени синаяптими», деган ўй келди ва кескин жавоб қилдим: «Кечирасиз, Шароф Рашидович, мен бундай қила олмайман». Кўнглимдаги фикрни сезди ва оҳиста жилмайди: «Сизнинг садоқатингизга заррача ҳам шубҳам йўқ, лекин шундай қилмасак бўлмайди». Орадан кўп ўтмай Марказдан бир катта раҳбар Шароф Рашидовга кўнгирак қилди: «Қанақа раҳбарсиз, ўртоқ Рашидов, Сурхондарёда қандайдир бир олимнинг қабри хароб бўлиб ётганидан аҳоли норози: бизга кетма-кет шикоят ёзмоқда. Шу қабрга сал қараб қўйсангиз бўлмайдимиз?».

Шу тариқа Имом Термизий зиёратгоҳи бироз тартибга келтирилди. Дарахтлар, гуллар экилди. Лекин, қанча хоҳламайлик, бундан ортиғи хавфли эди. Шароф Рашидович шундан ҳам анча таскин топиб юрди.

#### **М.Ҳазратқулов:**

– Шароф Рашидов ҳамини миллий қадриятларимизга содиқ бўлган. Наврўз байрамиди қадрлагани ҳам бунга далил.

Адабиётимиз ривожи, ижодкорлар учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги хизматлари туфайли юзлаб ёш шоир ва ёзувчилар, рассом ва композиторлар юзага чиққан. Шароф Рашидов атоқли ёзувчи бўлиш билан бирга, ижодкорларнинг ғамхўри, ҳомийси ва ҳимоячиси бўлганини ҳам яхши биламиз.

#### **О.Салимов:**

– Чиндан ҳам, бу инсон миллий қадриятларимизга ҳамини содиқ бўлган. Халқимиз тарихини асраш, улуғлаш Шароф Рашидовнинг эзгу орзуси бўлган эди. Бу йўлда у кўп ишлар қилган.

Дейлик, нима учун Тошкентда «Алгоритм» заводи қурилган? Бу корхонага Ал-Хоразмий номи берилганига эътибор беринг. Нима, бу завод учун бошқа ном йўқмиди?..

Нима учун ўша вақтларда қадрият ва урф-одатларимиз билан ҳукмрон тузум мафкураси ўртасида кўп боғлиқлик изланган? Чунки шундай қилмаса, тоталитар мафкура тазйиқи билан қадриятларимиз йўқолиб кетиши мумкин эди.

Мана, Наврўзни эсласангиз. Жиззахда Наврўзбулоқ деган жой бор. Бу номни Шароф Рашидовнинг ўзлари қўйдирган эди. Маҳаллий аҳоли қадимий байрамимизни ўша жойда нишонлар эди. У кишининг таклифи ва далдаси билан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаров «Наврўз» романини

ёзган эди.

Шароф аканинг вафотидан сўнг миллий қадриятларимизни йўқотишга кескин ҳаракатлар бошланди. Наврўз тақиқланди. Унинг ўрнига сохта байрам – «Навбахор» жорий этилди. Бироқ халқимиз бундай сохта байрамни қабул қилмади.

Шароф Рашидов қанчалик муҳим давлат ишлари, мана шундай сиёсий можаролар билан банд бўлмасин, Худо берган истеъдоди, сўз санъатига бўлган чексиз меҳри туфайли ижод оламини ҳеч қачон тарк этмади. Кўплаб роман ва қиссалар, шеърини асарлар, публицистик мақолалар яратди.

Айниқса, адибнинг «Кашмир қўшиғи» асари ўзбек адабиётида ўзига хос воқеа бўлганини кўпчилик ижодкор зиёлилар эътироф этади. Энг муҳими, бу асарда ёзувчининг дилидаги пинҳоний армони – озодликка интилиш ғоялари бадиий сатрларда ўз аксини топганини зукко китобхонлар яхши англайди. Адиб воқеаларни Ҳинд юртига кўчирган. Сабаби эса аён...

Шароф Рашидович маданият ва санъат аҳлига жуда катта эътибор билан қарар, ижодкор зиёлиларнинг самарали фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга интиларди. Албатта, ўша даврда замон мафкураси таъсирида ёки ғоявий буюртмалар асосида ёзилган асарлар ҳам бўлган. Лекин, шулар билан бир қаторда, миллий адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган кўплаб асарлар ҳам яратилгани айни ҳақиқат.

У киши ёш ижодкорларни ҳамини қўллаб-қувватлар эди. Масалан, кейинчалик ўзбек адабиётининг атоқли номандалари бўлиб етишган Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов сингари истеъдодли шоирларни кўп бор ҳимоя қилганига ўзим гувоҳ бўлганман. Шароф Рашидов уларнинг асарларини рус тилига таржима қилдириб, Москвада нашр эттиришга бошқош бўлди. Уларнинг бошида қора булутлар айланиб қолганда, Эркин Воҳидовни Гётенинг «Фауст», Абдулла Ориповни Дантенинг «Илоҳий комедия» асарларини таржима қилишга даъват этганларини яхши эсламан. Шароф Рашидовичнинг бу оқилона тадбири туфайли ҳам ёш шоирлар бало-қазолардан сақланиб қолган, ҳам ўзбек адабиёти икки шоҳ асар таржимаси билан бойиган эди.

...Орадан йиллар, асрлар ўтади. Шароф Рашидовнинг Ўзбекистонимиз, халқимиз учун қилган фидойи хизматларини, ҳалол ва покиза номини эл-юртимиз ҳеч қачон унутмайди. Яқин ўтмишимиздаги жуда мураккаб, оғир ва таҳликали йилларда юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона хизмат қилган, тақдир синовларидан муносиб ўтиб, ўз вазифасини шараф билан адо этган Шароф Рашидов қисмати барчамизни мустақилликнинг қадрига етишга, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ундайди.

**ЎЗА мухбири Умид ЁҚУБОВ ёзиб олди**



**Б**иринчи Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ҳар икки йилда бир марта ташкил этиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бу йил XI бор ўтказилади. Ўтган йиллар мобайнида фестивалнинг жаҳондаги нуфузи юксалиб борди. Унда иштирок этиш истагида бўлган давлатлар сони ортиб бораётгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

2015 йилда ўтказилган X юбилей фестивалда юз дан ортиқ давлат вакиллари қатнашиш истагини билдирган бўлса, уларнинг 66 нафарига нуфузли анжуманда қатнашиш насиб этди. 7 мамлакат санъаткорлари «Шарқ тароналари»да биринчи марта иштирок этди.

Жорий йилда ҳам фестивални юқори савияда ўтказиш режалаштирилмоқда. Эътиборингизга хорижлик меҳмонларнинг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳақидаги фикрларини ҳавола этамиз.



**Кобаяши ХИРОЯСУ, MIN-ON CONCERT ассоциацияси президенти (Япония):**

– «Шарқ тароналари» доирасида ўтказиладиган илмий-амалий конференция илм ва мусиқий таълим ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлайди. Биз Ўзбекистонда санъатни ривожлантириш, ёш авлод орасида кенг тарғиб этиш борасида қилинаётган ишларни юқори баҳолаймиз. Классик мусиқий аънаналарни келажак авлод учун сақлаш мазкур илмий конференциянинг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу анжуманнинг Буюк Ипак йўлининг етакчи марказларидан бири бўлган, турли миллатлар маданиятини янада бойишига ҳисса қўшган Самарқандда ўтаётгани ўзига хос аҳамиятга эга.

**Гратиа ГУИЛЛАУМЕ, «Andre Gabrieland Provence's Tambouriner»**

**гуруҳи мусиқачиси (Франция):**

– Санъат азал-азалдан одамларни эзгуликка чорлаб, халқлар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Одамлар оҳанг, мусиқа ёрдамида бир-бирларининг дил изҳорини тушунади, қалбларига



ўйл топади. «Шарқ тароналари» фестивали ана шундай юксак инсоний фазилатларни улуғлаб, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликка даъват этиб келмоқда. Ўзбек халқининг юксак миллий қадрият ва аънаналари ўз инъикосини топган асрий оҳанглари барчани бирдек ҳайратга солади. Регистон том маънода жаҳон маданиятининг кўзгусидир. Ушбу мўътабар майдонда куйлаш ҳар қандай санъаткорга катта илҳом бағишлайди.

Шу маънода, фестивалнинг айнан ушбу маҳобатли ва қадимий мажмуада ўтказилиши ҳар бир иштирокчига илоҳий қудрат, жўшқинлик ва беқиёс куч ато этади. Бу унутилмас онларнинг бевосита гувоҳи бўлганимдан жуда бахтиёрман. Фестивал кунлари Самарқанднинг дунёга машхур тарихий обидалари, замонавий иншоотларини томоша қилиб ҳайратга тушдик. Мамлакатингизда ажодлар меросини асраб-авайлаш борасида олиб борилаётган изчил ишлар ҳавасимизни келтирди. Ўзбек халқининг меҳмондўстлигига тан бериш керак. Болалигимдан мусиқага меҳр қўйганман, қай юртга бормай, албатта ўша юртнинг бирон-бир чолғу асбобини уйимда ташкил этган кичик музейим учун танлаб оламан. Юртингизда аввал ҳам бўлганман. Икки-уч йил олдин келганимда Ўзбекистондан дутор, рубоб, гижжак каби мусиқий асбобларни олиб кетган эдим. Бу сафар энди доира олиб кетяпман.

**Гуванч ЖУМАНДУРДИЕВ, «Бахши Трио» гурӯҳи аъзоси (Туркменистон):**

– «Шарқ тароналари»дек нуфузли фестивалда қатнашиш совриндор бўлиш бахти ҳамма санъаткорга ҳам насиб этавермайди. Анжуман голиблари сафига кирганимиздан бошимиз кўкка етди. Ўзбекистонда бундай катта доирадаги фестивалнинг ўтказилиши мамлакатда маданият ва санъатга берилаётган эътиборнинг натижасидир. Бу ердаги муҳитни сўз билан тасвирлаб бериш қийин. Бизни қўллаган, меҳрини аямган ўзбек халқига раҳмат айтамыз. Ишонамизки, сизлар билан яна кўришамиз.

**Ҳилде ФРАТЕУР, «Hilde Fratuer & Trio HoP» гурӯҳи мусиқачиси (Бельгия):**

– Самарқандга, умуман, Ўзбекистонга биринчи марта сафар қилдим. Шаҳар, одамларингиз, тарихий обидаларингиз мени лол қолдирди. Фестивал ташкилотчилиги ҳам юқори даражада. Янграётган куй-қўшиқлар, томошабинлар томонидан яратилган муҳит натижасида ҳар қандай одамнинг рақсга тушгиси келиб қолади.





Юртимизда ҳам «Шарқ тароналари»ни улкан қизиқиш билан кузатишади. Фестивал бошланган пайтда давлатимиз қиролининг бизнинг делегациямиз номига миннатдорчилик мактубини юборгани ҳам фестивалнинг халқаро аҳамияти қай даражада жиддий эканлигидан дарак бериб турибди. Мен бу фестивалда яна ва яна қатнашсам дейман.

**Силвер СЕПП, муסיқачи (Эстония):**

– Самарқандга келишни анчадан бери орзу қилардим. Фестивалнинг очилиш маросимида ўзбек санъаткорларининг чиқишлари ва миллий рақсига гувоҳ бўлдим. Тан олишим керак, санъатингиз менга манзур бўлди. Ўзбек муסיқий маданияти олис тарихга эга. Менда бир нечта ўзбек муסיқий асбобларини чалиб кўриш истаги юқори. «Шарқ тароналари» – мусиқаларни бирлаштирувчи ва дунё мамлакатларини дўстлаштирувчи анжуман. Агар мени келгуси фестивалга ҳам таклиф қилишса, бажонидил келаман. Яна бир бор Регистон майдонида кўшиқ куйлаш ва бағрикенг ўзбек халқи олдида чиқиш қилиш ниятим бор.

**Жанг ЖИНГ, Гран-при соҳиби (2015 йил) «Jiangsu Women's Orchestra» гуруҳи аъзоси (Хитой):**

– «Шарқ тароналари»да қатнашиш, Регистонда кўшиқ куйлашдек орзумиз ушалди. Нафақат амалга ошди, балки биз Гран-при билан юртимизга қайтадиган бўлдик. «Шарқ тароналари»дек фестивал ўтказилаётгани



учун дунё санъаткорлари Самарқандда тўпланмоқда. Бу эса жаҳон халқлари санъати ва маданияти янада ривожланишида муҳим ўрин тутуди. Ўтган кунлар давомида биз учун ғамхўрлик қилган барчага раҳмат айтмоқчиман. Бизни улуглаган, кўқларга кўтарган Самарқандда сизлар билан яна учрашамиз деган умиддаман. Юрагимизда абадий қоласан, Ўзбекистон! Ҳаммаси учун раҳмат, Самарқанд!

Темур АЪЗАМ тайёрлади

# Jahon taronalariga aylangan «Sharq taronalari»

## ЎЗБЕКИСТОН

О, ота маконим,  
Онажон ўлкам,  
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.  
Сендай меҳрибон йўқ,  
Сенингдек кўркам,  
Римни алишмасман бедапоянгга.

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,  
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.  
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,  
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

# Ўзинг 'юртиг' jahonim

Кўрдим сулувларнинг энг фарангларин,  
Ё худбинман, ё бир содда касман мен:  
Парижнинг энг гўзал ресторанларин,  
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,  
На тил билайин,  
Кўздан уйку қочди, дилдан ҳаловат.  
Уч кунда соғинсам нима қилайин?..  
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғим ўзинг,  
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.  
Баҳорда Бахмалда туғилган кўзинг  
Араб оҳусидан азизроқ менга.

Сен билан ўтган ҳар кун байрам-базм,  
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.  
Сени билганларга қиламан таъзим,  
Сени билмасларга раҳмим келади.

## ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН, ХАЛҚИМ

Қушдай учиб кучоғингдан дунё кездим,  
Кезиб-кезиб топганларим соғинч бўлди.  
Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,  
Қайда юрсам ёди меҳринг овунч бўлди.  
Айланайин қаро қошу кўзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.

Биров учун бировлар туш кўриб бермас,  
Миннат қилмай бир боғ ўтинг ўриб бермас.  
Байрамингда ойлаб базм қилган каслар  
Бошингга иш тушса туриб бермас.  
Номус куйи тушмасин ҳеч бўғзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.

Эрк водийси — заҳматларга сийловдир бу,  
Той қоқилиб от бўлгувчи яйловдир бу,  
Ранж чекмасанг нурли, нурли тонглар қайда,  
Синовдир бу, балки буюк синовдир бу.  
Бош кетса ҳам қайтма энди сўзингдан-а,  
Ўзингдан қўймасин, халқим, ўзингдан-а.



Болдан ширин татир қора буғдойинг ҳам,  
Ўзингдан бўлса гар шоҳу гадойинг ҳам.  
Бир тану жон, бир-бирингдан рози юрсанг,  
Худойим ҳам сендан рози, худойим ҳам.  
Гоҳи ипак, гоҳи ятак, бўзингдан-а,  
Ўзингдан қўямасин, халқим, ўзингдан-а.

Эр бошига иш тушса ўт кечгувчидир,  
Чидаймиз-да, бу заҳматлар ўткинчидир.  
Хурлигинг ҳақ — қолган бари ўтаверсин,  
Бу дунёда энг ёруғ бахт — эл тинчидир.  
Айирмасин беминнат нон, тузингдан-а,  
Ўзингдан қўямасин, халқим, ўзингдан-а.

### ТАВАЛЛО

Оқ йўракка ўрагансан ўзинг бизни,  
Ҳам оқ ювиб-тарагансан ўзинг бизни.  
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,  
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.  
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Қалқонинг бор, ким қасд қилса гар жонингга,  
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга.  
Асрагаймиз гиёҳинг ҳам гулдай ўпиб,  
Ёвлар яқин йўлолмагай кўрғонингга.  
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,  
Кўзларига икки дунё тор бўлади.  
Шодон дамнинг кўролмаган юртфурушлар,  
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.  
Ёнингда тургаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!..

Гул кўринган даштингдаги гиёҳ-хасдир,  
Соддадилу улуғворлик сенга хосдир.  
Севамизки, чўлларинг ҳам бизга жаннат,  
Тупроғинг ҳам Макка мисол муқаддасдир.  
Онадек кўргаймиз сени, Ўзбекистон,  
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

### ВАТАНИМ

Мен дунёни нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим хоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним,  
Ёлғизим,  
Ягона дейми,  
Топинган кошонам, дейми,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,  
Чечак отган изимга,  
Нолон куним юпатган сен,  
Юзинг босиб юзимга.  
Синглим дейми, Онам дейми,  
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,  
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри —  
Илигимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,  
Халқда тумор,  
Балҳда дорга осилган,  
Навоийсан, шоҳ ёнида  
Фақирни дуо қилган.  
Яссавийсан, меники деб,  
Кўринган даъво қилган,  
Минг бир ёғи очилмаган  
Қўригимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,  
Чингизларга  
Дарбозасин очмаган,  
Темур Малик орқасидан  
Сирдарёга сакраган,  
Муқаннасан, қорачиғи  
Оловларга сачраган,  
Широқларни кўрган чўпон,  
Чўлигимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,  
Ким Энасой томонда,  
Жалолиддин — Курдистонда,  
Бобуринг — Ҳиндистонда,  
Бу қандай юз қаролиғ деб,  
Ётарлар зимистонда,  
Тарқаб кетган тўқсон олти  
Уруғимсан, Ватаним.

Ўғлим, десанг осмонларга  
Фирот бўлиб учгайман,  
Чамбилюртда Алломишга  
Навкар бўлиб тушгайман,  
Падаркушдан пана қилиб  
Улуғбегинг қучгайман,  
Ғичир-ғичир тишимдаги  
Сўлигимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг — ўтган кундир,  
Ўз бошингга етган кун,  
Қодирийни берган замин,  
Қодирийни сотган кун.  
Қўлин боғлаб,  
Дилин доғлаб,  
Етаклашиб кетган кун,  
Воҳ болам! деб айтолмаган  
Дудуғимсан, Ватаним.

Ёнингда қон йиғлаган бир  
Шоирингга қараб қўй,  
Гар Қўқонга йўлинг тушса,  
Детдомларни сўраб қўй.  
Ҳеч бўлмаса Усмон хокин  
Келтирмоққа яраб қўй,  
Олисларда қуриб қолган  
Қудуғимсан, Ватаним...

Сен — шохлари осмонларга  
Тегиб турган чинорим,  
Ота десам,  
Ўғлим деб,  
Бош эгиб турган чинорим,  
Қўйнимдаги ифтихорим,  
Бўйнимдаги туморим,  
Ўзинг менинг улуғлардан  
Улуғимсан, Ватаним!

# SAVODSIZLIKKA

## ko'nikib qolmayapmizmi?

Хар бир халқ, хар бир миллат ўз маданияти, қадриятлари, гўзал анъаналари қаторида она тилининг ҳам доимий равишда софлигини сақлаш ва уни бойитиб бориш, ўсиб келаётган ёшлар қалбида унга муҳаббат уйғотишга масъул ҳисобланади. Ўзбек тилини жамиятимизнинг барча соҳаларида тобора кенгрок қўлланилиб, мақоми юксалиб бораётгани, албатта, ҳаммамизни қувонтиради. Кундалик ҳаётимизда, оғзаки нутқда бўладими, ишлаб чиқариш соҳаларида бўладими, турли ҳужжатларни ёзиш, тайёрлаш билан боғлиқ масалаларда бўладими, умуман, хар бир соҳада биз тилимизнинг софлигини сақлаш учун белгиланган имловий қонун-қоидаларга, меъёрларга қатъий амал қилишимиз лозим.

Тўғри, хар бир корхона, ишлаб чиқариш муассасаси, аҳолига маиший, маданий ёки тиббий хизмат кўрсатиш соҳалари, хуллас, барча йўналишлар масъуллари ўз маҳсулотларини эълон ёки тарғибот манбаларини халққа раво, ёрқин, тез илғаб олиш мумкин бўлган иборалар, сўзлар ила ифодалашга, бунда турли тасвир воситаларидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Бироқ, бу тил меъёрлари, қонун-қоидаларини кўпол равишда бузган ҳолда, оғзаки нутқдаги сўзларни тарғибот кўринишларида савиясиз бир ҳолатда қўллаш мумкин дегани эмас-ку?! Биз бирон иш билан ёки ҳордиқ чиқариш мақсадида кўчаларни сайр қилиб юрганмизда беихтиёр кўзимиз турли эълон ва ёзувларга тушади. Тўғриси айтганда, мазкур ёзувларни кўриб тилимизга бўлган беътиборликдан қаттиқ ранжиймиз.

Сўзимиз исботсиз бўлмаслиги учун айрим мисолларни келтириб

ўтсак. Пойтахтимиздан бошлаб, барча вилоятлар, шаҳар ва қишлоқларда шу ҳолатга кўзимиз тушади. Тамаддиҳоналар, дўкон ва бозорлар, айрим шиорлар ҳам шу аҳволда. Тошкентда шевада ёзилган жой номлари бекат ва транспортлар пешонасини «ярқиратиб» турибди: «Кўйлу», «Чирчу», «Думбиробод»... Шунингдек, «Дориҳона», «Ошҳона», «Минг ҳил турдаги обойлар»... Ўқиган сари тишлар гижирлаб кетади. Ёки бўлмаса «Бехрўз» тўйхонаси «Бехруз», «Жавохир» номли стоматология хизмати «Жавохир», «Гавхар номли гўзаллик салони «Гавхар» шаклида ёзилган. Айрим ошхоналар ёнида яна шундай ёзувни ҳам кўрдик: «Қалла почча», «Маззали сомса» (?!). Кўп ёзув ва эълонлар ёзилишида кирилл ва лотин алифбосидаги сўзлар аралаштириб юборилмоқда. Миллий таомлари билан машҳур «Тўлаган» ошхонасининг пештоқини ўқиган саводли одам бу аралаш ёзувдан энсаси қотади. Баъзилар кирилл алифбосидаги «күюк» сўзини «куйук», «вулканизация» сўзини «Вулканизация» каби ёзмоқда. Афсуски, остона хатлаб кўчага чиқсангиз бу каби жуда кўп мисолларни кўришингиз мумкин.

Шу хусусда гап кетганида кўпчилик икки ёзувга эга эканимиздан ранжиб, ёш авлод кирилл ёзувида, катта авлод лотин ёзувида хато ёзишини таъкидлайди. Бир қарашда ўринли эътироз. Бироқ бизнинг халқимиз инсониятга юксак тафаккур соҳибларини етиштириб берган. Икки ёзув тугул тўрт-бешта тилни мустаҳкам эгаллаган, улар устида тадқиқот қилган аждодларимиз бор. Бугун астойдил киришиб ўрганилса, бир-икки ой вақт кетадиган, тафовути, фарқланиши

катта бўлмаган икки ёзувдан нолиб, чаласаводларча пештахталарга ёзиб ўтиришимиз лозиммикан. Глобаллашув даврида ҳамма соҳада бўлгани каби тил ёки ёзув ўрганиш бўйича ҳам исталганча дастурлар, қўлланмалар бор. Бирор ёзувни кўчага олиб чиқарканмиз, нега бир карра тўғри ёзувга солиштириб кўрмаймиз? Яқинда телевизорда бир онахонни кўрсатишди. Меҳнат фахрийси бўлган бу онахон невараларига дарс қилдириш учун лотин ёзувини ўрганиб олибди!

Кўчалардаги ёзувларни кузатар эканмиз, ўйланиб қоламиз, бу саводсизликми ё лоқайдликми? Бизнинг фикримизча, буларнинг барчаси эътиборсизлик натижасидир. Ахир харф танган инсон қандай қилиб кирилл ва лотин алифбосидаги харфларни аралаштириб юбориши мумкин? Агар биз тилимиз меъёрларига амал қиладиган бўлсак, тилимиз софлигини сақлаб қолмоқчи бўлсак, оддийгина автобус чиптасидан тортиб, дори-дармонлар қутиси ичидаги маълумотномаларгача, кўчалардаги турли муассасалар номларидан тортиб, ошхоналар таомномаларигача, қатор маҳсулотлар тарғиботига қаратилган реклама ва эълонларгача, барча жойлардаги ёзувларда тилимиз қонун-қоидаларига қаттиқ риоя қилишимиз шарт. Негаки, энди ўсиб-улғаяётган ёшлар ана шу бепарволарча, лоқайдларча ёзилган жумлалар, сўзларни тўғридан-тўғри қабул қилиб, кундалик ҳаётида ҳам мана шундай хато ҳолатида қўллашга одатланиб

қолиши мумкин.

Бир пайтлар атоқли ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор: «Нима учун йўл ҳаракати қондасини бузган одамга жарима солинади-ю, тил қоидаларини бузган одам жазога тортилмайди?» деб ёзган экан. Эҳтимол, имло қоидаларини кўпол равишда бузган масъулларга жарима қўллаш лозимдир? Лекин буларни ёзишдан мақсадимиз кимгадир жазолашни тавсия қилиш эмас, тилимизга бўлган эътиборсизликнинг олдини олишдир. Шу халқ, шу миллатга мансуб инсон сифатида тилимиз софлигини сақлаш, имло меъёрларига амал қилиш хар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи керак. Ахир тилимизнинг муммоси фақат зиёлиларнинг иши эмас-ку! Фақат расмий ҳужжатлар тўғри ёзилиб, қолган барча эълону пештоқ ёзувлар, рекламаю жой номлари хато ёзилаверса, хатоларга кўникиб қоламиз-ку. Айниқса, ижтимоий тармоқларда, телефон хабарномаларида ёшлар шунақа кўп имло хато билан ёзишадики, бу одатий ҳолга айланиб қолгандек. Учрашувлардан бирида жонқуяр шоира опа фарзандлари телефонига бирорта хато билан хабар ёзса, атай жавоб қайтармаслигини айтган эди. Бу ҳам ўзига хос тарбия усули: Фарзанд талабчан онаси учун тўғри ёзишга мажбур. Секин-секин ўртоқларига, бошқаларга ҳам хатосиз ёза бошлайди. Харфларнинг ўрнига рақамлардан, шакллардан фойдала-

наётган ёшлардан бирининг хабари ижтимоий тармоқларда кўп муҳокама қилинган эди. Худди шу усулни мобил алоқа компанияларидан бири ҳам ўз мессенжери номига киритгани ҳам мунозараларга сабаб бўлди: «Wa4ach». Бироқ бу ном ҳали ўзгаргани йўқ.

Глобаллашув даврида ўз-ўзидан тил тараққиёти ҳам давом этади. Турли техник буюмлар, уларга кўрсатиладиган хизматлар ҳам янги-янги номлар билан тилимизга кириб келади. Бироқ аллақайси хорижий тилдан олинган хизмат кўрсатиш тармоқлари кўпайиб кетмадимикан. «... prodakshin», «... beta food», «Jast in...». Энг қизиғи, шу сўзлар ўзбекча ёзилиб, чиройли лавҳа қилиб қўйилса, харидори ҳам кўп бўлишини хаёлига ҳам келтирмайди бу корчалонлар.

Айниқса, кўча-кўйда учрайдиган эълонлар ниҳоятда ғализ. «Бузилмайдиган эрлар» ҳам бор, «хотлаган вазимдаги қойлар»лар ҳам бор, «калла-почча» ҳам бор, моҳияти йўқолиб кетган сўзлар ҳам бор.

Бугунги кунда жамоатчилик назорати

ҳақида кўп гапиряпмиз, лекин хар кунни шаҳар кезганимизда ўнлаб мана шундай хатоликларга кўзимиз тушади. Ана шу пайтда ўша корхона масъулига кўнгинок қилиб бир оғиз сўз айтишга нега фурсат тополмаймиз? Бундай хатоларни кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олиб юриш эртага бизга қимматга тушмайди? Бу каби лоқайдликларнинг илдизи қаерда? Бу мақолани ёзишдан асосий мақсадимиз, бу каби бепарволикларнинг олдини олиш, ёшларни она тилимизга ҳурматсизлик ҳолатларини бартараф этишда фаолликка чақириб, дахлдорлик ҳисси билан яшашга ундашдир.

Анора ҲОЖИМАТОВА



Ситора ЭЛБОЕВА, фотоларидан фойдаланилди

# КАТТА YO‘L BOSHIDA

Бугун халқимиз тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кўнида фарзандларимизнинг бахтиёр камолга етаётгани нечоғли бебаҳо неъмат эканини чуқур ҳис қилиб, юртимизнинг жаҳон майдонидаги ўрни ҳамда нуфузини янада ошириш йўлида дахлдорлик туйғуси билан яшамокда.

Узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқларнинг, балки фуқароларнинг онгу тафаккури, жамиятнинг маданий, маънавий-маърифий юксалишида муҳим омил бўлаётир.

– Президентимизнинг жорий йил 31 майдаги «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бу йўлдаги улкан ишлар учун дастуриламал бўлди, – дейди Маданият вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Мавлуда Асқархўжаева. – Қарорда белгилаб қўйилган ҳар бир боб соҳанинг тараққиёти йўлида ўзига хос пойдевор бўлиб хизмат қилади. Қарордан келиб чиқадиган муҳим вазифалар бугунги кунда Республика миқёсида амалга оширилмоқда. Маданият ва аҳоли дам олиш масканлари, маданият ва истироҳат боғлари, театрлар, музейлар, мусиқа ва санъат мактаблари, ҳайвонот боғлари, умуман, аҳолининг маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариши йўлидаги барча тармоқлар ривожига бу ҳужжатда ўз ифодасини топган.

Халқимиз шу кунларда республикаимиз мустақиллигининг 26 йиллигини кенг нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда. Айниқса, қишлоқ, маҳалла, гузар, туман ва шаҳарларда «Фидойинг бўлғаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда. Халқимизнинг онгу шуурида кечаётган кунларга шукроналик, эртанги кунларга ёруғ умид бор.

## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАН!

Биз ким бўлишимиз ва қайси соҳада ишлашимиз ёки ижод қилишимиздан қатъи назар ўз тақдиримизни миллатимиз, халқимиз, Ватанимиз тақдири билан боғлашимиз. Дунёда Ватандек улуғ ва мўътабар туйғу йўқ. Ватан ташвиши билан яшаш ва жон фидо қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз. Ватан туйғуси бизни жонажон Ўзбекистонимизни чин дилдан севишга ва садоқатли бўлишга ундайди. Ана шу муқаддас туйғуни юрагига жо қилган одамгина сидқидилдан меҳнат қилиб, юрт тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади.

Ватанни шарафлайдиган, ор-номус, қадр-қиммат, ғурур ва ифтихор каби фазилатлар маҳорат билан ифода этилган энг яхши кўшиқлар ҳамда уларнинг ижрочиларини юксак бадиий мезонлар ва холислик асосида танлаб олиш, бу асарларни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш мақсадида Биринчи Президентимизнинг

2009 йил 4 апрелдаги «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган

эди. Саккиз йилки бу танлов ватанпарварлик мавзусидаги кў-

шиқларнинг оммалашуви ҳамда истеъдодларнинг кашф этилишига хизмат қилиб келмоқда. Бу йил ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика танлови босқичлари давом этмоқда.

Ушбу кўрик-танлов профессионал ижрочилар ҳамда халқ ва намунали унвонига эга бўлган ҳаваскорлик жамоалари, академик ва халқ бадиий жамоаларининг, иқтидорли ижодкорларининг мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишиларнинг юрагига етиб борадиган, эзгуликка чорлайдиган ирода ва имон-этиқодини мустаҳкамлаш, она Ўзбекистонимизни улуглашга хизмат қиладиган асарларини кенг оммага намойиш этишларида муносиб саҳна вазифасини ўтаб келмоқда. Шунингдек, мазкур танлов турли йўналишларда ижод қиладиган санъаткорлар, иқтидорли ёшларни мунтазам рағбатлантириш ҳамда халқимиз орасидан етишиб чиқаётган ёш иқтидор эгаларини излаб топиш, уларнинг имкониятларини тўла рўёбга чиқаришга кенг имконият яратади.

Танловнинг саралаш босқичларидан муваффақиятли иштирок этиб, нуфузли ўринларни эгаллаган иштирокчиларга яқуний – республика босқичида қатнашиш учун йўлланма берилади. Танлов жарёнида ҳаваскор ва профессионал ижрочилар чиқишларини адолатли баҳолаш, улар томонидан ижро этиладиган асарлар мусиқасини, шеър савиясини, ижро маҳоратини, танлаган либослари ҳамда саҳна маданиятини республикаимизнинг санъат ва маданият арбобларидан иборат нуфузли Ҳакамлар ҳайъати аъзолари баҳолаб боради. Она диёримиз – Ўзбекистонни улуглаш, уни кўз қорачиғидек асраш, шаъну шарафини ҳимоя қилиш ва юксалтириш, шу олий мақсад йўлида фидо бўлиб яшаш энг муқаддас бурч эканлиги, юртимиздаги тинч ва осойишта ҳаётни қадрлашга ундовчи шукроналик туйғуси билан йўғрилган кўшиқлар ҳайъат аъзоларига тақдим этилади.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танлови халқимиз, авваламбор, униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида олижаноб туйғуларни камол топтириш, юртга садоқат, унинг тақдири учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадиий етук кўшиқлар яратишни рағбатлантириш ҳамда уларни эл-юртимизнинг маънавий мулкига айлантириш баробарида кўпгина санъаткор ёшларни кашф этишда ҳам муҳим ўрин тутиб келяпти.

Ўтган йилларда танловда муваффақиятли иштирок этиб, голиб ҳамда совриндорликни қўлга киритган санъаткорлар бугунги кунда миллий, мумтоз ва жаҳон мусиқаси ҳамда эстрада санъатини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ватанга муҳаббат шундай кучли туйғуки, у қалбдан чиққан оҳангларга инганида бошқа юракларга-да меҳр бўлиб кўчади. Ватан деб уйғониш, Ватан деб яшашга ўргатади. Анъанавий «Ягонасан, муқаддас Ватан!» кўшиқлар кўрик-танлови ёши ва дунёқарашидан қатъи назар, барча санъат ихлосмандлари қалбидан жой олган-

нининг сабаби ҳам шунда. Ватанпарварлик, садоқат, тинчлик-осойишталик гоёларига йўғрилган бетакрор қўшиқлар яратилишига, истеъдодли шоир, хонанда ва бастакорларнинг кашф этилишига замин ҳозирлаётган танловнинг бу йилги босқичлари «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» шиори остида қизгин давом этмоқда.

### «НИХОЛ» – ИСТЕЪДОДЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон – истеъдодлар диёри. Ҳар бир соҳадан қобилиятли, баркамол, иқтидорли ёшлар етишиб чиқяптики, улар ўзларига кўрсатилаётган эътибор туфайли катта-катта марраларни кўзлаб, шу йўлда ўқиб, изланмоқдалар. Улар учун таъсис этилган мукофотлар янада шижоат билан ижод қилишлари учун имтиёз ва имконият бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти таъсис этилганига 17 йил бўлди. Ўтган давр кўплаб ёшларнинг қобилиятини рўёбга чиқариш, рағбатлантириш, кейинги ижодий ишларига кенг йўл очишга хизмат қилди. Зеро, истеъдод эътибордан гуркирайди.

Истеъдодли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги муҳим ўрнини инobatга олиб, эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларни мунтазам рағбатлантириб бориш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун «Нихол» мукофоти иқтидорларни кашф этиш йўлидаги улкан пиллапоё бўлди. Ўтган йилларда «Нихол» мукофоти сазовор бўлган ёш истеъдод эгалари бугунги кунда тинимсиз изланишлари, маҳоратлари билан одамларнинг юрагига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка чорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратиш, санъат оламида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

«Нихол» мукофотининг статуеткасига эътибор қилсак, ниҳолни иккита қўл авайлаб тургани рамзи бор. Ҳар қандай ниҳол парвариш билан ўсади, унади, ҳосил беради. Шу эъзоз, эътибор сабаб бугун «Нихол» мукофоти совриндорлари орасидан халқимизнинг сеvimли санъаткорлари етишиб чиқди. Улар байрам-сайилларда, тўй-тантаналарда хизмат қилиб, халқнинг олқишига сазовор бўлмоқда. Улардан Гулсанам Мамазоитова 2013 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонига эга бўлди. «Нихол»чиларнинг 17 нафари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 6 нафари Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонлари ва 3 нафари «Шуҳрат» медали билан тақдирланган, 1 нафари «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалида ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти совриндори, 1 нафари 2014 йилда Тошкентда ўтказилган «Competizione dell' Orega» халқаро танловининг Гран-при соҳиби эканлиги фикримизнинг тасдиғидир.



– «Нихол» мукофоти менинг ижодимда катта бурилиш бўлди, – дейди хонанда Юлдуз Турдиева. – Бу менга улкан масъулият ва маҳорат мактабини ўтади. Ҳар бир

босқичда устозлар сабоғидан баҳраманд бўлдим. Тобланиб-тобланиб, якуний босқичга чиққанман. Энди ҳар чиқишимда менинг номим эълон қилинаётганида «Нихол» мукофоти совриндори деган сўз айтилади. Шунда бир тўлқинланиб кетаман. Мен бу юксак ишонч ва эътирофни албатта оқлашга ҳаракат қиламан.

Бу йилги «Нихол» мукофоти танловининг туман (шаҳар) босқичлари ҳам республика бўйлаб ўтказилди. Уларда 13000 нафардан ортиқроқ ижодкор ёшлар иштирок этиб, шундан 1080 нафари саралаш босқичларига тавсия қилинди. Якуний босқичга эстрада санъатидан 36 нафар, мусиқа ижрочилигидан 48 нафар, мумтоз кўшиқдан 43 нафар, опера ижрочилигидан 20 нафар, рақс санъати бўйича 24 нафар, жами 171 нафар ижрочи етиб келди. Якуний саралаш босқичи уч кун давомида Ўзбекистон давлат консерваторияси катта залида ўтказилди. Ёшларнинг ижодий ишларини «Нихол» мукофоти Республика Кенгаши аъзолари, мутахассис ва экспертлар кенг жамоатчилик иштирокида баҳолаб боришди. Мукофотни тантанали топшириш маросими ва гала-концертга тайёргарлик ишлари тахт қилиб қўйилди. Унда 2000-2016 йилларда «Нихол» мукофоти эстрада, мусиқа, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги йўналишларида сазовор бўлган, бугунги кунда санъат соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб, тинимсиз ижод қиладиган, эл олқишу хурматига лойиқ топилаётган ёшлар, эстрадаларнинг ёрқин вакиллари ижод намуналарини ҳавола этишади.

Мукофот низомида кўрсатилганидек, мукофот совриндорлари маданият, санъат йўналишидаги олий ва ўрта махсус ўқув юртига имтиёзли равишда қабул қилинади, мамлакатнинг атоқли санъаткорларидан сабоқ олиш имкониятига эга бўлади. «Нихол» мукофоти тақдироти ҳар икки йилда бир бор ўтказилиши истеъдодларни излаб топиш, уларнинг ижодларини рўёбга чиқариш ишларининг самандорлигини таъминлайди. «Нихол» мукофоти ҳали қанча истеъдодларни кашф этади. Улар ҳам ўзбек санъати чаманзоридан униб, улғаяди. Эътибор ва эъзоздан, устозлар сабоғидан руҳланиб етук санъаткорлар бўлиб шаклланишади. Ўйлаймизки, ўз истеъдодларини рўёбга чиқаришда катта кўмак бўлган «Нихол» бу йўлда уларга ҳамиша мадад бўлади.

### ХОНИМОЙ



# «*Jahonso'z etma bargi ohimi...*»

*Ғамзасин севдинг, кўнгул, жонинг керакмазми санго?  
Тиға урдинг жисми урёнинг керакмазми санго?  
Оташин оҳим-ла айларсан манга таклифи боғ,  
Боғбон, гулбарги хандонинг керакмазми санго?  
Ела верма доғидуб ҳарён, аёқлардан кетур,  
Эй пари, зулфи паришонинг керакмазми санго?  
Эй камонабру, рақиба верма ғамзангдан насиб,  
Ўқ отарсан тоша, пайконинг керакмазми санго?  
Ёндириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,  
Осмон, хуршиди рашонинг керакмазми санго?  
Куфр зулфиндин мани манъ айламак лойиқмидур,  
Суфий, инсоф айла, имонинг керакмазми санго?  
Туталимким ашк селобина йўқдур эътибор,  
Эй Фузулий, чашми гирёнинг керакмазми санго?*

Фузулий ғазалида Кўнгулга мурожаат этиб, сен ёрнинг ғамзасини севдинг, ҳеч бир ўзини деган, жонини аяган ғамзани севмайди:

*Ғамзасин севдинг, кўнгул, жонинг керакмазми санго?  
Тиға урдинг жисми урёнинг керакмазми санго?*

Эй Кўнгул, жонинг керак эмасми? Ўз жисмингни ўққа тутдинг, тиға урдинг, урён (яшаш учун ҳаракат) қилувчи жонинг керакмасми сенга?

*Оташин оҳим-ла айларсан манга таклифи боғ,  
Боғбон, гулбарги хандонинг керакмазми санго?*

Менинг оҳимдан ўт чиқиб ётибди, шундай экан, мени боққа таклиф этиб нима қиласан, менинг оташин оҳим боғдаги гулларни куйдириши мумкин-ку! Эй боғбон, хандон ураётган гул баргинг керак эмасми?

Оташ тасаввуфда шиддатли Ҳақ севгисининг рамзи, шу севги ҳасратиде шоир оҳ тортар экан, бу Ҳақ севгисининг етук даражасини англатади. «Оҳ» сўзи ёзувда «Оллоҳ» сўзининг бош ва сўнгги ҳарфи билан яралган бўлиб, у Аллоҳга ишорадир. Демак, оташин «оҳ» Тангри севгисининг рамзи бўлиб, ҳамиша ердан кўкка юксалади. Шу ҳолда боғга таклиф этилаётган экан, боғ – қалб гулистони, бу гулистон имон, тавҳид ва муҳаббатдан яралган. Боғбон эса қалбда маърифат мевасини етиштирувчи орифдир. Шундай экан,

эй ориф, мени ўз қалбинга таклиф этаяпсану, лекин менинг илоҳий муҳаббатимдан бу боғдаги хандон уриб очилаётган гулбарглар (жамол ва юзга ишора) сенга керак эмасми?

**Ела верма доғидуб ҳарён, аёқлардан кетур,  
Эй пари, зулфи паришонинг керакмазми санго?**

Ҳар ёнга ўзни уриб, елга доғидуб (туб асос – эътиқодинг)ни бермагин, менга қадахлар келтиргил, эй пари, паришон бўлиб сочилган зулфинг керак эмасми сенга? Паридан қадах сўралганда у норозилигиданми доғидуб ҳар томон сочади, яъни елга беради. Зулфи паришонинг ўзинга керак эмасми? Зулф тасаввуфда – «Ҳақнинг жалол ва иззатини қўриқловчи парда». Юз агар Ҳақнинг моҳиятига ишора бўлса, зулф уни сақловчи тўсиқдир. Зулф доғининг қора рангда бўлиши касрат (яралмишларнинг), юз эса ваҳдат (бирлик)нинг рамзидир. Айрим манбаларда юз – иймон, соч эса куфрга менгзалади. Зулфи паришон касрат олами – яратикларнинг Ҳаққа бўлган муҳаббатининг жозибаси демақдир. Демак, пари – ғайб оламидаги мавжудот, хилқат. У ўз гўзаллиги билан кишини йўлдан оздиради (фольклорда). Лекин, гўзал юзли бўлиб кўринган хилқат, сенинг гўзаллигингни сақловчи, тўсиб турувчи паришон зулфинг ўзинга керак эмасмики, уни сен елга берасан.

**Эй камонабру, рақибга верма ғамзангдан насиб,  
Ўқ отарсан тоша, пайконинг керакмазми  
санго?**

Эй камон (қайрилма) қошли, ғамзангдан баҳраманд бўлишлик имконини рақибимга берма, (агар шундай бўлса) гўёки тошга ўқдай отаётган кипригинг керакмасми сенга?

**Ёндириб жоним, жаҳонсўз этма барқи оҳими,  
Осмон, хуршиди рахшонинг керакмазми санго?**

Менинг оҳимни жаҳонсўз этма, яъни у жаҳонга овоза бўлиб, сарсон қолишига йўл қўйма, менинг жоним ёнгани билан унинг барқи, яъни акси ... қайта оташ берадики, Эй осмон, сенга хуршиди рахшонинг – нур сочувчи Қуёшинг керак эмасми?

**Куфр зулфиндин мани манъ айламак  
лойиқмидур,  
Суфий, инсоф айла, имонинг керакмазми  
санго?**

Мени куфр йўлига бошлаган асли зулфинг эди, энди ундан мени манъ айламоқчимисан. Эй суфий,



инсоф қил, иймонинг керак эмасми сенга? Зулфи гўё зуннор (тумор) ғайридинларнинг хочидай мени йўлдан оздирди, энди менга бу йўлни тақиқлаш билан мен мусулмон бўла олмайман, эй суфий, (бундай даъват билан) сен ҳам иймонингдан айрилишинг мумкин.

**Туталимким ашк селобина йўқдур  
эътибор,  
Эй Фузулий, чашми гирёнинг керакмазми  
санго?**

Ўша зулфни тутиб турибман, кўз ёшим эса селоб бўлиб оқмоқда. Эй Фузулий, доимо ёш чиқарувчи чашми гирёнинг сенга керак эмасми? Кўзинг сенга керак бўлмаса, яна (зарурат туғилса) қандай қилиб йиғлайсан?

Муҳаммад Сулаймон Фузулийнинг латиф ва дилбар ғазалларидан бири бўлмиш ушбу шеърнинг шарҳини шу ерда мухтасар қилдик. Шоирнинг ғазалларини ўқиган ва уққан ҳар бир кўнгил уни ўзича кашф этади. Бу йўлда бизнинг изланишларимиз бир кўрсаткич холос.

**Ҳамид УБАЙДУЛЛОҲ**



# SAN'ATKORGA haqiqiy ilhomni xalq beradi

Ўзбек Миллий академик драма театри директори  
Фатхулла Маъсудов билан суҳбат





– Яқинда Президентимизнинг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бунини соҳа вакиллари, зиёлилар, қолаверса, халқимиз юксак ифтихори билан кутиб олди. Сиз раҳбарлик қилаётган Республикаимизнинг отахон театри жамоасининг ушбу қарорга муносабати ҳақида билмоқчи эдик.

– Айти пайтда республикаимиз бўйлаб улкан ислохотлар жараёни бўйи кўрсатган. Узоқни ўйлаб, халқ ва Ватан манфаатлари йўлида қилинаётган бу хайрли ишлар барча юртдошларимиз қатори биз – санъат соҳаси ходимларини ҳам камарбасталикка чорлади. Айниқса, 31 май куни қабул қилинган «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорни жамоамиз билан ўрганиб чиқдик. Ундан келиб чиқадиган вазифаларни ўзимиз учун белгилаб олдик. Айниқса, тажрибали устоз санъаткорларимизни қарорнинг мазмун-моҳияти жуда хурсанд қилди. Улар кўзда тутилган «Сени куйлаймиз, замондош!», «Дебют» каби театр санъати кўрик-фестиваллари самарадорлигини ошириш орқали буюк сиймолар, замонамиз қахрамонлари образи, бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларини акс эттирган, бадиий юксак саҳна асарларини яратиш юзасидан фикрларини билдиришди. Республикаимиздаги барча театрлар бир тан, бир жон бўлиб бу йўналишдаги ишларни бошлаб юбордик. Вилоят театрлари пойтахтда, биз эса вилоятларга, чекка қишлоқлар-

га чиқиб, санъатсевар халқимизга ўз спектаклларимизни намойиш этиямиз. Қарорда белгилаб берилган ҳар бир банд улкан ташаббус. Уни биз маданият ва санъат соҳаси вакиллари амалга оширамиз. Ҳали улкан ютуқларимизни тилга олганда биз мазкур қарордан руҳланиб ишлаганимизни кўрсатиб ўтамиз. Бу йўлда қиладиган ишларимиз жуда кўп.

– Ўзбек театри фаолият бошлаганига 100 йилдан ошди. Театрнинг ўзига хос репертуари, олтин фонди, анъаналари, мактаби мавжуд, бугунги кунда уни бойитиш, унинг бардавомлиги йўлида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Ўзбек Миллий академик драма театри иш бошлаганига 103 йил бўлди. Шу йиллар давомида маънавият, маърифат йўлида, инсонлар қалбига эзгулик улашиш йўлида халқимизнинг хизматида бўлиб келмоқда. Ўтган давр ичида миллий театрнинг ўз анъаналари, мактаби шаклланган. Бу мактабга шу театрнинг ташкилотчилари – Абдулла Авлоний, Етим Бобожонов, Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоят, Сора Эшонтўраева, Обид Жалилов, Миршоҳид Мироқилов, Шукур Бурҳонов, Саъдихон Табибуллаев, Ғани Аъзамов, Наби Раҳимов сингари буюк санъаткорлар тамал тошини қўйган, уларнинг номи театримиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Театр ташкил топганида асли сайёр труппа сифатида иш бошлаган. Секин-аста чинакам санъат даргоҳи бўлиб шаклланиб, нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёдаги қардош республикаларнинг ҳам илк театрига айланди. Ҳозиргача Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон, То-



жикистон республикаларининг театр актёрлари Ўзбек Миллий академик драма театри бизнинг ҳам отахон театримиз деб тан олишади. Бу ерда меҳнат қилган дарғаларимизни улар ўз устозлари сифатида эъзоз билан тилга олишади. Шу театрдаги устозлардан сахна сирларини ўрганганмиз деб эътироф этишади. Бу биз учун ҳам шарафли. Театримизнинг энг эзгу аънаналаридан бири мумтоз асарларга кенг ўрин ажратишидир. Ҳар бир асарни сахнага олиб чиқишда устозлар аънаналарига, сабоқларига, ўғитларига таянилади. Ўша дастлабки театр иш бошлагандаги улуғларимизнинг шогирдлари – Яйра Абдуллаева, Тўти Юсупова, Рихси Иброҳимова, Ёқуб Аҳмедов, Малика Иброҳимова, Турғун Азизов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Теша Мўминов, Саидкомил Умаров, Гулчеҳра Жамилова, Қаҳрамон Абдураҳимов, Гулчеҳра Иброҳимбекова, Сайёра Юнусовалар айна пайтда бизнинг ардоқли устозларимиз, ўғитлари мудом йўлимизда чироқ. Асарларнинг муҳокама жараёни уларнинг иштироки билан қизғин мунозараларга бой ўтади. Буюк санъат намояндаларининг тажрибалари ёдга олинади. Улардан кейин яна бир-икки авлод шаклланди, театрдаги катта-кичик роллари билан санъатсевар халқимизнинг эътирофига сазовор бўлишди. Театримизда Ғани Аъзамов, Саъдихон Табибуллаевлар комик актёрлар сифатида танилган бўлса, айна пайтда Фарҳод Абдуллаев, Собир Отажонов, Рихситилла Абдуллаевлар сатирик роллар билан томошабинлар меҳрини қозонмоқда. Толиб Мўминов, Меҳриддин Раҳматов, Асадулло Набиев, Дилноза Кубаева, Гулнора Жуманазарова, Зилола Набиева, Нигина Анорбоева, Зарина Шодиева, Аваз Қодиров, Ўткир Менглиев, Феруз Бурҳонов, Даврон Каримов, Аброр Саидназаров сингари актёрларни театримиз аҳли ўз ўрнига, услубига эга касбдошлар сафиди тилга олишади. Уларнинг ютуқларини устозлар ўз фарзандларининг муваффақияти сифатида қабул қилади.

Таъкидлаганимдек, театрнинг ўз мактаби бор. Бу – устозлардан қолган улкан сабоқ мактаби: ёлғондан қочиш, ролни рост ижро этиш иштиёқи, образ билан бирга нафас олиш завқи. Бу – театрнинг тамал тоши қўйилганидан бошлаб яшаб келаётган барҳаёт кадриятлар, улуғвор мақсадлар, юксак ахлоқий меъёрлар мажмуи. Бугунги томошабин ўта зукко. Уни алдаб бўлмайди. Унга ўз образимиз орқали ҳақиқатни айтишимиз зарур. Бунинг учун маълум муддат ролдаги одам бўлиб яшашимиз, унга айланишимиз керак. Нафақат ижро лаҳзаларида, рол «қўл»га теккан вақтдан бошлаб, сахнага чиққунча бўлган барча жараёнлар – репетициялар, грим, ҳатто парда ортида ҳам образнинг борлиги билан яшаш керак. Театрга янги келган ходимга биринчи куниде шунга нарса уқтирилади: «Сен бу ерда образ билан яшасанг, қалб қўрингни, борлигингни ўз ролингга бахш этсанг, бу даргоҳни улуғласанг, касбинг сенинг қадрингни оширади, кўқларга кўтаради».

Энди аънаналаримизга келсак, ҳамиша замон билан ҳамнафас бўлиб, илғор фикрли одамларнинг, жамиятдаги етакчи шахсларнинг, ўтмишдаги алломаларнинг қиёфалари орқали давр томошабинига керакли гап айтилади. Олиб борилаётган ислохотлар, лойиҳалар, ташаббуслар, ривожланиш истиқболлари ҳамиша театр нигоҳида бўлади.

– **Театр пайдо бўлганида унга муқобил бошқа**



**восита йўқ эди. Кейинчалик кино, телевидение, интернет каби воситалар ҳам кашф қилинди. Бугунги кун ўзбек театри улар билан қай даражада рақобатлаша оляпти?**

– Ҳар бир санъат турининг муштарак ва бир-бирига ҳамоҳанг жиҳатлари кўп. Кино алоҳида завқ ва ҳордиқ беради, қўшиқдан оладиган оромни бошқа нарса тўлдиролмайди, тасвирий санъатнинг эса таъсири ўзгача. Худди шунингдек, театрға мухлис бўлган одам унинг оламига маҳлиё бўлади. Биринчи кирганидаги ҳайрат қандай бўлса, ҳар сафар шу ҳайрат билан спектакл кўради. Ўзидан бир неча қадам нарида кечаётган ҳаёт томошабинни ўз оламига олиб кириб, у ҳақда ўйлашга, хулоса чиқаришга, образлар тақдири учун ташвишланишга ундайди. Бу жонли мулоқотни қайси мобил восита ёки замонавий техника бера олади? Бирор спектаклни телевизор орқали кўрган билан бевосита театрға келиб томоша қилишнинг фарқи катта. Театр томошабиннинг қалбига жонли таассурот, ҳузур бағишлайди. Юртимизда муסיқали театр, опера ва балет, сатира, драма, оперетта, рус драма театри, қўғирчоқ театрлари, ёш томошабинлар учун театр фаолият олиб боради. Ҳар бирининг олдига қўйилган талаблар, мақсад ва вазифалар бор. Ҳар бир театр алоҳида жамоа бўлса-да, бош мақсадимиз ўз томошабинимизга нима бера оламиз деган савол билан ишлаш. Томошабини санъатдан бездирмаслик учун ҳаракат қиламиз. Бугун пойтахтда бир спектакл кўрган одам эртага бирор вилоятга сафар қилса, ўша жойдаги театрни излаб борсин. Театр актёри учун ҳаётнинг ўзи ҳам сахна. Томоша тугагач, унинг бурчи ва эътиқодига ҳам парда тортилмайди. У ўзини ва ўзгаларни авайлаши, одамлар орасида бошқаларга ибрат бўлиши лозим. Ўзбек театрларида устозлардан қолган кўҳна ўғит бор: ҳеч қачон оғзингдан ёмон гап чиқмасин, ҳар бир сўзингни ақл тарозисида ўлчаб, кейин гапир. Ҳамиша қўлинг кўксингда, бошқаларга табассум улашиб тур. Бир кун ҳам мутолаадан тўхтама. Ўз устингда ишлашдан эринма... Мана шу ўлмас аънаналар бор экан, томошабин кўнглида театрға бўлган муносабатни бошқа воситалар тортиб ололмайди. Биз ҳам санъатимиз орқали маънавий завқ улашишдан чарчамаймиз.

– **Бугунги кундаги театр репертуари сизни, жамоани қай даражада қониқтиряпти?**

– Ҳар йили драматургларимиздан кўплаб асарларни қабул қиламиз. Савияси ва сифати талабга жавоб берадиган ижод намуналари сахнага олиб чиқилади. Баъзи асарлар муаллифларига қайтарилади. Кейинги йилларда тарихий мавзудаги ишлар, мумтоз асарлар, долзарб масалалар кўтарилган замонавий пьесалар билан репертуаримизни бойитдик. Томошабинлар салмоғини оширдик. Агар театр халқнинг руҳиятига ижобий таъсир қиладиган, томошабиннинг тафаккурига, дунёқарашига,

маънавиятига таъсир этадиган асарларни саҳнага олиб чиқмас экан, ўз олдига қўйилган мақсадни бажармаган бўлади. Театримизда ранг-баранг жанрдаги спектакллар бор. Ишласак, яйраб ижод қиладиган асарларимиз кўп. Бу ҳақда театршунослар, санъатшунослар, томошабинлар матбуот орқали, бевосита ўзимизга келиб самимий мулоҳазаларини билдиришмоқда. Бу бизнинг ўз ишимиздан тўла қониқиш ҳосил қилишимиз учун хизмат қилади.

– **Пьесаларда замонамиз қаҳрамони образини яратиш масаласи кўп тилга олинади. Театрларимизда бу мавзуда қўйилаётган спектакллар зерикарликроқдек туюлади. Сабаб нимада деб ўйлайсиз, асардами, ижро маҳоратидами, режиссурадами?**

– Замонамиз қаҳрамонлари ким? Улар бугунги таваққийимизга ўз ҳиссасини қўшаётган фидойилар. Бир нарсани унутмаслик керак, замонамиз қаҳрамони замонавий асарларда ҳам, классик асарларда бўлиши ҳам мумкин. Бугунги кунимиз учун аҳамиятли бўлган, барча даврларга хос муаммоларга қарши курашадиган классик қаҳрамонлар замонамиз қаҳрамонлари эмасми? Шундай ижод намуналари борки, улар қаҳрамонларининг асрлар оша аҳамияти, қадр-қиммати ошиб бораверади. Театримиз репертуарида бундай асарлар жуда кўп. Айниқса, кейинги йилларда бир қатор замонавий асарлар саҳнага олиб чиқилди. Уларнинг қаҳрамонлари тиббиёт соҳаси вакиллари, тадбиркорлар, табиат фидойилари, устозлар... Айни пайтдаги спектаклларимизнинг аксариятидан замонамизнинг илғор кишилари образини топиш мумкин.

– **Сизнинг назарингизда бугунги кун ўзбек драматургияси театрларимиз талабига жавоб бера оляптими? Гоҳида мавзулар ўта бачканалашиб, майдалашиб, маишийлашиб кетмаяптими?**

– Драматургия театрларнинг дастурхони. Мавзулар кенг, хилма-хил. Энг муҳими комедиянинг ҳам, драманинг ҳам, трагедиянинг ҳам мухлиси бор. Драматургия томошабин ва театр талабидан келиб чиқиб, уларнинг маънавиятини бойитадиган, таваққурига теран таъсир этадиган асарлар яратади. Театрларнинг мақсади томоша қўйиш эмас, маънавият улашиш. Баъзида томошабинлар орасида ёши улуг онахонлар, уй бекалари, талабалар, ёзувчилар, турли соҳа вакиллари учрайди. Бировга енгил кўринган асар бошқа бировни ўйлатиб, мулоҳаза қилдириб қўяди. Шундай экан, енгил асарлар замирига ҳам томошабинни ўйлашга, фикр юритишга чорлайдиган маъно юкланади.

– **Баъзан қайсидир бир актёрнинг ўйнаётган ролга мос тушмаганини кўриб қоламиз. Театрнинг томошабинга қоронғу томонларидан бири – рол тақсимлаш жараёни ҳақида гапириб берсангиз.**

– Бу масала театр бадиий кенгашидан катта масъулият, дид талаб қиладиган жараён. Бу жойда кўнгилчанликка йўл қўйиб бўлмайди. Ҳар бир актёр саҳна ортида, репетиция жараёнларида, эпизодик ролларда синалади. Шунда




актёрнинг бор маҳорати, малакаси, устозлар ўғитига қай даражада амал қилиши эътиборда бўлади. Кейин баъзи актёрлар ҳар қандай ролда очилади. Баъзилари комик, трагик, драматик бўлиб шаклланади. Режиссёрлар шундан келиб чиқиб рол тақсимлайди. Биринчи ўқиш, дастлабки репетиция жараёни актёрнинг ролга муносабатини очиб беради. Томошабин бир ярим-икки соат ичида завқланиб кўрадиган спектакл ойлаб чекилган заҳматларнинг ҳосиласи.

– **Жамоангиз жуда кучли санъаткорлардан иборат, негадир айрим актёрлар жуда кам кўринади... ёки аксинча...**


– Ҳар қандай жамоада фаол инсонлар бўлади. Яъни, ҳамма ролга тушадиган актёрлар ёки ўзига мос характерли образни кутадиган актёрлар бўлади. Шунинг учун баъзи санъаткорлар тез-тез кўзга ташланиши, айримлари ортда қолаётгандек туюлиши мумкин. Бироқ, биз катта жамоа сифатида катта-кичик ҳар бир актёрнинг ҳар кунги фаолиятдан хабардор бўлиб тураемиз. Нафақат актёрлар, театр ишчилари, расомлар, декораторлар – ҳамма-ҳамма фаол бўлиши талаб этилади.

– **Гастроллар, сафарлар давомида халқ билан мулоқот ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– Ўзбекистондаги театрларнинг барчаси бир бутун жамоа. Биттамининг ютуғимиз ҳаммамизга тегишли. Мана, 2014 йилда Биринчи Президентимизнинг қарори билан Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллиги ўтказилди. Бу байрам республика бўйлаб кенг нишонланди. Театрларимиз тарихи ҳақида альбомлар, кўргазмалар тайёрланди. Бир қатор актёрларимиз давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ топилди. Бу нафақат мана шу театрнинг, балки барча театрларнинг юбилеи сифатида эътироф этилди. Қардош республикалар театрлари ҳам табриклар йўллашди. Бу таассуротлар завқи ҳали бизни тарк этгани йўқ. Айни пайтда яна республика бўйлаб учрашувлар, тарғибот тадбирларида иштирок этилди. Одамлар қалбида эзуликка, эртанги ёруғ келажакка ишонччи кўриб, мазза қилиб ишлаймиз. Санъаткорга ҳақиқий илҳомни халқ беради. Шунинг учун ҳам халқ билан мулоқотнинг самараси бошқача бўлади.



Манзура ШАМСИЕВА  
суҳбатлашди





# Ҳайот маъмунига теран назар

Алишер Навоийнинг машҳур ғазалларидан бирида лирик қахрамон ўз жисми, жони, кўнгли ва бағрига ишқ ўти тушиши ҳамда уларни ўлим ёқасига олиб келиб қўйишида асосий айбдор сифатида кўзга маломат қилади. Аммо кўз бунда у ҳам бошқа аъзолар каби айбдор эмаслигини, ногаҳон бир гўзални кўриб қолгани, ҳаммаси ана шундан бошланганини айтиб ўзини оқлайди. Кўзнинг вазифаси кўриш бўлгани учун уни айблаб бўлмайди. Бироқ инсонда яна бир аъзо борки, уни барча оқилу фозиллар, шоиру олимлар инсон вужудининг шоҳи дея эътироф этишади. Бу кўнгилдир. Одамзотнинг хулқи кўп жиҳатдан кўнгилга боғлиқ. Улуғларимиз қайта-қайта таъкидлашганидек, агар кўнгил пок бўлса, инсоннинг барча аъзолари пок бўлади, борди-ю, унга қандайдир доғ тушса, бутун вужуд булғанади. Таниқли шоир Исмоил Маҳмуд ўз ғазалларидан бирида айнан шу мавзу талқинига қўл уради. Ғазал матлаъида ёзади:

*Турфа хил шарру рибдан кўзни айланг эҳтиёт,  
Ким анга оина бўлманг, ўзни айланг эҳтиёт.*

Шарр ёмонликлар бўлса, риб ёлғондир. Шоирнинг фикрича, инсон ўз назарини ана шулардан тийиши – эҳтиёт қилиши зарур. Дарҳақиқат, нигоҳимизни нимага кўпроқ қаратсак, ахлоқимизда ўшанинг таъсири яққол сезила бошлайди. Халқимизнинг «Кўш уясида кўрганини қилади» деган доно нақлида ҳам, болаларнинг олдида ножўя хатти-ҳаракат қилмаслик, уларнинг назарини ёмонликлардан асраш тушунчаси сингдирилган.

Дунё матоҳлари бир-биридан гўзал, бир-биридан мафтункор, бир-биридан дилтортар. Улардаги нақшинкорликни кўрганимизда баъзан ҳайратимизни яшира олмай қоламиз, аммо ҳар қандай тўқисда бир айб бор деганларидек, бу жилвалар ортида аллақандай нуқсон бўлиши табиий ҳол. Шоир бизни шундан огоҳлантириб ёзади:

*Жилваланган ҳар матонинг тарҳи бөнуксон эмас,  
Ким ҳаво берган кўнгулга бўзни айланг эҳтиёт.*

Бу ўринда шоир гарчанд мато ҳақида гапираётгандай туюлса-да, зукко шеърхон коса тагидаги нимкосани, яъни шоирнинг мато баҳона умуман бу ўткинчи дунё жилвалари ҳақида сўз юритаётганини, ундаги жилваланган нарсалар аслида ҳақиқат эмаслигини уқтираётганлигини дарров англаб етади. Шу маънода байтнинг иккинчи мисрасидаги бўз – оққўнгилик, покизалик, одамийлик, сабрлилик, қаноатпешалик, камтарлик, синиқлик каби қатор юксак инсоний фазилатларни ўзида ҳамлаган рамзий тимсол сифатида намоён бўлади. Яъни, ҳаволаниб кетган кўнгулга уни эслатиб туриш, иллатлардан қутулишнинг ягона йўлидир.

Яратганининг кудратини қарангки, дунёда миллиард-миллиард одам бўлса ҳам, ҳеч қачон бири иккинчисини таскорламайди. Одамзотнинг ҳар бири ўзига хос бир олам, ўзига хос бир яратки. Аммо инсониятга ато этилган шундай фазилатлар борки, улар турфа миллат, турфа шаклу шамойилдаги кишиларни ўзаро бирлаштириб туради. Шоир қўйидаги байтда айнан шунга ишора қилади:

*Фарқи кўпдир одамий бирла одамнинг аслида,  
Одамийликдин хабардор сўзни айланг эҳтиёт.*

Инсониятни сўз – илоҳий калом бирлаштириб туради ва уларни ўзлгидан хабардор қилади. Яна қарангки, айнан одамзот нутқига хос яхши сўз ҳам борки, у ҳам биз учун илоҳий бир неъматдир. Шу ўринда одамий ва одам сўзлари ёрдамида шоир чиройли сўз ўйини қилиб, одам билан одамийнинг фарқи бор, яъни ҳамма одам бўлиши мумкин, лекин одамий бўлиш фақат оқил инсонларга насиб қилади деган фикрни айтиб ке-

тишга муваффақ бўлган.

Дунё турфа ранглар макони. Ундан минглаб хилма-хил рангларни топиш мумкин, аммо уларнинг ҳеч бири абадий эмас. Аммо шундай бир нақш борки, зоҳиран ҳеч бир кўзга кўринмайди, лекин унинг ориф инсон қалбига рангин жилваларини таърифлашга тил ожиз. Ғазалнинг навбатдаги байтида Исмоил Маҳмуд инсон қалбига бу нақшни солган зардўз – Аллоҳга бўлган муҳаббатни эҳтиёт айлаш, яъни уни унутмасликка чақиради:

*Ёмгиру довулда сўнгай турфа ранглар беомон,  
Қалбга нақшин солган ул Зардўзни айланг эҳтиёт.*

Зеро, бу дунё ва унинг гўзалликлари, қанча ҳайратланарли бўлмасин, барчаси рўё, барчаси мажоз ва барчаси ўткинчидир. Шоир ана шу ҳолатга ишора қилаётганлиги шубҳасиз. Бу билан у кишиларни дунёга боғланиб қолмасликка, ҳаммиша аслиятга интилишга, Ҳақ ризолигини топиб яшашга чорламоқда. Ғазалнинг кейинги байтида шоир ўз қарашларини давом эттириб ёзади:

*Давру даврон кимга кўклам, кимга ёзу, кимга қиш,  
Қалбдаги ул фасли гул Наврўзни айланг эҳтиёт.*

Шоир кўклам, ёз, қиш тимсоллари ёрдамида қазои қадар тушунчасини шарҳлашга, инсон ўз тақдиридан қочиб қутула олмаслигига ишора қилади ва қазои қадарга ризолик – Аллоҳга иймон келтириш эканлигини уқтиради. Шоир қалбдаги гул фасли – Наврўзни эҳтиёт қилишга чақиради экан, бу мисра замирига кўнгул поклиги, қалб гўзаллиги каби тушунчаларни маҳорат билан сингдириб юборади ва қисмат кишини не қўйларга солса ҳам, ҳақиқий инсон сифатида яшаш, қалбни дунё зангларидан пок тутишга даъват қилади.

*Бас, насиб этган биланким, барчаси бўлмас ҳазм,  
Бўлгучи руҳга ғизо ризқ-рўзни айланг эҳтиёт.*

Тан ғизоси фақат инсон тириклигида асқотса, руҳ ғизоси унга тирикликда ҳам, вафотидан кейин ҳам асқотади. Шунинг учун бу дунёда ҳар бир нарсадан руҳ ғизосини ахтариш, руҳни поклаш ва аслиятга қайтишга ҳозирлик кўриш оқил инсоннинг энг эзгу матлабидир.

Ғазалнинг матлаъсида таъкидланган кўз ва ўзни эҳтиёт қилиш оқиллар ҳаёт маъмунининг ибтидоси бўлса, кейинги ҳар бир байтда бунинг яна нималардан иборат эканлиги даражама-даража талқин этилади. Мақтаъга келганда эса шоир ўзининг ҳаёт мазмуни ҳақидаги фалсафий қарашларига муайян бир хулоса ясашга киришади:

*Дер ҳаёт мазмуни ҳикматда эрур, Маҳмуд, абад,  
Дилга ишқ берган кеча-кундузни айланг эҳтиёт.*

Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ҳаётининг мазмуни унинг иллати билан эмас, балки ҳикмати билан ўлчанади. Инсон юз йил, ҳатто ундан ортқ яшаса-да, ҳаётда ҳикмат дейишга арзигулик бир сония топилмаса, бу ҳаётдан қандай маъни излаш ёки уни қандай ҳаёт деб аташ мумкин?

Ғазал шарҳига нуқта қўяр эканмиз яна бир карра унинг замирига сингдирилган маънолар оламига назар ташлаб, унда улуғ аждодларимиз асрлар оша қадрлаб келган нақшбандияга хос «назар дар қадам» – «кўзни айланг эҳтиёт», «сафар дар ватан» – «ўзни айланг эҳтиёт», «хуш дар дам» – «кеча-кундузни айланг эҳтиёт» каби тасаввуфий қарашлар ўз бадиий инъикосини топанлигининг гувоҳи бўлди. Кўриниб турибдики, таниқли шоир Исмоил Маҳмуд бу ғазалда нафақат шаклан, балки мазмунан ҳам мумтоз адабиётимиз анъаналарини тўла акс эттиришга муваффақ бўлган.

Толибжон РЎЗИБОВ



# O'zbekiston universitetlari necha yoshda?

**Бир неча йил муқаддам хизмат сафари билан хорижда бўлганимда Европадаги қадимий университетларнинг таниқли олимлари билан учрашган эдим. Ўзaro мулоқотларда Париж (Сорбонна), Кембриж, Болонья университетларининг жаҳон тан олган алломалари ўзлари фаолият кўрсатаётган олий ўқув юртлари XII-XIII асрларда ташкил этилганини фахр-ифтихор билан айтган эди. Мазкур университетларнинг олимлари асрлар давомида эришган ютуқлари ва илмий кашфиётлари ҳақида эшитиб, табиийки, ҳайратланганман.**



Ўзбекистонга қайтар эканман, ҳар гал Беруний, Форобий, Фарғоний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Алишер Навоийларни камолга етказган илм даргоҳлари ҳақида ўйлаб қоламан. Ахир биз номларини келтириб ўтган ўнлаб, яна юзлаб дунёдан олган алломаларимиз илмий маълумотларни олий таълим муассасаси мақомида бўлган мадрасаларда олган эди-ку! Тарихнинг ёритилмаган саҳифаларини ёритиш, энг муҳими, ўз-ўзини англаш, ўтмишни холисона баҳолаш фурсати келмадимикан?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида олий таълим тарихини билишга, уларни тадқиқ этишга бўлган қизиқиш кучайди. Ҳаққоний руҳдаги мақолалар, илмий изланишлар матбуотда эълон қилинмоқда. Яқинда Нажмиддин Абу Ҳафс Аҳмад Насафийнинг «Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» («Юлдузларнинг чиқиши ва фанлар мажмуаси») асари ҳақидаги маълумотни ўқиб қолдим. Асар муаллифи XI-XII асрларда яшаб ижод этган насафлик аллома бўлиб, кейинчалик Самарқандга келиб, қорахонийлар ҳукмронлиги даврида барпо этилган Иброҳим Табғачхон мадрасасида мударрислик қилган ва ўзининг юқоридаги асари асосида талабаларга дарс ўтган. Бир ўринда олим-мударрис ўз устозлари ҳақида маълумот берар экан, Абу Али Ҳусайн ал-Ҳақоний номини тилга олади ва у Самарқанддаги «Амир» гузаридида жойлашган илк мадрасанинг мударриси эканини ёзади. Бу маълумотдан кўринадики, шу пайтгача илк мадраса номини олган Иброҳим Табғачхон мадрасасидан ҳам олдин Работи Ғозиён мадрасаси фаолият кўрсатган.

2000-2004 йилларда Самарқанд давлат университети (СамДУ) олимлари томонидан Ўзбекистонда олий таълим тарихига оид бир қатор мақолалар ва рисоалар чоп этилди. Уларнинг энг эътиборлиси академик, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Ботурхон Валихўжаевнинг тадқиқотларидир. Ушбу муҳим мавзу 2003 йили СамДУда ўтказилган олий ўқув юртлари ректорлари кенгашининг сайёр йиғилишида ҳам ўртага ташланган эди.

Академик Ботурхон Валихўжаев ўзининг 2001 йили нашр этилган «Самарқандда олий таълим мадрасаси олия — университет тарихидан лавҳалар» номли илмий-оммабоп рисоласида IX-X асрларда Самарқандда 17 мадраса фаолият кўрсатганини, шулардан бири Работи Ғозиён эканини, у энг қадимий мадрасалигини айтиб ўтади.

«Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум» китобини нашрга тайёрлаган олим Саид Акбар Муҳаммадаминов асарда тилга олинган илмлар ва ўрганилиши лозим бўлган маълумотларга ҳам тўхталган эди. Асар муаллифи мадрасада ўрганилган илмларни 23 катта соҳага бўлиб чиқади. Ҳар бир соҳа яна бир неча фаслга ажратилган. Табиийки, ўрганилган илмларнинг асосини, инсонни руҳий ва ахлоқий жиҳатдан комилликка бошловчи диний илмлар ташкил этган. Шу боис муаллиф асосий эътиборни диний илмлар тарғиботига қаратади. Астрономия, астрология, математика, тиббиёт, зоология каби дунёвий фанлар асарнинг иккинчи қисмида берилган. Гуманитар соҳага дахлдор фанлар сифатида тарих, шеърят, шеърини санъатлар, мақоллар ва сирли илмлар эътироф этилган.

Ботурхон Валихўжаев ўз рисоласида Аҳмад Насафий асарида келтирилган дунёвий илмларнинг ўрганилишини Самарқандда IX-X асрларда фаолият олиб борган 25 мадраса мисолида илмий асослаб беради. Айниқса, Мирзо Улуғбек мадрасаси

олиясида Аҳмад Насафий таъкидлаган илмлар билан бир қаторда, фалсафа, мантиқ, ҳандаса, география, алжабр каби фанларнинг атрофлича ўрганилганини алоҳида таъкидлайди. Бундан чиқадики, XII-XIII асрлардан бошлаб фаолият олиб бораётган Европа университетларидан 2-3 аср олдин, аниқроғи, IX асрда олий илм даргоҳи ўзимизда, Самарқандда ташкил этилган. Бу халқимизнинг ҳақли равишда фахрланишига асос бўлади.

Ўз сарҳисобини IX-XII асрларда бошлаган мадрасайи олиялар тарихимизнинг турли даврларида равнақ топган, хурфот ва бошқа зулмат кучлари таъсирида турғунликка юз тутган пайтлари ҳам бўлган.

Европанинг қадимги университетлари тарихи ҳам шунга ўхшаш даврларни ўз бошидан кечирган, албатта. Масалан, Буюк Британиядаги дунёга таниқли Оксфорд университети фаолияти 1117 йилдан бошланган, деб ҳисобланади.

Саламонка (Испания) университети ташкил этилиш тарихи 1218 йил деб белгиланган. Қирол Альфонс IX нинг фармони билан «Studium Generale» деб номланган умумтаълим мактаби ташкил этилган. У асосан муқаддас ёзув ва шариат ҳуқуқини ўргатишга ихтисослашган. Қирол Альфонс X ҳукмронлигида ушбу умумтаълим мактаб мақоми ўзгартирилиб, университет (мадрасайи олия) деб номлана бошланган.

Мисрдаги, араб дунёсидаги энг йирик Ал-Азҳар университети 988 йили ташкил топган, деб қайд этилади. У ердаги таълим дастлаб масжид ҳовлисида ислонинг шиа йўналишидан таълим берувчи мактаб бўлган. Ўз тарихида ислохотларни бошидан кечирган ушбу университет кейинчалик суннийлик таълимнинг йирик мактабига айланган. XIX асрнинг охиридан эса ушбу олий таълим муассасаси ҳозирги университет мақомига эга бўла бошлаган.

Дунёдаги энг машҳур Гарвард университетига 1636 йили бадавлат ҳомий Жон Гарвард томонидан асос солинган ва у ўз фаолиятини дин арбобларини ўқитишдан бошлаган. XVIII аср мобайнида унинг фан дастурлари аста-секинлик билан дунёвийлашиб борган ва XIX асрнинг охирига келиб АҚШнинг асосий илмий-маънавий марказига айланган.

Юқоридагиларга ўхшаш таҳлилий мулоҳазаларни Италиядаги Болонья (1088 йил), Марокашдаги Ал-Карауин (859 йил), Франциядаги Сорбонна (1180 йил) ва бошқа бир қатор университетлар ҳақида ҳам айтсак бўлади.

Маълумки, ўтмишимизда учта буюк Уйғониш (Ренессанс) даври бўлганини жаҳон тан олган. Биринчи уйғониш қадим Туркистонда илк бор IX-XI асрларда юз берди. Бу давр бизга Абу Райҳон Бериуний, Ибн Сино, Хоразмий, Фиробий ва бошқа алломаларни берди. Бу олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фалсафа, тарих, адабиёт, риёзиёт, фалакиёт, ҳандаса, мантиқ, жуғрофия, тиббиёт фанлари ривожланиб, инсоният учун энг зарур илмий масалалар ечимига беҳисоб ҳисса қўшилди. Иккинчи уйғониш даври соҳибқирон Амир Темури ва темурийлар даврида юз берди. Бу даврда илм-фан, маданият ва маърифат ривожланиб, Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди. Буюк мунажжим Мирзо Улуғбек, кейинчалик Шайбонийхон даврига келиб, юқорида номлари саналган илмлар олий ва ўрта тоифадаги мадрасаларда янада равнақ топди.

Биринчи уйғониш даври билан иккинчи уйғониш даври ўртасида бир ярим асрлик оралиқ бўлса, иккинчи уйғониш даври билан учинчи уйғониш даври оралиғи тўрт аср давом этди. Туркистонда учинчи уйғониш даври XIX асрнинг охири, XX асрнинг бошларида рўй берди. Ҳар бир уйғониш даври илм-маърифат равнақига ҳисса қўшар экан, илмлар доираси янада кенгайиб, такомиллашиб борди.



Қатор илмларнинг тамал тошини қўйган аجدодларимизнинг яратган илм соҳалари ҳозир ҳам замонавий шаклда хорижий давлатларда ҳам, ўзимизда фаолият олиб бораётган университетларда ҳам ўрганилмоқда ва ўқув дастурларига киритилмоқда.

Ўрта асрларда олимларнинг илмий рутбаси аллома, мутафаккир, донишманд каби сифатлар билан тилга олинган бўлса, бугун бу илмий мартаба академик, фан доктори, профессор каби номлар билан аталиб келинмоқда.

Мадрасаларимиз тарихидаги бундай нурли саҳифалар XVI асргача давом этди. Темурийлар салтанатининг инқирози мадрасалар ҳаётига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлади.

Ана шу инқироз туфайли 1920 йили Самарқандда ўз фаолиятини тўхтатган энг сўнгги илм даргоҳи — бу Мирзо Улуғбек ва Шердор мадрасалари бўлди. Орадан 7 йил ўтгач, 1927 йили ҳозирги Самарқанд давлат университети ташкил этилди. Дастлаб педагог-кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти 1929-1930 йилларда педакадемияга айлантирилди. Шундан буён университет 90 йил давомида тарихий йўлни босиб ўтди. Халқимизнинг интеллектуал салоҳиятини белгилайдиган маърифат ўчоғи, мамлакатимизнинг кадрларга бўлган талабини қондириб келган таълим муассасаси сифатида фаолият олиб борди.

Маърифатпарвар олим ва жамоат арбоби Абдурауф Фитрат ўзининг «Раҳбари нажот» асарида юртимизнинг бой тарихига баҳо бериб: «Бир вақтлар бу мамлакатимиз маданият куёшининг чиқиш жойи, маърифат дунёсининг манбаи сифатида танилган эди», — деб ёзган эди.

Олий таълим муассасаларимиз тарихини, буюк алломаларимиз таҳсил олган ва улар томонидан асос солинган даврларга боғлаш масаласини кўриб чиқадиган вақт етиб келди, деб ўйлайман. Бу ишимиз тарихий адолатни тиклаш баробарида, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларимизни ватанпарварлик, илмпарварлик руҳида тарбиялашга, улар қалбида миллий ғурури ва ифтихори туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Рустам ХОЛМУРОДОВ,**  
Самарқанд давлат университети ректори,  
техника фанлари доктори, профессор



*Ижодкор ҳақида энг яхши гапни унинг асарлари айтади деган фикр бежиз эмас. Таниқли адиб Қамчибек Кенжа ижоди ва шахси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ундаги гўзал инсоний хислатлар – одамийлик, камтарлик, бағрикенглик, вазминлик, ширинсуханлик, ўзгаларга ҳамиша яхшилик соғиниш фазилатларининг бари унинг асарларида бор жозибаси ва нафосати билан ўз тажассумини топгандай.*

## So'z aytish zavqi

Кўпчилик тенгдошларим қатори мен ҳам шоир билан танишувни унинг асарлари орқали бошлаганман. Уларни ўқиб, завқланиб, шоирнинг инсоний ва ижодий жозибасини юракдан хис қилганман. Кейинчалик тақдир мени шоир билан учраштирди. Бу танишув бора-бора дўстлик, яқинлик ришталарининг мустаҳкам боғланишига имконият яратди. Қаерда учрашмайлик – кўчада, давраларда, тўй-ҳашамда, адабий кечаларда ҳамиша суҳбатимиз ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва адабиёт завқи билан маъно-мазмун касб этади.

Қамчибек Кенжа Избоскан туманининг Гуркиров қишлоғида туғилди. Қишлоғидаги мактабда таҳсил олди. Болалик ва ўсмирлик ҳаётининг асосий қисми тинимсиз меҳнат билан ўтди, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбия топди. Кейинчалик бу хислат унинг бадиий ижод оламига келганида ҳам ўз самарасини берди.

Бир миллатнинг, халқнинг чор атрофга танилиши турлича кечганидек, бирор бир масканнинг ҳам катта-кичиклигидан қатъий назар, танилиши, оғизга тушиши ҳам турлича кечади. Лекин бадиий тафаккур кучи билан танилса, пойдевори қудратли ва мустаҳкам бўлади. Ана шундай тафаккур кучи туфайли Марҳаматнинг Қовунчи қишлоғи (Муҳаммад Юсуф туғилган қишлоқ) халқимизнинг кўнглига жо, дилларига зўриқишсиз ўрнашганидай, Қамчибек Кенжанинг номи ва асарлари туфайли мўъжаз Гуркиров ҳам шундай номдор қишлоқлардан бирига айланди.

Қамчибек Кенжа адабиётга шоир сифатида кириб келди. Унинг 1975 йилда нашр этилган «Соғинчи» номли биринчи китоби тезда ўз ўқувчиларини топди. Шундан кейин турли йилларда унинг «Кўнгил кўчалари», «Яшил барг», «Ишқинг тушса», «Орзумандлар», «Нотаниш гул», «Тоғ йўлида бир оқшом», «Соҳилда-

ги сув париси», «Қизил гуллар», «Соҳибжамол аёл сири», «Хамир учидан патир ёхуд кулча ҳикоялар» каби бир қатор шеърӣй, насрий китоблари «Жасорат» қиссаси ҳамда «Палахмон» романи чоп этилди. Қамчибек Кенжа, шунингдек, беш китобдан иборат сафарномалар – «Ҳинд сориға», «Андижондан Даккагача», «Буюклар изидан», «Андижондан Бағдодгача», «Буюк Соҳибқирон ўтган йўлларда» каби китобларнинг ҳам муаллифидир.

Шоир шеърларига бир қур назар ташлар эканмиз, шеърга, сўзга чинакам масъулият туйғуси билан мукамаллик сари интилиши натижасида ажойиб шеърӣят намуналари яратилганининг гувоҳи бўламиз.

Унинг шеърлари кутилмаган бадиий хулосаларга бойлиги ва самимийлиги билан ўқувчини ўзига тортади. Шоир табиат ва ҳодисалараро нозик боғланишлар топади ва унга бадиий тафаккур билан ёндашади.

«Тим қора сочлар» шеърининг сарлавҳасини ўқиб-оқ уни муҳаббат мавзусидаги шеър деб ўйлаймиз. Бироқ шеърдаги чинакам бадиийлик замирида шоирнинг ижтимоий дардлари куйланади. Адабиёт ҳаётдан, демакки, жамиятдан – ижтимоийликдан айро яшаши мумкин эмас-ку. Шоир тим қора сочларга:

*Сиз – Аёлсиз  
Елкангизда тўлқин урар,  
Икки ўрим соч,  
Ўримларки,  
Ҳар биттаси билакдай,  
Ҳар биттаси бир кулоч...*

дея мурожаат қилади. Лекин аёлдаги бу қора сочлар ҳаётда рўшнолик топмаган, ортиқча азоблардан, оғир меҳнатдан, чексиз ташвишлардан оқармаганлигидан лирик қаҳрамон ҳайратга тушади:

*Ҳолбуки,  
Тўрт жўжага –*

Тўрт укага  
 Ҳам ота, ҳам она бўлдингиз,  
 Гул ўрнига  
 Қўлга кетмон олдингиз  
 Ўн еттингизда.  
 Ҳолбуки,  
 Қизлар энтикиб  
 Чимилдиққа киришар  
 ўн еттисида...  
 Ҳолбуки,  
 Бир замонлар  
 Мизғиб-мудраб қолардингиз  
 Кесакларга,  
 Эгатдаги кўсақларга  
 Бош кўйиб.  
 Ҳолбуки,  
 Эртас эмас: кунларингиз –  
 Киймаган,  
 Емаган,  
 Ичмаган  
 тўйиб...  
 Ҳолбуки,  
 Кўп эди  
 Ошкора,  
 Пинҳона  
 даккилар  
 Қақшатгандир  
 Юк мисоли  
 Зил-зил...



Менинг ҳам кўп гуноҳим бордир –  
 Муҳаббатни гуноҳ десалар.

Қоялардек жим яшолмайман,  
 Ҳайқирмоқдан асло толмайман,  
 Дунё билан келишолмайман –  
 Муҳаббатни гуноҳ десалар.

Тақдир шоирни, умуман ижодкор қалбини тинимсиз равишда яралаб бораверади. У эса хаста кўнглига малҳам излайверади. Бу оғир руҳий изтироблар шоир шеърларига гоҳо кутилмаган оҳангларни олиб киради. Қамчибек Кенжанинг ушбу шеърини ҳам шундай руҳий ҳолатнинг меваси сифатида қабул қилсақ, шоир ички дунёсининг бадий ҳақиқатидан йироқ кетмаган бўламыз.

Найлай,  
 Ҳисларим музга айланган,  
 Темирга айланган жисмим.  
 Найлай,  
 Найлай.  
 Мен сени шундайлигингча севаман.  
 Менинг бу севгим  
 Тили куйган,  
 Қалби куйган бўлса-да,  
 Ўз юлдузин не азобда  
 Топган севгидир...

Бу рангин сатрлар дунё ноқисликларидан хира тортган кўнгли уйига умид нурини олиб киради. Инсон билан бирга туғилган мангуликка дахлдор туйғуларни ҳеч нарса пайҳон қила олмаслигига китобхонни ишонтириши билан аҳамиятлидир.

Шоир ижодидаги ватан ва ватанпарварлик тushунчаси муҳаббат билан йўғрилиб кетган. Бири иккинчисисиз яшай олмайди. Ватанда табиийлик, муҳаббатда эса самимийлик бор. Бу икки куч унинг юрагидаги суянч. Ватан, она юрт ҳақидаги шеърлар ҳатто «Сафарнома»лар деб аталувчи насрий асарларига ҳам ўз ўрнида сингишиб кетган. Шоир дунёдаги энг равон йўл ҳам, соз йўл ҳам ватанга олиб борувчи йўл, дейди:

Эрону Покистон, Ҳинд диёрида  
 Чиннидай теккису соз йўллар мўлдир.  
 Ва лекин дунёда энг гўзал, соз йўл –  
 Она юрт, Ватанга элтувчи йўлдир.

Умуман олганда, Қамчибек Кенжа қаламига мансуб аксарият ижод намуналари ҳаёт заминидан униб чиқиб, инсонларга маънавий шифобахш мевасини бераётган бир боғ кабидир. Бу боғнинг боғбони шу кунларда қутлуғ 70 ёшини кутиб олмоқда. Лекин ижодкор кўнгли туйғуларга тўла, нияти эзгу, мақсади улуг ва ғайрати навқиронлардай. Шунинг учун ҳам Қамчибек Кенжанинг ижод боғи яна янги, гуркираган бадийат ниҳоллари билан гуллаб-яшнайверади.

Шоирнинг аксарият шеърларида Ватан, халқ, тарих, инсон тақдир тўғрисида сўз юритилади, эзгулик улуғланади, ёвузлик, ҳасад каби иллатлар қораланади. Аслида шоир бу мавзудаги шеърларида маънавий гўзаллик, инсоний баркамолликка даъват этади. Бу унинг Она, аёл тўғрисидаги, муҳаббат мавзусидаги шеърларида, айниқса, ёрқин кўзга ташланади. «Севмаган одам» шеърида шоир кўнглида кечаётган дард бўй кўрсатади. Бироқ, биргина инсон кўнглида кечдими, бас, бу туйғу бошқаларга ҳам унчалар бегона эмас. Шеърнинг оммабоплигига сабаб ҳам шу аслида.

Қалбини қандай илитаркин  
 Севмаган одам,  
 Ўзини нима деб оутаркин  
 Севмаган одам?  
 Ўйлаб-ўйлаб келолмадим  
 Бир фикрга –  
 Асли, ким деб аталаркин  
 Севмаган одам?

Ушбу сатрлар ҳар бир кишининг қалбидаги хотираларини уйғотади, маҳзун қилиб кўяди, инсон муҳаббатсиз яшаши мумкин эмаслигини англатади. Севгисиз яшаш кишини меҳрдан мосуво этиши, муҳаббатсиз ҳаёт, пуч нарса бўлиши тўғрисида ўйлатади. Қамчибек Кенжанинг «Муҳаббатни гуноҳ десалар» шеърида айтилганидек:

Зарим йўғу, оҳ-зорим бордир,  
 Талпинурга Оллоҳим бордир,

**Баҳодир РАҲМОНОВ,**  
 Андижон давлат университети доценти

# Ko'nglim bilan keldim, darvozangni och...

## ЙЎҚЛОВ

Бошимни зўр ишга бериб қўйибман...

Чўлпон

«Болам йўқ» кўзим деб сен куйма,  
Мана, сенга қиз бўлдим.  
Соғинчинг билан куйлаб,  
Кўзим қора кўз бўлди.

Бошдан-оёқ чўғдайман,  
Сен элимнинг номуси.  
Айтиб-айтиб йўқлайман,  
Юраклар б-и-и-ир совусин.

Юмалаб зулм тоши  
Фурурлар синганида,  
Хон кўнгиллар ювошиб  
Қулликка кўнганида.

Ай, кўнгил сустлашма, деб  
Куч бериб кетган ўзинг.  
Кишан-ла дўстлашма деб  
Ўч бериб кетган ўзинг.

Ҳақ ёққан машъалини  
Қай зўр ўчира олган?  
Чўлпон отли қалъани  
Забт этолмаган ёлгон.

Собит турдинг ҳар жойда  
Морни доим мор дединг.  
Гўзал билиб кун, ойдан  
Озодликни ёр дединг.

Орамизда бир аср,  
Йиллари бир кунча йўқ.  
Марднинг дарди мард ахир,  
Бошқа дардлар бунча йўқ.

«Ўзбек хурлик онига  
Жони оғримай етди»  
Майда гап бўронингда  
Кул бўлиб тўзғиб кетди.

Белимга боғлаб фўта  
Мажнунтолдай соч ёйдим.  
Қулликни севмас Худо  
Жаннатдан берар жойин.

«Болам йўқ» деб ўксима,  
Сенга ўзим қиз бўлдим.  
Буюк дардинг кўксимда  
Бир-бир ёнар сўз бўлди.

## МЕН СЕНГА ҚАЙТДИМ

Буюк соғинч мени топдими излаб,  
Асл сувратига кўчди ўнгу чап.  
Бўғзимга қадалиб турибди сўзлар  
Улкан сувлоқ топган чўлдай ҳансираб,  
Сенга қайтмоқдаман, шеърият!

Умидим шамлари бошлади ёниб,  
Қорайиб бормоқда қўрқув, ҳадиклар.  
Юрагим борлигин сезяпман аниқ  
Фурур, фахр қайтди – дўсти содиқлар.  
Сенга қайтмоқдаман, шеърият!

Вужудим Фиротга айланмоқчидай,  
Учсам, шиддатидан чақинлар чиқса,  
Қўлларим қанотга айланмоқчидай,  
Юлдузга теккудай кипригим қоқсам,  
Сенга қайтмоқдаман, шеърият!

Кенгликларда яшаб, кенгликка муҳтож,  
Сукунат ичида сиқилган сасман.  
Кўнглим билан келдим, дарвозангни оч,  
Мен ёлгон эмасман, мен чинман, ростман,  
Сенга қайтмоқдаман, шеърият!

## КАЙФИЯТ

Бевафо ёр ҳақида кўшиқ кўпайди  
Йиғлаб ётган кўзларингга оғрийми,  
Йиғлаб айтган сўзларингга оғрийми,  
Сени дардга солиб, гулдай очилган  
Ўша гулрў қизларингга оғрийми?

Мард йигит ор талашар, ғам талашмас,  
Қора кўзга ёш ёмғири ярашмас.  
От кишнаса, титрар қизлар юраги,  
Минг бўзласанг, битта қиё қарашмас.

Йигит бўлсанг, кўксинг захга бермагин,  
Бошинг тик тут, тош деворга урмагин.  
Нола қилсанг, бевафолар кўпаяр,  
Ҳар гўшада нола қилиб юрмагин.

Аскар ўлмади ўқу ёйин бермайди,  
Кўк қуламай, юлдуз, ойин бермайди.  
«Гулим узди» дейсан, уят эмасми?  
Тирик йигит гулчиройни бермайди.  
Олиш қилсанг, қоплон бўлгин, шер бўлгин,  
Ёниш қилсанг, чақмоқ бўлгин, нур бўлгин.  
Бир «хай», десанг қирқта пари: «жон» десин,  
Гўрўғлидай ҳайбатли бўл, зўр бўлгин.

Баланд бўлгин, осмон бўлгин, кўк бўлгин!  
Муҳаббатнинг лашкарига чўғ бўлгин,  
Фақат мардлар керак ёру диёрга,  
Муҳаббатнинг лашкарига туғ бўлгин.

Йиғлаб ётган кўзларингга оғрийман,  
Йиғлаб айтган сўзларингга оғрийман.

## ГУЛ БЎЛИБ УЙҒОНСАМ

Бир саҳар гул бўлиб уйғонсам,  
Чаманзор ичида, гул орасида.  
Белимга саболар чулганса,  
Сўзлашсам гул билан гул борасида.

Баргимда тинчланса капалак,  
Баргимда кумуш чўғ ярқ этса.  
Ёмғирлар ёғиб, сўнг камалак  
Ранглар дарёсига ғарқ этса.

Очилсам, қизариб очилсам,  
Узса, ишқ қўллари узсалар.  
Ошиқлар бошидан сочилсам,  
Ошиқлар гулдаста тузсалар.

«Аёллик – гуллиқдир», чиндан-а?  
Бу менгаш кўшиқда ўйнасин.  
Яхшиси, бу ҳақда индаманг,  
Чиройли орзумдан қўямасин.

Бир саҳар гул бўлиб уйғонсам,  
Гулларнинг ёнида – гулзор ичида.  
Ўзимдан ҳуснимни қизғонсам,  
... Бу истак ўлмасе ичимда.

## БАХТИЁРЛАДИР

Ҳалима опамга

Йиғлайвер, кўзингга тутай ҳовучим,  
Йўқ, ёшинг йўлига ёйдим жонимни.  
Ахир, тилик-тилик менинг ҳам ичим  
Тилик-тилик кўриб Туркистонимни.

Бу тупроқ – борлиқдан буён Туркистон,  
У бизга илоҳдан берилган тортиқ.  
Улкан миллатлиқдан ишончли нишон,  
Бошқа бахтимиз йўқ бу бахтдан ортиқ.

Гарчи у титилган, тилинган гарчанд,  
Шунда ҳам яроғ у, шунда ҳам қалқон.  
Шунда ҳам ёвига абадий даҳшат,  
Шунда ҳам дўстига мангулик дармон.

Йиғлайвер, «Туркистон» дея сарғайиб,  
Тўкилган ҳар томчинг гавҳар, зарлардир.  
У деб йиғлолмаган — бадбахт бир ғариб,  
У деб йиғлолганлар бахтиёрлардир.

## ТОЛЛАР МАЖНУН БЎЛДИ

Паст тушиб кўрмаган тошлар юмшади,  
Қояларнинг тоши, чўққининг тоши.



Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Дарёча кенг экан тошнинг кўз ёши.  
Толлар мажнун бўлди, худойим.

Қуёшнинг қўллари нур бугун,  
Булутнинг қўллари ёғишдир.  
Лаҳзалар гоҳ дийдор, соғинчдир.  
Толлар мажнун бўлди, худойим.

Тупроқ кўзга яқин, чўп кўзга яқин,  
Гуллар ҳар шаклли ёлқиндир.  
Кўздан ҳам кўнгилга яқиндир.  
Толлар мажнун бўлди, худойим.

Сандувочдир оҳанглар оти,  
Кўшиқларнинг оти – қалдирғоч;  
Бахт кўп, юрак, яна бахтга оч.  
Толлар мажнун бўлди, худойим.

## КЎШИҚҚА

Шу кунгача ўзни мен чеклаб бўлдим...  
Миртемир

Ҳозир икки кўзим икки дона чўғ,  
Бошимдан-оёғим оташхонадир.  
Кучимга тенг келар куч йўқ, лашкар йўқ,  
Дардингни кучоқлаб дардим ёнадир.

Кўшиқ ул нимадир: Кўшиқ ул қушдир.  
Одамлар руҳини кўтариб учган.  
Қушим, ҳасрат қилмай, менга тушунтир,  
Ким ўша шодлигинг билдирмай ичган?!

Ҳа, қўрқма, жонингга жонимни берай,  
Ҳа, қўрқма, мен сенинг энг яқин кишинг.  
Сен учун тиканлар устидан юрай,  
Ҳа, шундай баландроқ сайрагин, қушим.

Ҳозир икки кўзим икки дона чўғ,  
Бошимдан-оёғим оташхонадир.  
Кучимга тенг келар куч йўқ, лашкар йўқ,  
Дардларинг бағримда эриб борадир.



Ўзбекистон аҳолисининг, айниқса, ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги Фафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида анъанавий Республика «Китоб байрами» ўтказилади.

# КИТОВ – INSONNI

*ma'naviy kamolotga yetkazadi*

**Абдулла УЛУҒОВ, адабиётшунос:**

– Бугун мазкур боғда кўргазмага қўйилган асарларнинг аксарияти билан танишман, айримларини китоб бўлиб нашр этилишидан аввал ўқиб чиққанман. Техника тараққиёти жаҳонни эгаллаб олган бир паллада адабиётимизда одамлар ҳаётини гўзаллаштиришга, жамиятга фойда келтиришга, кишиларга завқ улашишга интилаётган бир гуруҳ юртдошларимиз образи яратилляпти. Улар ичида меъмор ҳам, фермер ҳам, ҳайкалтарошу нефтчи ҳам, шифокор ва тадбиркор ҳам бор. Зеро бу инсонлар биз билан нафақат замондош, балки инсониятнинг қалби учун, келажаги учун ўз меҳнати ва истеъдодини аямасдан хизмат қилаётган замонамиз қаҳрамонларидир.

**Гулсара ИБОДУЛЛОҲ, ёзувчи:**

– Мен ҳар йили бу кунни интиқ кутаман. Чунки 100 дан зиёд нашриётлар, китоб савдоси ташкилотлари, матбаа корхоналари бир жойга жам бўлади. Пойтахтдагина эмас, мамлакат миқёсида чоп этилаётган янги китоблар, янги нашрлар билан танишиш



мумкин. Ахир, бу ажойиб имконият. Кўз олдимда адабий жараён, бугунги ёзувчи, бугунги ўқувчи, маънавий мувозанатнинг яхлит манзараси намоён бўлади. Мана, бугун ҳам ҳар галгидек уйга икки қўлим тўла китоблар билан қайтыпман, кўпини қаламкаш дугоналаримга ва набираларимга совға қиламан. Аслида китоб ўқиган ҳар куннинг ўзи байрам, лекин, қанийди республика китоб байрами йилда бир марта эмас, ҳар ой мунтазам ташкил этилса.

**Санжар ТУРСУНОВ,**

**Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири:**

– Йўлакларни тўлдириб келаётган ёшларнинг нашриётлар расталари ёнидан бефарқ ўтиб кетмаётгани мени қувонтирди. Биров ата-йин шу байрам учун йўлга чиқиб келган, бошқа биров шунчаки сайр қилиб юрибди. Бироқ ҳар ким муқовалардаги ёзувларни ўқигач, тўхтаб, қизиқиб, қўлига олиб варақлапти. Бир гуруҳ талабалар яқинда нашриётимизда чоп этилган Маҳмуд Кошғарийнинг «Девон-ул луғатит турк» асарига қизиқиб қолишди. Эски нашри билан янги нашрининг фарқини сўрашди. Сўнги йилларда тилда юзага келган ўзгаришлар, янгича қарашларни инобатга олиб, асарнинг аввалги нашрида йўл қўйилган камчиликлар, хатолар тузатилди, тушиб қолган ўринлар тикланди. Энг муҳими бугунги кун ўқувчисига тушунарли бўлиши учун сўзлар қавс ичида кирилл алифбосида берилди. Нашр филологлар, тарихчилар, манбашунослар ҳамда талабаларга ва кенг китобхонларга мўлжалланган. Асар 1963 йилдан буён илк бор нашр қилинди.


Китоб байрамига ташриф буюрувчилар учун «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» юз жилдлигининг ҳали сиёҳи қурмаган 9-10-жилдлари ўзига хос туҳфа бўлди. Яна бир янги лойиҳамиз кўпчиликнинг эътиборини тортди. Республикаимизнинг номдор газета ва журналларида чоп этилган энг сара асарларни тўплаб китоб ҳолида нашрдан чиқардик. Саккиз номдаги саккиз китоб шу ернинг ўзида ўқувчиларини топиб улгурди.

**Аббос Жўраев, талаба:**

– Республика китоб байрамида биринчи марта иштирок этишим. Хабарни телевизордан кўриб қолдим. Бу ҳақда курсдошларимга айтгандим, биз ҳам борамиз, дейишди. Бу ердаги кайфият, руҳият мени ҳайратга солди. Илмий адабиётларга қизиқаман. Анчадан буён излаб юрган бир қомусий китобни ҳозиргина боғ ҳудудидаги «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» нашриёти пештахтасидан сотиб олдим.

Дўстларим билан «Китоб – энг яхши совға» мавзусида ўтказилган интеллектуал викторинада куч синашдик. Илм, хотира, зукколик, ҳозиржавоблик борасидаги беллашувимиз мурасасиз кечди. Ҳали кўп ўқиб-ўрганишим керак экан. Умумий ҳисобга кўра, иккинчи ўринни эгалладим. Ёстиқдай келадиган «Инглизча-русча-ўзбекча» луғат билан мукофотлашди. Жуда хурсандман. Байрам логотипи туширилган бош кийим ва кўйлак ҳам беришди. Тадбирнинг бундай юксак савияда ташкил этилишини кутмагандим. Фақат янги китоблар кўрғазмаси бўлса керак деб тахмин қилгандим. Китоб муаллифлари, адиб ва шоирлар билан ижодий учрашувлар, суҳбатларда қатнашганим менда унутилмас таассурот қолдирди. Келаси йили, албатта, яна келаман. Дўстларим, яқинларимни ҳам таклиф қиламан.

**Иброҳим САИДОВ ёзиб олди**



# Miliiy raqs jozibasi

Ўзбек рақслари мазмунини ифодалашда ижрочилар қадам, қарсак, зангдан ҳам фойдаланади. Айрим рақслар рўмол, пиёла, товоқ каби буюмлар билан ижро этилади, баъзан ижрочи халқ чолғу асбоблари: қайроқ, доира, ногора кабилардан жўр сифатида истифода этади.

Ўзбек рақси узоқ даврлардан бошлаб миллий заминда ривожланиб келди: халқнинг орзу-армонларини, қалб кечинмаларини ифодалади, миллий менталитетдан келиб чиққан ҳолда ўз тароватини сақлаб қолди, ҳар бир ҳудудга хос жиҳатларни ўзида мужассамлаштирди. Бугунги кунга келиб Фарғона водийсига хос рақслар, Хоразм ёки Бухоро-Самарқанд йўналишидаги рақслар билан бир қаторда Сурхондарё-Қашқадарё воҳасига хос рақслар ҳам оммалашди. Бунинг ифодасини байрам ва тантаналарда кўриш мумкин. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос, бетакрор оламини намойиш этадиган рақсларга, жумладан, йигитлар рақсига жиддий эътибор қаратилмоқда. Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида талабалар «Хореография педагогикаси», «Балетмейстер-режиссёр», «Хореография жамоалари раҳбарлари» мутахассисликлари бўйича таҳсил олишади. Улар мумтоз рақс, ўзбек рақси, халқ саҳна рақси, «балет артисти» бўлимида дуэт, мумтоз рақс турларини чуқур ўрганишади. Айни пайтда миллий рақсимизни янада такомиллаштириш ҳамда келгуси авлодларга тўлиқ етказиш учун қатор ишларни амалга ошириш зарур. Чунончи, ўз мактабини яратган моҳир раққосалар маҳоратини чуқур ўрганишимиз, ўзбек рақсининг ўзига хос сир-синоатларини пухта эгаллаб боришимиз мақсадга мувофиқ. Айниқса, рақслар миллий руҳда ўргатилиши лозим. Бунинг учун рақс ўқитувчиси тарих, этно-

графия, она тили ва адабиётни чуқур ўзлаштирган бўлиши керак. Педагогик тажрибадан маълумки, ҳар қандай фанни ўзлаштиришда ўша фанга тегишли атамалар – терминларни пухта тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жумладан, рақс терминологиясини ўзлаштириш машғулотлар самарадорлигини оширувчи асосий омил саналади. Бироқ ҳозирга қадар кўплаб рақс терминларининг изоҳи яхши очиб берилмаган. Мумтоз рақсга доир атамаларнинг аксарияти хорижий тилларга мансуб. Бу эса уларнинг мазмун-моҳиятини англаб олишда қатор мураккабликлар келтириб чиқаради. Назаримизда, бундай хорижий терминларни, асосан, французча атамаларни ўзбек тилига таржима қилиш ҳамда шу асосда таржима, терминологик ва изоҳли луғатлар яратиш вақти келди.

Мамлакатимизда миллий рақсга бўлган эътиборнинг кундан-кунга кучайиб бориши натижасида халқ ҳаваскорлик рақс жамоаларининг сони ҳам ортиб бормоқда. Уларда кўплаб йигит-қизлар ўз маҳоратларини ошириб, рақс санъати намуналарини халққа намойиш этиб келмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Лекин шу билан бирга кишини ўйлантирадиган, мушоҳадага чорлайдиган ҳолатлар ҳам мавжуд. Аввало, мазкур жамоаларга раҳбарлик қилаётган мутасаддиларнинг профессионал билим даражасини ўйлаб кўриш керак. Чунки бундай ҳаваскорлик рақс жамоаларининг ҳаммасида ҳам олий маълумотли профессионал раққос(а)лар фаолият кўрсатмайди. Шу сабабли ҳам уларда саҳналаштирилаётган ҳамда оммага тақдим этилаётган рақсларнинг айримлари замон талабларига етарлича жавоб бера олмайди. Бизнингча, ҳар йили барча ҳаваскорлик ашула ва рақс

ансамблларининг ҳисобот концертларини ташкил этиш зарур. Ана шундагина бундай жамоаларнинг масъулияти ошиб, репертуар устида ишлашга, профессионал рақс усталарининг маҳоратини эгаллашга ҳаракат қилинади.

Мамлакатимизда ҳар йили Мукарама Турғунбоева номидаги ёш раққосаларнинг республика кўрик-танлови ўтказилади. Назаримизда, мазкур кўрик-танловнинг талабларини янада кучайтириш, вилоятларда ҳам ҳаваскор раққосалар ўртасида кўрик-танловлар ташкил этиш, танлов ғолибларининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида мунтазам мақолалар бериб бориш мақсадга мувофиқ. Зеро, «йилт» этган ҳар қандай учкун бир кун келиб ойдек порлаши, қуёшдек нур сочиши мумкин. Шу боисдан ҳам ҳар бир истеъдодли раққосани авайлаб, иқтидорини ўстириш биз учун муҳим вазифалардандир.

**Шухрат ТЎХТАСИМОВ,**  
Тошкент давлат миллий рақс  
ва хореография  
олий мактаби ректори



Яна баҳор келди. Ёмғирли кунлар бошланди. Ногаҳон баргларнинг шитирлашидан уйғониб кетдим. Тонг ҳам отибди. Деразадан қарасам ёмғир ёғяпти. Кўзимга ёш келди. Бундан ўн йил аввал ҳаётимда рўй берган унутилмас воқеа кўз олдимда жонланди.

Ўшанда мактабдан чиққан эдим ҳамки, тўсатдан осмонни қора булут қоплади. Чақмоқ чақиб, ёмғир ёға бошлади. Самога тикилдим, бўғзимга йиғи тикилди. Бундан бир йил олдин ёмғирли кунларнинг бирида дадам билан онам автоҳалокатга учрашганди. Мактаб дарвозаси ёнида соябон тутиб, мени кутиб ўтирадиган онам кўрингандай бўлди. Кўз ёшимни ичимга ютдим. Бунда ёмғирнинг нима айби бор? Аксига олиб, жуда енгил кийинган эканман. Ҳеч қан-



Пак Ин Шик

Укамга  
Таржимондан.

# MENING UKAM

ча юрмасимдан оёқ кийимим сувга тўлди. Бир пайт синфдошим ортимдан югуриб келиб, «Соябонинг йўқми? Юр бирга кетамиз», деди. Хурсанд бўлдим. Бекатгача у билан бирга етиб олсам ҳам катта гап.

Ўзаро суҳбатлашиб автобус бекатига қандай етиб келганимизни билмай қолибман. Дўстим Дуг менга хавотирланиб қараб «У ёғига қандай кетасан. Мен бир амаллайман, соябонимни ола қол», деди. Унга жавоб беришга эндигина оғиз жуфтлаган эдим, бекатнинг олдида соябон ушлаб турган укамга кўзим тушди. Дарси эртaroқ тугаган укам кийимлари шалаббо бўлса-да, уйга бориб соябон олиб келибди. Опа-ука елкамизни елкамизга тираганча анҳор бўйлаб уйга қайтдик. Ёмғирдан унинг суви янаям кўпайганди. Не кўз билан кўрайликки, кўприкни сув оқизиб кетибди. Ваҳима босди. Қўрқиб кетганимдан нима қилишимни билмасдим. Оёқ кийимининг ичи сувга тўлиб қолганидан зўрға юраётгандим. Шу дам укам «Опа, ҳеч ҳам хавотирга тушманг. Аввало мана бу оёқ кийимни кийиб олинг», деб менга пойабзалини ечиб берди.

– Ундай қила кўрма! Ахир ўзинг-чи? Мен каттаман ва нима қилиш кераклигини ҳал қилиш менинг бурчим, – дедим. У эса мийиғида кулганча:

– Бу ерда мен эркакман ва масалани мен ҳал қи-

ламан – деди.


Унга қараб йиғлагим келди. «Қачон улғая қолдинг. Ота-онасизлик сени болаликдан жудо қилди...» Аммо бу сўзларни овоз чиқариб айта олмадим. Укам оёқ кийимини ечиб берди. Ўзи эса мени опичлаб анҳор кечиб ўта бошлади. Мен унсиз йиғлардим. У ҳам. Мени овутиш учун:

– Опа, бироз тўлишибсизми дейман. Ўтган йилгидан оғирроқсиз, – дейди ҳазиллашиб. Мен ҳатто унинг ҳазилига ҳам жавоб бера олмасдим. Биз шу ҳолатда уйгача етиб келдик. Масофа яқин эмас эди.

Уйга келишимиз билан толиққан укам учун егулик тайёрлашга киришдим. Шўрвани сузиб келсам, у аллақачон ухлаб қолган экан. Устини ёпиб қўяётганимда укамнинг оёқлари эътиборимни тортди. Улар қизариб кетганди. Ахир, тошли йўллардан мени опичлаб келишнинг ўзи бўлмади. Оёқларини силай бошладим. У эса уйқусираб «бирам чарчадим, бирам чарчадим», дерди. Оила устунни бўлишни зиммасига олган бўлса-да, мен учун у ҳалиям кичкина, беғубор бола эди.

Укажон! Сен кичкина бўлиб, опанг ҳақида ғамхўрлик қила оладиган меҳрибонимсан. Сен ота-онамдан ёлғиз ёдгоримсан. Сени Оллоҳ ўз паноҳида асрасин. Сендайин укалар сафи ортаверсин.

Корейс тилидан  
Тўмарис АЪЗАМ таржимаси



## MEN NECHUN SEVAMAN

## O'ZBEKISTONNI?

Ватан ҳақида қўшиқлар кўп, шеърлар кўп. Лекин юракдан чиқиб юракка етиб келадигани оз. Сир эмас, баъзи ёниқ шеърлар қўшиққа айланганда ё мусиқаси, ёки ижрочиси туфайли ўз оҳорини йўқотади. Баъзан шиддатли мусиқа ва ширали овоз тўқима сўзларни саҳнага олиб чиқади. Бу борада анча кўп гапирилган, ёзилган. Санъат мукамалликни талаб қилади. Баъзан бир қўшиқ яралиши учун йиллаб вақт кетади. Оромдан кечиб, шу асар иштиёқи билан яшаш, унга кўнгил ато этишгина бўлажак ашулани ҳам бастакорга, ҳам куйловчига, энг муҳими тингловчига манзур қилади. Шундай санъат намуналаридан бири «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» қўшиғидир. Ҳар гал уни тинглаганимизда беихтиёр жўр бўламиз. Ватан кенгликлари бўйлаб ҳаёлан кезамиз. Ва қалбимизда шу савол уйғонади: «Хўш, нечун севаман Ўзбекистонни?» Кейин ижрочи билан бирга саволимизга жавоб топамиз: «Мен таъзим қиламан она халқимга!» Аслида қўшиқни яратишдан мақсад ҳам тингловчи қалбида Ватанга, Она халқимизга муҳаббат олиб кириш бўлган бўлса не ажаб. Ўзбекистон санъат арбоби, Давлат мукофоти лауреати, композитор Анор Назаров билан шу хусусда суҳбатлашдик.

– Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йиллари эди, – дея эслайди Анор Назаров. – Адабиётшунос укам – академик Бахтиёр Назаровнинг Мустафо исмли ўртоғи «Анор ака, Сиз устоз Абдулла Ориповнинг «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деган шеърига қўшиқ ёзсангиз яхши бўларди», деди. Шеърни яхши билсам-да такрор-такрор ўқиб чиқдим. Бунча ҳаяжон ва шавқнинг қандай қилиб биргина шеърга сиққанига қойил қолдим. Бунга мусиқа ишлаш катта маҳорат ва малака талаб қилади. Қаерда бўлмайин шу шеър шууримда айланиб юраверди. Қўлимга нима олсам, аввал шу шеър устида ишлаш учун қарздорлик бурчи қалбимни ўртаб турди.

Ниҳоят, етти ой деганда мусиқа қуйилиб кела бошлади. Ноталарни дафтарга туширяпману, бу шеър билан мусиқа уйғунлаша олармикан, дея ўйлайман. Яна икки ой мусиқа устида ишладим.

Тўққиз ой деганда қўшиқ тайёр бўлди. Бу муддат ичида мен мана шу қўшиқ иштиёқи билан нафас олдим. Шу қўшиқ ичида яшадим. Мана тингланг:

«Мен нечун севаман,  
Мен нечун севаман,  
Мен нечун севаман Ўзбекистонни...»

Шеърда «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» деб бир марта айтилади. Уни уч бора такрорлаш қўшиқни очишга, маънога юк беришга хизмат қилди. Баъзи такрорлар одамнинг жиғига тегса, баъзилари ёқимли бўлади. Эшитганинг сари эшитгинг келаверади. Айниқса она юртинг мадҳ этилган сатрлар куйга солинган бўлса.

Мустақиллик байрами арафасида Ўзбекистон радиосида бу қўшиқ Нуриддин Ҳайдаров, Кумуш Раззоқова ва Достон Убайдуллаев ижросида ёзиб олинди ва байрам дастурида куйланди. Худди бир оила жам бўлиб бу қўшиқни куйлагандек таассурот беради кишига. Аслида Ватанга муҳаббат оиладан бошланади. Фарзандлар онгида Ватанга муҳаббат уйғотиш учун уларнинг саволларига бирга жавоб топиш, керак бўлса, бирга куйлаш керак бўлади.

Кейин бу қўшиқ оммалашиб кетди. Бошқа хонандалар ҳам ижро этишди. Лекин уни ишлашга кетган вақтим, шу қўшиқ завқи билан яшаганим ҳамон ўзимга роҳат беради. Ҳар гал қалбимда ҳаяжон билан тинглайман, жўр бўламан ва ўз-ўзидан кўзимга ёш куйилиб келади.

Аҳмад ТўРА ёзиб олди

# Mohir san'at ustasi

Ўзбекистон мусиқа санъатида миллий чолғулар ижрочилиги муҳим ўрин тутди. Бу борада ўзига хос ижодий мактаб яратган, ижро услуби ва фаолиятига эга бўлган устоз санъаткорлар кўп. Улардан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурахмон Холтожиевдир.

У 1957 йили Марғилон шаҳрида туғилган, ўша жойда дастлабки мусиқа таълимини олган. Унинг қўлига илк бор чолғу бериб ижрочиликка ўргатган устозлари Бахтиёр Тиллабоев, Комил Мирзаев бўлган. Бу устозлар Абдурахмон акадаги мусиқага бўлган истеъдодни илғаб, уни тўғри йўлга йўналтирганлиги билан алоҳида эътиборга лойиқ. Кейинчалик Фарғона билим юртида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Мамасиддиқ Мадалиевдан чанг чолғу ижрочилиги бўйича таҳсил олди. Ўзбекистон давлат консерваториясида Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Фахриддин Содиқовдан профессионал санъаткорлик асосларини, мусиқа назарияси ва чолғу ижрочилик сирларини чуқур ўрганди.

У 1983 йилдан мақомчилар ансамбли созандаси сифатида фаолият бошлаб, бугунги кунга қадар самарали меҳнат қилиб келмоқда. Устоз олий таълим муассасасида ўқитувчи, анъанавий мусиқа концерт ижрочиси малакасига эга бўлди. Консерватория таълимидан кейин 1983-1996 йиллар давомида Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги мақом ансамблида фаолият юритди. Айти пайтда, у консерваторияда ёшларга чолғу ижрочилиги бўйича таълим бериб келмоқда. Устозларидан миллий чолғуларимиздан бўлган чанг чолғуси ижрочилик сирларини ўрганди ва ўзининг назарий билимларини бойитиш билан ўзига хос санъаткорлик сирларини ўзлаштирди. Меҳнат фаолияти давомида турли ансамблларда фаолият кўрсатиб, чанг чолғу ижрочилиги бўйича назарий ва амалий билимла-

рини тажрибасида қўллади. Кези келганда ёшларга устозлик қилди, уларга ўз тажрибаси ва индивидуал ижро услубларини ўргатди.

А.Холтожиев Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Туйғун Отабоев ҳамда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Темур Махмудов каби устозлар билан ижодий ҳамкорлик қилиб, ёшларга асрлар давомида тўпланган халқимизнинг мусиқа мероси ва унинг ижро йўлларини етказиб келмоқда, истеъдодли ёшларни тарбиялаш ишида фаол иштирок этмоқда.

Шу ўринда унинг мусиқа санъатимиз ривожига назарий ва амалий ҳисса қўшиб келаётганлигини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, 1920-1925 йилларда миллий чолғулардан бўлган қонун чолғуси ижрочи мутахассисларнинг йўқлиги сабабли амалиётдан четда қолади. А. Холтожиев 1980 йили қонун чолғуси ижрочилигини қайтадан бошлайди. Бу муҳим маданий воқеа эди. Айнан мана шу пайтдан бошлаб қонун чолғу ижрочилигимиз қайтадан жонланди, унинг қобилиятли ижрочилари вояга ета бошлади. Устознинг ўнлаб истеъдодли шогирдлари бугунги кунда қонун чолғу ижрочилиги бўйича ёшларга таълим бериб келмоқда. Бундай амалий фаолият ўз касбига бўлган муносабатни яққол намоён қилади.

Мусиқа санъати мутахассиси учун бизнинг ёндашувимизга кўра, уч жиҳат муҳимдир: истеъдод, ижод ва самарали фаолият. Бу малакалар мусиқа санъати вакиллари томонидан бутун ҳаёти давомида ўзлаштирилиб борилади. Шу маънода, биз уларни Абдурахмон Холтожиевнинг фаолиятида ҳам учратамиз. Айти пайтда, устознинг ижод ва самарали фаолиятга устувор даражада аҳамият бериб келаётганига гувоҳ бўламиз.

Устознинг оиласини санъаткорлар сулоласи дейиш мумкин. У Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова билан турмуш қуриб, уч нафар фарзандни муносиб вояга етказган. Иккала санъаткор ҳам оила ва ижодий ҳаётда бир-бирини тўлдирувчи, ҳамкор ва ҳаммаслақдир. Абдурахмон Холтожиев бугунги кунда устоз-шогирд анъаналари бўйича ўз тажрибаси ва маҳоратини ёшларга етказиш йўлида тинимсиз изланмоқда. Шу сабабли унинг ижодий маҳорат мактабини ўрганишимиз мусиқа санъатимиз учун самарали ишлардан биридир. Чунки моҳир созанданинг нияти чанг чолғу ижрочилигини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат.

**Алишер ЙЎЛДОШЕВ,**  
Ўзбекистон давлат консерваторияси  
доценти





Ўнги кунларда Ахрорнинг юриш-туришида ҳаловат йўқ. Ишга боради, кечлатиб, ҳувиллаган уйга қайтади. Эрталаб, соатга қарай-қарай, нонушта қилишга ҳам эриниб, оч-наҳор ишга жўнайди. Оқшомда озгина энгилроқ наридан-бери овқат тайёрлайди. Идишлар йиғиштирилмай, ювиқсиз ҳолда ошхонада қалашиб ётади. Анчадан буён йиғиштирилмаётган бетартиб ўрнига чўзилади. Ёлғизлик ёмон. Бир ўзингни танҳо уй ютиб юбораётганга ўхшайди. Яхшиямки, ишхонаси бор. Иш билан овунади, чалғийди, уйдаги тушқунликлар ёддан кўтариллади. Оиланг бағрингда бўлгани дуруст экан. Оладиган маоши ўзига бемалол етиб, Ахрор кўчада овқатланадиган, ётар вақти уйга қайтадиган бўлди. Бир хўплам чой ичса ичиб, йўқса шунга ҳам эриниб, уст-бошини алмаштиради-ю, ўринга таппа ташлайди. Ёлғизликка ўзини кўнктирмоқчи бўлади, бироқ борган сари жонига тегиб, оиласини кўмсади. Бунга рўзғорда бўлиб турадиган арзимас қийинчиликларга чидамай, тўрт болани олиб, онасиникига кетиб қолган хотининигина эмас, ўзини ҳам айбдор санади. Бошида у фақат аёлини айблади, унинг гапларини ношукрликка йўйди. Вақт ўтган сари, яқка яшаш жонига тегиб, фикри ўзгара бошлади.

...У билан олийгоҳда танишганди. Маҳбуба Марғилонлик, Ахрор эса Андижондан. Тошкентда ўқиётган талабалар шу ерда учрашди. Аввал дўстлашишди, дўстлик эса бора-бора муҳаббатга айланди. Маҳбуба кўринишдан содда, мулоҳазали, билимга интилувчан қиз. Ахрорга унинг самимийлиги ёқди. Олийгоҳни битириш арафасида улар аҳд-паймон қилишди. Қарорларидан воқиф бўлган ота-оналар уларнинг турмуш қуришларига қаршилиқ қилишмади. Ёш келин-куёвлар шаҳардан уй олиб, шу ердаги мактаблардан бирида ишлай бошладилар. Уларнинг оиласи ҳавас қилгудек эди. Йиллар ўтиб, фарзандлар: икки ўғил, икки қиз дунёга келди. Бироқ, турмуш тажрибалари ортган сари ўз-ўзидан муаммолар, қийинчиликлар юзага келар, буларни энгиш учун сабр кераклигини улар унутгандек эдилар. Оқибатда тез-тез жанжалашадиган бўлдилар.

– Овқат вақтида тайёр бўлмайди, баъзан уст-бошим кир ҳолатда ишга бораман, аёллик вазифангни унутиб қўйяпсан, – дея нолирди Ахрор.

– Бир томондан иш, болалар, уй юмушларига улгуролмасам, нима қилай? Ахир сиз ҳам озгина қарашиб юборсангиз бўларди, қай бирига улгураман? – дея асабий ҳолда тушунтирарди Маҳбуба эрига. Рўзғорда эр-хотининг майда-чуйда тортишувлари катталашса катталашадиги, камаймайди. Болаларнинг олди мактаб, кичиклари боғчага борадиган ёшда.

– Аёлмисан, уй юмушларини вақтида бажар, ўринлатиб қўй, – Ахрор хотинига ён бергиси келмай, қатъий талаб қўйиб туриб олди. Ўзи эса, ҳар кунги жанжаллардан безиб, уйга кеч қайтадиган кўча хандони, уй зиндонига айланди. Яна бир куни эрталабки нонушта вақтида бўлган арзимас жанжал Маҳбубанинг жонидан ўтиб кетди. Ахрор болаларнинг қий-чуви, тўполони ёқмай, эшикни тарсиллатиб ёпиб, кўчага чиқиб кетди. Маҳбубанинг дили оғриди, болаларни кийинтириб, Марғилонга – ота уйга жўнаворди. Орадан бир ҳафта ўтиб, катта юк машинасида келиб, юкларини йиғиштириб кетди. Иш бунчалikka боради, деб ўйламаган Ахрор олдиниға бунга унча эътибор қилмади. «Келади, қаерга борарди, аччиқ устида шундай қиялпти, мени ўзича жазоламоқчи», деб бунга парво қилмади. Аммо бора-бора у ёлғизликдан қийнала бошлади. Ишдан қайтиб, бир ўзи сўппайиб ўтиради, ётади, туради...

Уйда фақат ўзининг буюмлари. Бир куни хоналардан бирида кичик қизчасининг кўғирчоғини топиб олди. Уни кўлга олиб, ҳидлади. Гўдак ҳиди димоғига урилиб, болаларини соғинганини ҳис қилди. Кўзларига ёш қалқди. Қайғуга ботиб, чўккалаганча, куруқ пол устида ўтириб қолди. Хўрлиги келди. Атроф болаларисиз гўё зулматга чўмгандек...

... – Ҳа, ошна, рангларинг бир аҳволда, ёмон ухладингми? – деди ишхонада ҳамкасби Собир у билан ҳолаҳвол сўрашаркан. Ахрор Собирни ўзига яқин олади. Кўпчилик уни «шоир» деб ҳам атайди, сабаби Собир йиғинларда шеърлар ўқиб, ҳамкасбларининг кўнглини овлашга жуда уста.

– Касал-пасалмасмисан, мабодо? – яна сўради Собир.

– Тузукман.

– Сенга нима бўляпти? Бир нарсдан сиқилияпсанми? Уйингда тинчликми?

– ...

– Ишдан кейин анҳор ёқасидаги қаҳвахонага борамиз, – таклиф қилди Собир.

...Шу куни Ахрор кунни қандай ўтказганини сезмади. Дарсларни қандай ўтди, ким билан нималар ҳақида гаплашди, эсида йўқ. Иш вақти тугаб, уйига қайтмоқчи бўлиб турганди, Собир унинг энгидан тортиб, йўл бошлади. Куз... Изғирин эсади. Атроф хазонакка тўлган, кўчада қуриган барглар уюми учди. Оғайнилар қаҳвахонага кириб, деразага яқин ўриндиқлардан бирига жойлашишди. Овқат буюришди.

– Оиламда тинчликмас, – ниҳоят Ахрор Собирга дил ёрди. – Хотин болаларни олиб кетиб қолган...

– Қачон?

– Анча бўлди. Тўғриси, ёлғизлик жонга тегди. Бориб олиб келишга ғурур йўл қўймапти. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Аслида гапиришга арзимайдиган майда-чуйда гаплар... Йўқ, бунақада жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас...

Умида ЭГАМБЕРДИЕВА

Do'st

Ахрорнинг кўзларига ёш тўлди. Ўртоғига билдирмаслик учун ёнидан дастрўмол олиб, юзини артган бўлди. У болаларини соғинганини, оиласиз қийналиб қолганини Собир дарров сезди.

– Нега шунинг олдинроқ айтмадинг? Балки келинни, болаларни олиб келармидек...

– Ҳожати йўқ. Келмайди. Ундан кўра...

– Сени тушундим. Йўқ, бошқа уйланмайсан, ахир болаларинг улғайяпти... Кел, яхшиси, хотинингга сенинг номингдан хат ёзамиз, уэр сўрайсан?




– Барибир, фойдаси йўқ...

– Эртаси куни Собир Ахрорнинг кўлига бир парча қоғоз тутқазди.

– Буни албатта жўнат, зора фойдаси бўлса...

Ахрор хонасига кириб, хатни очди. Унга кўз югуртирди. Хат узундан-узоқ шеърини мактуб тариқасида ёзилган бўлиб, аёлидан униб-ўсаётган болаларини ўзидан узоқлаштирмаслигини, ҳадемай катта ҳаёт бошида уларга ота фотиҳаси даркорлиги, ўтган барча хатоликлари учун фақат ўзи айбдор эканлиги ёзилган аёлининг кечирини сўраган, мабодо кечира олмаса, ундан рози бўлиши ифодаланган эди. Мактуб Ахрорга маъқул бўлди. Уни хатжилдга солаётиб, «Мени кечир, онаси» деган жумлани кўшиб қўйди...

Орадан бир неча кун ўтиб, Маҳбубадан жавоб хати келди. Унда қуйидаги сўзлар битилганди: «Биз ҳам сизни соғиндик. Тезроқ етиб келинг». Ахрор оёғини кўлига олиб Марғилонга жўнади.





Лапар ўзбек ашула санъатининг ажралмас қисми бўлиб, у сайил ва оммавий байрамларда, тўйларда ижро этилган. Илк ўзбек лапарларининг тарихи жуда қадимга бориб тақалади. Оқинларнинг айтишувлари, қиз-жувонларнинг тўйларда кўшиқ айтиб, рақсга тушишлари айнан лапар деб юритилмаса-да, улар шу санъатнинг дастлабки кўриниши бўлган.

Ўтган асрда ўзбек санъати ривожига катта ҳисса қўшган Муҳиддин Қориёқубов ва Тамарахонимнинг айтишувлари, давраларда рақсга тушиб, кўшиқ куйлашлари лапар жанрининг шаклланишига туртки бўлди. Улар илк ўзбек труппаси таркибида чет элларга

гастрол сафарларига чиқиб, санъатимизни намойиш этган қалдирғочлар ҳисобланишади. Бу жуфтликнинг чиқишларини томошабинлар жуда ҳам катта олқишлар билан кутиб олишарди. Улар республикаимизнинг турли ҳудудларида концертлар кўйишар, борган жойларидаги шаҳар ва қишлоқларда ўша ҳудудда айтилаётган кўшиқларни ўрганиб келишарди. Ўз дастурларини шу йўл билан бойитиб боришди. Биринчи концертларининг дастурлари авваломбор ўзлари билган, устозлар ўргатган кўшиқ ва куйлардан иборат эди. Вақт ўтиб шоирларга мурожаат этиб, замонавий кўшиқлар яратиб, уларни дастурга киритишди. Халқдан йиғилган ёки тўйларда ижро этиладиган ялла ва айтишувларни саҳнабоп қилиб, уларнинг устида

ишлаб, кейин ижро этишган. Кейинчалик Тамарахоним алоҳида концертлар бера бошлади. У қайси давлатга гастрол сафари билан борса, ўша жойнинг миллий кўшиғи, рақси ва кийими билан дастурини бойитиб келарди. Унинг репертуарида ўзбек, тожик, қозоқ, украин, туркман,

қорақалпоқ, уйғур, татар, озарбайжон, арман, грузин, осетин, рус, белорус, молдаван, эстон, литва ва латиш халқ кўшиқлари пайдо бўлди. Опа тинимсиз ишлади. Корея, Мўғулистон, Хитой, Япония, Индонезия, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Афғонистон, Туркия, Албания, Миср, Испания,

Болгария, Руминия, Чехославакия, Польша, Норвегия, Англия, Мексика давлатларига гастроллари давомида кундузи концерт кўйиб, кечалари халқ орасида юриб, ёзиб олган термалари ҳисобида репертуарини бойитиб борди. Яъни, ҳар бир халқнинг терма ва кўшиқларини айтиш учун шу халқнинг урф-одатлари, одамларининг табиати, либослари, ҳатто тил бойлигигача кунт билан ўрганар эди.

Муҳиддин Қориёқубов ва Тамарахоним таъсирида кўп истеъдодли ёшлар чиқиб кела бошлади. Янги тузилган этнографик ансамблга Бегимхон ая ва унинг синглиси Нурхон Йўлдошхўжаевалар келишди. Бегимхон ая Уста Олим Комилнинг рафиқаси эди. Концертларда асосан рақс ижро этарди. Нурхон, Холчахон исмли ашулчиларнинг ҳаёти фожеали яқун топган. Ансамблга Тожихон, Тўхфахон исмли аёллар келишади. Афсуски, уларнинг кўшиқлари ёзиб олинмаган. Тамарахонимнинг ҳикоя қилишича, бир кун Қўқонга концерт кўйишга келганларида шаҳарда риштонлик чиройли овозли, дутор чалишни биладиган бир аёл борлигини айтишади. Муҳиддин Қориёқубов ўша аёлни қизларни жўнатиб топтиради. Ниҳоятда уятчан қиз парда орқасида кўшиқ айтишга рози бўлади. Айниқса, ўзи ижод этган ҳазил термаларни айтиб берганда, эшитувчилар хузур қилиб тинглашади. Кейинчалик саҳналарда кўриниш бера бошлаган бу аёл – театр ва кино юлдузи, халқ артисти Лутфихон Саримсоқова эди. Ая мусикали театрда, кинода, телевидениеда кўплаб беқиёс образлар яратди. Лутфихонимнинг ишлари ҳақида кўплаб ёзиш мумкин. «Кулинг», «Ўзганча», «Ёр-ёр», «Ҳакалакам ўйнасамми», «Жамбилхон», «Ёргина», «Омон бўлайлик» сингари лапарларни ҳамон халқимиз севиб ёдга олишади. Шу қадар катта диапазонли актриса бўлишига қарамасдан, концертларда ая айтишувларни завқ билан ижро этарди. Ўзбекистон халқ артисти Рауф Болтаев билан ижро этилган «Қилпиллама», «Қора қош укам», «Ҳилила» сингари айтишувлар ўша даврда жуда оммалашиб кетганди. Л.Саримсоқова Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Райхон Тўраева билан ҳам «Ойижон», «Қилпиллама», «Билагузук» сингари айтишувларни завқ билан ижро этарди. Бу ажойиб иккита актрисанинг ижро этган айтишувларининг ҳар бири кичик спектаклга айланиб кетарди, давраларда катта олқишларга сазовор бўларди.

Ўттизинчи йилларда лапар санъатига Ҳалима Носирова, Назира Алиева ва Мукаррама Турғунбоева кириб келди. Халқимизнинг энг сеvimли рақосаси, катта ҳурматга эга бўлган балетмейстр М.Турғунбоева Уста Олим Комилов ва Тамарахоним устозлигида ўзбек рақсининг сирларини ўрганиб, дастурлар тайёрлай бошлади. 1936 йилдан бошлаб янги рақслар яратиб, мусикали драмаларга рақслар саҳналаштирди. Мукаррама Турғунбоева ҳақида гап кетганда унинг рақс санъати ривожига қўшган ҳиссаси кўпроқ тилга олинади. Аслида Мукаррамахоним ўз фаолиятини лапарлар, яллалар айтишдан бошлаган. Унинг ижролари пластинкаларга ёзиб олинган.

Тамарахонимнинг синглиси Гавҳархоним ҳам ашула айтиб, рақсга тушарди, ўрни келганда рол ижро этарди. Опаси қатнашмаган концертларда Тамарахоним айтган ла-

# LAPARLARDA

## aks etgan hayot





парларни маҳорат билан ижро этарди. Турмушга чиққач, Гавхар Раҳимова бўлиб танилди ва шоғирдлар етиштирди. Уруш йиллари ташкил топган қизлар фронт бригадасига раҳбар этиб тайинланди. Фронт бригадасининг дастурида «Олға бос!», «Буденный савлатликлар», «Қаҳрамонлар», «Ўзбекистонинг лол мен», «Фронтдан хат», «Салом, онажон», «Зебожон», «Қувон, халқим», «Яхши бор» «Душман устига», «Дейди-ё», «Ҳақкалакам ўйнасам», сингари ашулалар бор эди. Шунингдек, «Казак-казанченъки», «Ой тумани, мой расту-маны», «Катюша», «Валенки», «Ох, Самара городок» сингари рус қўшиқлари, қорақалпоқча «Қизмунайим», қозоқча «Қора тўрғай» ҳам улар репертуаридан жой олган эди. Бу қўшиқларни хор сифатида бирлашиб айтишарди, кейин ҳаммаси умумий рақсларга тушишарди. Лиза Петросова бошчилигида умумий лапарлар ижро этиларди. Яъни, 8-10 та қиз ашула айтиб, унинг мазмунига монанд ҳаракатлар билан ижро этишарди. Ушбу фронт бригадаси ўзларининг ижодларини айнан лапарлар билан бошлаган. Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаеванинг илк ижоди 1944 йилда фронт бригадасининг лапарчилар дастасидан бошланган бўлиб, ўшанда у 14 ёшда эди. Унинг ижросидаги «Гулнораҳон», қозоқча «Қиздарай», русча «Частушка» ва тожикча лапарларни аскарлар кўзларида ёш билан тинглашарди. 1943 йили 15 ёшга тўлган 18 нафар қиз Москвада бир ой давомида ҳамшираликни ўрганиб Ленинград фронтга жўнатилди. Райҳон Тўраева 79 нафар ярадорни жанг майдонидан олиб чиқади, шундан 50 тасининг ҳаёти сақлаб қолинади. Лекин ёш қизалоқнинг икки оёғини ҳам совуқ уриб, оёқларини ампутацияга тайёрлашади. Ўша куни фронтдан тиббий бўлимга қайтган жарроҳ унинг оёғини сақлаб қолишга эришади. Мана ҳозир 80 ёшдан ошган Райҳон опа эл ардоғидаги устозларимиз қаторида. Райҳон Тўраевага биринчи «Мамлакатимиз чиройли», «Жоним берсам-да майли» лапарларни ўргатган ва устозлик қилган бухоролик таниқли санъаткор Назоат Неъматова бўлади.

Урушдан кейинги йиллар Ўзбекистон давлат филармониясига яна кўплаб ёшлар келади. Шу қаторда Тўхта Йўлдошева ҳам бор эди. Унинг дастуридаги «Йўлиқдим», «Ёлворма, жоним», «Гулнора», «Наҳору нашта», «Хаёлим сенда», «Сувчи йигит» қўшиқларни барча севиб тинглади. Композитор Дони Зокировнинг рафиқаси Лубатхон ва Карим Зокировнинг рафиқаси, актриса Шоиста Саидова «Қоралар-қоқоралар», «Ялло-ялласидан» деган лапарларни ижро этишган. Менга уларнинг лапар ижро этишларини кўриш насиб этмади. Лекин устозларнинг айтишича, қанақа лапар ижро этишдан қатъи назар ҳаммасини комик жанрга айлантириб ижро этар ва

ҳаммани кулдирад эканлар. 1951 йили Москвада бўлиб ўтган Ўзбекистон санъат ва адабиёт кунларида «Эй, кўзлари мастона дилбар» лапарини Райҳон Тўраева ижро этиб, ҳаммани лол қолдирган эди. Унинг «Қоралар-қоқоралар», «Қизгина», «Омон ёр», Хоразм лапар, «Хова, ҳей хова», Чустий газали билан «Кабутари» лапарини ижро этганлари ҳамон кўз олдимда. Бениҳоя гўзал аёл эди, саҳнадаги кийими, хатти-ҳаракатлари жуда ҳам ўзларига ярашиб турарди.

Лапарлар халқимизнинг энг сеvimли жанрига айланишида устозларимизнинг хизматлари катта бўлди. Айтишувлар ва лапарлар томошабиннинг энг катта олқишларига сазовор бўлгани учун ҳамма ижрочилар хоҳ аёл киши, хоҳ эркак киши бўлсин, шу жанрни саҳнада ижро этишга ҳаракат қиларди. Ҳамма концерт дастурлари айнан лапарлар билан якунланарди. Лапар бошқа жанрлардан ўзининг гўзаллиги, саҳнабоплиги ва миллийлиги билан ажралиб турарди. Халқимизнинг кундалик турмушидан олинган термалар, ҳазилсимон айтишувлар, лирик тўқималар саҳнада лапар тарзида ижро этилиб, олқишларга сазовор бўларди.

Мен ҳам устозлар изидан бориб, 50-йилларда саҳнага чиқиб келдим. Байрам ва сайилларда, далаларда, ишчилар ҳузурида концертлар кўярдик. Катта майдон ўртасида томоша учун тўгарак жой қолдирилди, атрофда томошабинлар қатор-қатор ўтиришарди, тик туришарди, дарахтлар, арава ва прицеплар устига чиқиб концерт кўришарди. «Саҳнада» эса санъаткорлар ўз чиқишларини даврани айланиб ижро этишарди. Концертларнинг вақт чегараси йўқ эди, икки соатдан ва ундан кўпроқ давом этарди. Ҳар бир концертнинг асосида лапар ижроси бўлар эди.

Ўзбекистон халқ артисти Тамара Назарова билан Наманганда танишганмиз. 1959 йилда «Қорақалпоқ ашула ва рақс ансамбли» Ўзбекистонга биринчи гастрол сафари билан чиққан эди. Афишада менинг расмимни кўриб, кечкурун концертимизга келди. Шу-шу мен лапар ва ялла ижрочилари ҳаёти сеҳрига маҳлиё бўлдим. Т.Назарова концертларда асосан озарбайжон ва тожик лапарларини ижро этган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Омина Фаёзова концертларда асосан ҳазил термалар ва айтишувлар ижро этарди. «Қайнона қайнайди», «Икки гаранг», «Йўқ қатиқни қайдан топаман» сингари айтишувларни Ўзбекистон халқ артисти Рауф Болтаев билан бирга ижро этишарди.

1960 йили Тошкентга келганимда Филармонияда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист София Когон бор эди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раима Ҳақимова Хоразм лапарларини маромига етказиб ижро этарди. Филармонияда яна Ўғилой Машарипова, Рая

Абдуллаева, Манзура Мўминова деган лапарчилар бор эди. Кейинчалик, 17 ёшли истеъдодли қиз Клара Жалилова ўзининг гўзал ва ширин овози билан тез кунда машхур бўлди. Айниқса, «Мафтунингман» фильмида бош қаҳрамонни ўйнаб, ҳаммани ўзига мафтун этди. Биринчи бўлиб айтган лапарлари «Гули хандоним», «Омон ёр», «Андижон самоси», «Қошлари қундуз қизгина», озарбайжон лапар «Ойимсан юлдузимсан», «Тотуради дум» каби афғонча лапарлар унинг ижросида жуда нафис чиқар эди. Мен Тошкентга келгач, ўз ҳаётим лапар санъати билан боғланиб кетганини ҳис қилдим. Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма театрида ва кейинчалик Ўзбек давлат филармониясида кўпгина лапарчилар билан танишдим. Улар билан шу санъатнинг ривожига ҳисса қўшишга ҳаракат қилдим. Лекин 70-йилларнинг бошларига келиб профессионал саҳнада лапар ижрочиси сифатида битта мен қолдим. 1990 йилда Шоҳиста Парлиева ва Инобат Жониеваларга лапар ўргатиб, улар билан анча ишладим. Қатор лапарлар ўргатдим. Уларнинг дастурида «Андижон борай дедим», «Ёлворма, жоним», «Хаёлим сенда», «Омонёр», «Ман ёри туям» сингари қўшиқлар саҳнага чиқди.

Лапар энг гўзал, энг саҳнабоп жанр. У якка ижро, айтишув ёки жамоа ижросида айтиладими, ўз жозибаси билан томошабинлар қалбидан жой олган. Лапар учта санъат – ашула, рақс ва албатта актёрлик маҳоратининг уйғунлигида вужудга келади. Юқорида айтиб ўтган устозларимиз лапарни нафақат юртимизда, балки чет элларда ҳам тарғиб этиб, шу жанр орқали дунёни ўзбек санъати билан таништирганлар. Халқ ижодиётига катта эътибор берилаётган ҳозирги пайтда узтозлар анъаналарини ёшларга бор жозибаси билан етказиш ва улар ишларини давом эттириш бизнинг асосий вазифамиздир.

**Гулшод ОТАБОЕВА,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
артист





# Kapalak qanotiga yozilgan maktub

*Tengdoshimga xat*

Mening ismim Mubina. To'qqiz yoshdaman. Oilada to'rt kishimiz. Dadam diplomat. Onam o'qituvchi. Singlim Oysha 1-sinfda, men 3-sinfda o'qiyman. Dadamning ishi tufayli Amerikada yashadik. U yerga qachon borganimizni bilmayman. O'sha yoqda bog'chaga, keyin maktabga bordim. Dadamning ishi tugab, O'zbekistonga qaytdik. Samolyotda singlim bilan yonimizdagi qatorda o'tirgan 4-5 yoshlardagi qizcha o'zbek tilida shunday yaxshi va yoqimli gapirar ediki, biz unga uzoq tikilib qoldik. To'g'ri, uyimizda oyim bilan faqat o'zbekcha gaplashamiz, lekin ko'pincha men va singlim kerakli so'zlarni topa olmay qiynalamiz. Bu qizcha esa juda to'g'ri, ya'ni «clear» gapirardi. Rostini aytsam, unga havasim keldi va men ham o'zbek tilini yaxshilab o'rganishga qaror qildim.

Kelgan kunimizning ertasigayoq maktabga tayyorgarlik ko'ra boshladik. Oyim bizni avvalgidek diplomatlarning farzandi o'qiydigan «special school»ga emas, uyimiz yaqinidagi o'zbek maktabiga berdi. Maktabga borishga bir kun qolganida Oysha ikkimiz tezroq ertalab bo'lishini, yangi maktabni va u yerdagi bolalarni ko'rishni xohlardik. Nihoyat, tong otdi... MAK-TAAAB! Katta, sinf xonalar ko'p, keng va yorug' ekan. Umuman olganda, yangi maktab menga yoqdi. Endi yangi «classmate»larim, ya'ni sinfdoshlarim bilan tanishishga shoshardim. «Classroom»ga kirsam, bitta «teacher» va bir xilda kiyingan juda ko'p yangi do'stlar o'tirardi. Hayron qolganimdan sanashga ham ulgurdim – 38 nafar. Shovqin-surondan boshim aylanib, hushimdan ketay dedim. Keyin kimdir baland ovozda buyruq berdi – «Jim bo'ling!» Nima qilishni bilmay qoldim. Hamma tovushsiz qimir etmay o'tirishi shart edi. Qo'rqib ketdim, zo'rg'a o'tirdim.

Birinchi kundanoq do'st orttirdim. Aytishicha, ismi Mukarram. Maktabga borishni boshlaganimga endi uch kun bo'lganiga qaramay, har kuni o'qituvchi

ko'p vazifa berardi. Har bir fandani alohida daftar tutish, uning ustini o'rash kerak, keyin esa to'lguncha yozish kerak. Bunaqa juda ko'p va g'alati topshiriqlarning oxiri ko'rinmasdi. Bilsam, 3-sinf katta ekan. Amerikadagi maktabimda yozish 5-sinfdan o'rgatilardi. Biz «classroom»imizni o'zimiz bezatar, u yerda o'zimizni erkin his qilardik. Partada deyarli o'tirmasdik, turli qiziqarli mashg'ulotlar jonu dilimiz edi. Vatanimdagi maktabda esa butunlay boshqacha holat edi. Ingliz tili darsidan boshqa hamma fanlardan yomon baho ola boshladim. O'rtoqlarim ichida eng xunuk yozuv ham meniki edi. «Teacher» oyimga men haqimda «yomon» gaplar aytdi. Endi menga xati chiroyli bola yordam berib turarkan. Buni tashqarida oyimni kutib turganimda eshitib qoldim. Oyim majlis haqida gapirmadi. Aksincha, daftarlarimga o'zim yozishimni tayinladi. Ertasi kuni maktabga chiqishni xohlamadim.

Uydagilar 2 ta oq kofta olib berishdi. Oyim har kuni kiyimimizni yuvib, quritib berishlari kerak. Bo'lmasa, maktabdagi ustozlar darrov tanbeh berishardi.

Bir men emas, singlim ham qiynalayotgan edi. Bir kuni o'qituvchisi bir bolaning boshiga ruchka bilan urib, «yashilda ham yozadimi» debdi. Ikkimiz ham baravariga yig'lab yubordik. Suhbatimizni eshitib qolgan oyim negadir kulib yubordi. O'qituvchi bolani shunchaki koyib qo'ygan, deya jilmayib qo'ydi. Baribir yig'layverdik. Oysha ham, men ham bir vaqtning o'zida: «mum, it is not funny, it's sad!» deb, aytdik. «Oyi, bu – kulgili emas, bu yomon» degani edi.

Har kuni, «yashilda yozgan bola»ga o'xshagan, yana ko'p voqealarga guvoh bo'lardim. Tuni bilan o'sha ajoyib «teacher» va bir xil kiyingan 38 ta

«pupil» haqida o'ylab chiqa boshladim. Qizig'i, ularning orasida o'zim ham borman.

Oyim bizga «Hademay o'rganib qolasizlar, bizni ham shunday o'qitishgan. Mana, shu maktabda o'qigan dadang diplomat bo'ldi. Bizda talab kuchli bo'lgani uchun shuncha olimlar, chempionlar chiqyapti. O'qituvchilar qattiqqo'l bo'lgani bilan O'zbekistondagi ta'lim tizimi ko'p davlatlardan kuchli. Vaqti kelib ko'nikasizlar», deydi. Xullas, oyimning aytgani qachon kelishini bilmayman. Ichimda oyimning gaplari rost ekaniga ishongim kelyapti. Yaxshisi, siz ham maktabingiz, o'qituvchilaringiz, o'zingizni qilayotgan ishlaringiz haqida xat yozing. Shunda men tez tilni ham, o'qishni ham o'rganaman.

Aytganicha, xat haqida gap ketgani uchun esimga tushib qoldi. Kecha elektor pochtaga Amerikadan xat kelibdi. Bu mening sevimli «teacher»im missis Farreldan edi. U meni juda ham sog'ingani, yangi maktabga o'rganib ketishim va eng a'lochi o'quvchi bo'lishimga ishonishini aytdi. Xatning oxirida shunday debdi: «Biz kapalakqurtlarni boqyapmiz... Har kuni ularni ovqatlantiramiz, tomosha qilamiz va kapallakka aylangunicha kutamiz...»

Qiziq... ular kapalakka aylandimikin?!

**Mehrinoz ABBOSOVA,  
Zulfiya nomidagi davlat  
mukofoti sohibi**



# OY CHO'MILAR CHAYLADA

## KIRPIJON

Oydin kecha pallada,  
Oy cho'milar chaylada.  
O'tar sirli sharpalar,  
Tortiladi ko'rpalar.  
Mo'ralaymiz unsiz, jim,  
Shitir-shitir, kelar kim?  
Bu qanday mehmon ekan,  
Boqsak, Kirpijon ekan.

## OY TO'LA JOM

Buncha maftunkor,  
Kuzning yonog'i.  
Oy to'la jomdir  
Paxta chanog'i.  
Shafaqrang bog'lar,  
Quyosh kalomi.  
Shudringlar olis  
Bahor salomi.  
Bunday pallada  
Tilingda baytdir,  
Dilingda ne so'z-  
Shivirlab aytgil...

## O'PICH OLAR KO'ZLARIM

Yashil maysa tillari,  
Gul-chechak sarxillari.  
Atrofimda mavjlanar,  
To'rg'ay sayrab avjlanar.  
Sakrab yurar uloqlar,  
Shildiraydi buloqlar.  
Bolarining bolidan,  
Qizg'aldoqning xolidan,  
O'pich olar ko'zlarim,  
Yayrab kelar so'zlarim.

## SUYUNCHI

Yangi mehmon opkeldik,  
Belanchakka sopkeldik.  
Arazni ham biladi,  
Qo'l silkitib kuladi.  
O'zi yaxshi o'yinchi,  
Bering endi suyunchi!

## BUVAMNING HIKOYASI

Eh, bolalik yillari,  
Qoldi uzoqda.  
Qirg'oqda sapchib oqqan  
Ul oqizoqda.

Bolalik bu eng ma'sum,  
Navoli sozdir.  
Bolalik bu g'oyibdan  
Kelgan ovozdir.  
Yo'llarida poyandoz,  
Yashil maysalar.  
Eh, bolalik olisda  
Mayin nay chalar.  
Chorlaydi qizg'aldoqqa  
To'lgan dalalar.  
Qulog'imga bolalik  
Aytar allalar.

## AYOZ

Qoyil qoldim Fayozga,  
Parvo qilmas ayozga.  
Men-chi qishga yo'qroqman,  
Bahor, yozga o'chroqman.  
Fayozga sovuq yoqar,  
Mening-chi, burnim oqar...

## CHARXPALAK

Ariqda suv shildirar,  
Charxpalagim g'ildirar.  
Naf tegsin deb ekinga  
Suv chiqarar tekinga.

## QANDOLATGA XUSHIM YO'Q

Endi qand ber demayman,  
Bersangiz ham yemayman.  
Parvo qilmang o'tinsam,  
Yo g'ilt etib yutinsam.  
Shirinlikka yo'q xushim,  
Og'rib turibdi tishim!

## XO'ROZQAND

Qizilgina tojim bor,  
Bozorda xirojim bor.  
Shirintoyman, mazzaman,  
Xo'rozdan andozaman.  
Xo'roz emas biroz qand,  
Asl otim Xo'rozqand.

## KARRA

Bilmasang gar karrani,  
Ishlatib ko'r kallani.  
Adashmagin hisobdan,  
Javob izla kitobdan!



Nurilloh OSTON

## TILLAQO'NG'IZ

Tillaqo'ng'iz maqtandi:  
– Buvimning oftobiman,  
Dadamning erkatoyi –  
Oyimning oppog'iman.

## POLIZDA

Olabayroq, mallato'n,  
Yastangan dala-tuzlar.  
Bolalarni kutadi,  
Pistirmada tarvuzlar.

## QO'ZICHOQ

Qarang buncha yam-yashil,  
Qizg'aldoqrang dalalar.  
Bunda buncha ko'p ekan,  
Menga o'xshash barralar.  
Dikirlatib chopaman,  
To'rt oyog'im – yo'rg'amni.  
Yo'qolmasin deb cho'pon  
Taqib qo'ydi sirg'amni.

## BUZOG'IM

Saqich chaynar buzog'im,  
O'yinqaroq, suzog'im.  
Chiqqan uchun emishdan,  
Chaynab turar yemishdan.  
Kovshi to'xtasa, Omon,  
Unga berib qo'y somon!



Табиат инсонга шундай дейди:  
уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқил бўл,  
аммо идрокли бўлмоғинг шарт.  
Пьер Опостен БОМАРШЕ

# Moda o'tkinchi, odob abadiy

Замонавий кийимлар... Кўчада ярқ этиб ўзига қаратадиган услуб. Янгилик. Аммо нимасидир ғашингизга тегади. Яхшироқ қарасангиз, тилим-тилим, йиртиқ-ямоқ, осилган, узилиб тушай деган. Ўзига шу кийимни қандай эп кўрдийкан, деб ўйлайсиз. Оналаримиз кичкина болалар кўчада кийимларини тилдириб, йиртиб келишса, дарров эгнидан ечиб, тикиб беришарди. Ҳатто кичкинтойларнинг ҳам озгина йиртилган кийимда юриши орият ҳисобланарди. Гап мана шу орият ҳақида кетганида ким нима кийса ўзининг иши деб қўл силтай олмайсиз. Зеро, дид борасида баҳслашиб бўлмас-да, маънавиятга, ориятга, ҳамиятга келганда, жим туриб бўлмайди. Аслида мода тезда ўзига жалб этиш дегани эмас, ярашгани... Донишмандлар кийим инсонни эмас, инсон кийимни безайди дейишади. Ҳозир айти пайтда ёш-яланглар қолиб, катталар ҳам эгнига илиб олган йиртиқ кийимлар наҳотки уларга кўрк берса? Ёки ким шу либоснинг камчилигини ўз таровати билан тўлдирипти? Эътибор қилинг: ҳеч ким! Келинг, шу ўринда йиртиқ кийимларнинг тарихига бир эътибор қиламиз. Аслида биринчи йиртилган кийимни Жанубий Америкалик чўпонлар ҳақида фильм тасвирга олишаётганда бўри билан олишув жараёни учун махсус тикиб тайёрлашди. Кейин ижодкорлар бу кийимларни ташлаб юборишмай, кўча-кўйда ҳам кийиб юришади. Бундан илҳомланган «дизайнер»лар бу кийимлардан нусхалар олиб подиумларга олиб чиқишади. Сўнгра мода корчалонлари «Йиртиқ кийимлар – моданинг хатолиги» деб тан олишади. Энди ана шу хатони эгнига илиб кўчага чиқаётган ёшлар кўпайди. Бу кийимлар аслида керакми? Бу ҳақда турли соҳа мутахассислари билан фикрлашдик.

Гулчеҳра УМАРОВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:

– Касбим тақозосига кўра кузатувчанман. Кўчада, транспортда ёшларни кузатиб, оиласи ҳақида хулоса чиқариб оламан. Қайси оилада фаросат ва тарбия устун бўлса, фарзандлари ораста кийинган, ўзини тутиши сипо бўлади. Мен фарзанд оиланинг кўзгуси, унинг ҳар бир ҳаракати оиласи ҳақида сўзлаб туради, деб кўп таъкидлайман.

Урфга кирди деб ҳамма нарсани киявериш ҳам одамнинг маданиятсизлигидан далолат беради. Ҳар битта модага кирган нарсани кийиш шарт эмас деб ўйлайман. Агар шунақа бўладиган бўлса, унда ҳамма бир хил бўлиб кетарди. Масалан, бу йил қизил ранг ёки клинли



бичим урфга кирди деса, ҳамма шу кўйлакни киймайди-ку. Шунинг учун бу нарса одамнинг маданияти, дид-фаросатига боғлиқ. Агар одамни ички маданияти бўлмаса, бировларга қараб кийинади. Айниқса, ёшларда кўпчиликка эргашиш хусусияти кучли бўлади. Сабаби – уларнинг янгиликка иштиёқи ҳаддан ташқари баланд. Ҳозир глобаллашув даври. Ёшлар бир зумда қўлидаги кичик асбоб билан жаҳон модаси янгиликларини кўриб, керак бўлса, шу кийимларга буюртма бериб, олиб келтириб кийиши мумкин. Интернет-магазин деган хизматлар чиққан.

Оилада савияни, дидни, маданиятни шакллантириш керак. Агар оилада қатъий тарбия бўлмас экан, фарзандлар улғайишгач, уқтириш жуда қийин бўлади. Ҳамма нарса ёшлиқда олган тарбияга бориб тақалади. Бежиз «Қуш уясида кўрганини қилади» ёки «қондан ўтган» деган гаплар айтилмаган. Шунинг учун оилада бор нарса ба-рибир болага таъсир қилади.

Ўйлайманки, йиртиқ-тиртиқ кийимда юриш, нафақат ғалати, айна дамда, кулгили ҳам. Кўчада кўрганман, 4-5 та жойи тўрт бурчак шаклида йиртиқ-йиртиқ... Бу – баданни яланг кўрсатиш билан баробар-ку... Одамнинг бадани кўриниб туриши Шарқ маданиятига тўғри келмайди. Замонавий кийиниш – очиқ кийиниш, европалик нима қилса, ўшани қилиш дегани эмаслигини аниқлаш керак ёшларга.

Дид ва фаросат болаликдан шаклланмаса, кейин жуда қийин бўлади. Бундай юриш ўғил-қизларимизга, умуман эмоционал, гигиена нуқтаи назаридан ҳам тўғри келмайди. Ўша жойларига офтоб нури тушиб, чанг кириб териға таъсир қилади. Бундай кийимларни «оқлаб» бўлмайди. Аслида ўзбекларда миллий қадрият, шарқона ибод, ҳаё аввало кийим-кечак билан белгиланади. Ҳеч ким ёшларга узун, рўдапо қилиб кийининг дема-япти. Моданинг олдида юриш дегани – ўзига ярашган, ихчам тикилган, шарқона урфга тўғри келган кийимда юриш, холос. Агар ўзингизга ярашган нарсани кийсангиз, узун ҳам, калтароғи ҳам ярашаверади. Қолаверса, одамнинг ўзига ярашадиган ранги, қомастига мос

келадиган бичими бор. Ана шуларга риоя қилиш лозим, холос.

### **Бинафша НОДИР, санъатшунос:**

– Мода дегани санъат. Санъат мукаммал, хатолардан холи бўлсагина тан олинади. Ҳар йили дунё бўйича кўплаб мода намойишлари ўтказилади. Унда иштирок этганлар бир-бирлари билан тажриба алмашишади, ўз ишларини намойиш этишади. Бунда ўзига хослик алоҳида аҳамиятга эга. Баъзи дизайнерлик ишларида кофтанинг четларини қайирмасдан сал-сал қирқиб кўйиш ёки ипи чиқиб туриши мумкин. Албатта, фасонга мос мато бўлиши муҳим. Айниқса, жинси матоли кийимларда кичкина тилинган, кашта ёки ямоқча элемент сифатида фойдаланилади. Бундай услуб – инсон ёши, менталитети, қомасти, ранги, характери билан уйғунлашиши керак. Тиззаси ёки тиззадан тепаси йиртиқ кийим кийганларни кўриб ҳайрон қоламан. Наҳотки, дидсизлик намойишга чиққан бўлса?!

Аваллаббор, тиззаси йиртиқ шим, калта ўбкалар европаликларга хос услуб. Чунки, уларнинг қомасти, ранги, менталитети, тана тузилишидан келиб чиқиб танланган. Шарқ аёллари қомаст, юз-кўз, ранг томонидан улардан фарқ қилади. Қолаверса, бизда ҳаё биринчи ўринда туради.

### **Зебунисо АҲМЕДОВА, психолог:**

– Минг афсуски, бугун «оммавий маданият»нинг салбий кўри-нишларидан бири йиртиқ кийим кийиш тарғиботидир. Бундан асосий мақсад ёшларни янгиликка, гўзалликка бўлган интилишларини сўндиришдир. Албатта, бу – ёшларнинг маънавий онги пасайишига, дидсизлашишига олиб келади. Миллий кийим ўрнига ёт маданият маҳсули тарғиб қилинади. Эътибор қилган бўлсангиз, аввал тилинган, кейин сал йиртилган, кейин йиртиғи ямалган, охирида катта-катта йиртиқ кийимлар урф бўлди. Бу ҳам секин-секин кў-никтириш психологияси. Аллақайси тўдага одамзодни экологик чиқиндига чиқариш, дидсизлантириш учун унинг маънавий оламига ҳужум қилиш керак бўлиб қолган



бўлса, нега биз ва фарзандларимиз уларнинг ғоясига қўл бўлишимиз керак?! Ҳолбуки улар бизга ушбу ёт маҳсулотларни мажбурлаб сотишмаяпти. Аксинча, ўзимиз бутун кийим ўрнига қимматроқ нархда йиртиғини сотиб оляпмиз. Ким йиртиқ кийим кийиб кўчага чиқаётган бўлса, «Кўриб кўйинг, мен дидсизман, маънавий қашшоқман», дегани бўлади. Биз «оммавий маданият»нинг ҳар қандай кўринишига қарши кучли иммунитет – юксак маънавиятни шакллантирсак, бу чегарани ҳеч ким кесиб ўтолмайди. Бу йўлда айнан мана шундай тарғиботлар лозим.

*Ёши улуғлар ниятни бутун қил, дейишади. Кўп нарса ниятга боғлиқ. Эғнимизнинг бутлиги, турмушимиз фаровонлиги ўз-ўзидан бўлган эмас. Ёки аслинча кўрин, ёки кўринганинча бўл, деган пурмаъно ҳикматни бугун кўп қўллагимиз келади. Тотув, бахтиёр, тўкин яшаётган экансан, нима қиласан, йиртиқ кийим билан кўчага чиқиб. Ваҳоланки, бу ҳол кўнгилдаги ниятнинг бут эмаслигидан дарак беради. Кўнгилларимизни тоза тутсак, ниятларимиз ҳам ташқи кўринишимизда ўз аксини топади. Шоир айтганидек, «Йиртиқ кийма, жоним болам, имонингни бут кийгин...»*

**Нигина ИСМОИЛОВА  
тайёрлади**



## BITTA TANISHIM BOR...

Ҳажвия

Нихоят, сиҳатгоҳга йўлланма берадиган бўлишди. Кузги хазон-рез пайти икки ҳафта мириқиб ҳордиқ чиқаришга не етсин. Мана буни омад деса бўлади.

Эрталаб яхши кайфиятда поликлиникага бордим. Шифокорлар кўригидан ўтиб, тавсиянома ёздириб олишим керак экан.

Нонушта қилмаганим учун дастлаб қон топшириш хонасига кирдим. Ҳамшира қиз учинчи уринишда томиримга тушди.

— Қонингиз қуюлиб кетибди, бунга бепарво бўлманг, ҳамма бало шундан бошланади, — деди у менга ачингандай бўлиб.

— Қон суюлганидан кўра қуюлгани яхши эмасми, — дедим ўзимча «қони суюқ» деган пичинг иборани эслаб.

— Э, содда экансиз-ку, — шарақлаб кулди ҳамшира, — унақа суюқлик бошқа, бу бошқа. Давола-нингиз керак. Қон қуюлса «давление» ошади, битта-яримта томир ёрилиб кетса борми...

Аъзойи баданим жимирлаб кетди. Нима дейишимни билмай туриб қолдим. Хайрият, ҳамширанинг ўзи мушқуллимни осон қилди:

— Битта танишим чет элдан ноёб дори олиб келган. Қонни бир ҳафтада жойига келтириб кўяди. Қиммат демасангиз...

— Э, раҳмат-э, сингилжон, шундай демайсизми, — девордим худди бу фалокатдан қутулгандай. — Соғлиқ учун пулни аяйдиганлардан эмасман. Илтимос, ўша доридан менга ҳам топиб беринг.

Қон топшириш хонасидан хурсанд бўлиб ташқарига чиқдим. Эндиги навбат «зубной»га. Қани кирайликчи, бу ерда нима гап экан.

Кирдим. Даволовчи шифокор кўлидаги темир таёқча билан тишларимга «так-так» деб урар экан,

қандай тиш пастасидан фойдаланишимни, «ақл тишим» қачон тушганини сўради. Очиқ оғзимни юммай саволларига жавоб бердим.

— Тишдаги тошларни тозалаш керак, — деди у жиддий оҳангда. — Бу муаммони ҳозирнинг ўзида ҳал қилса бўлади. Аммо милкингиз жиддий касалланган, ука. Сизга қандай тушунтирсам экан, милкинг вазифаси — тишни ушлаб туриш. Милк қочса, тиш кетди деяверинг...

Оғзимни юмиб-очиб, чуқур нафас олдим-да:

— Зарур бўлса даволатамиз-да, — дедим. Бу гапим докторга ёқмади.

— Ие, нималар деяпсиз. Биноидек идорада ишлар экансиз, тилла тиш қўйиб, бўлар-бўлмасга тиржайиб юрадиган замонлар ўтди. Одам деган соғлиғига эътибор бериши керак-ку.

— Нима маслаҳат берасиз? — илтижо билан сўрадим.

— Битта танишимиз тез-тез хорижга бориб туради. Милкни даволайдиган дори олиб келган. Икки ҳафтада тишларимни тошдек қотириб қўйди. Аммо сал қимматроқ...

У оғзини катта очиб, тишларини тишларига қарсиллатиб уриб кўрсатди.

— Майли, менга ҳам топиб беринг шу доридан, — дедим хурсанд бўлиб.

Доктор бир бўлак қоғозга ўша танишининг исмини, телефонини ёзиб берди. Бироз хотиржам бўлиб ташқарига чиқдим.

Кўз доктори хушрўйгина аёл экан, кўрсатган жойига бориб ўтирдим. Аввал чап кўзимни, сўнг ўнгини ёпиб, йиллар давомида тикилавериб, деярли ёд бўлиб кетган ҳарфларни ўқий бошладим. «Б», «Ш», «М»...

Энг кичикларини ҳам адашмай

топдим. Доктор «Э, қойил-е, шу ёшингизда саккиз қаторни кўриш жуда яхши», деб мақтаса керак дегандим, йўқ, бўлмади, қутилмаганда:

— Қани, ичкарига ўтайлик-чи, — деб қолди.

Ичкари хонага ўтдик. Аввалига дурбинга ўхшаган қандайдир асбоб орқали бир-биримизга яхшилаб тикилиб турдик. Нозик бармоқлари билан кўзимнинг устини, ён томонларини эзиб кўрди, ўзича «Тушунарли...» деди-ю ўрнидан турди.

Ташқари хонага чиқдик.

— Кўзингизни зудлик билан даволаш керак, — деди у кўзимга қараб. — Парда тушиш хавфи бор, олдини олмасак бўлмайди.

— Нима қилишим керак?

Доктор нима қилишим кераклигини содда қилиб тушунтириб берди. Битта таниши бор экан, шифокор бўлмаса ҳам, бўш вақтларида дори-дармон билан шуғулланиб тураркан. Бу ҳам бир тирикчилик-да, дейди. Яқинда шу одам хорижга бориб келибди...

Омадимни қарангки, ўпкани, кулоқ, бурун, томоқни текширадиган, тери-таносил касалликларини аниқлайдиган шифокорларнинг ҳам дори-дармон билан шуғулланадиган танишлари бор экан. Чўнтагим тавсия қоғозлар билан тўлди.

Навбатдаги хонага кирдим, шифокор телефонда ким биландир гаплашиб ўтирибди. Аввалига менга эътибор бермади, аммо олдида қаққайиб тураверганимдан кейин, кўли билан ўтиришга ишора қилди-да, гапида давом этди:

— Ҳаво ўзгарди дегунча аъзойи баданим зирқираб оғрийди, азизим. Сенда ҳам шундайми? Тиззанинг кўзида оғриқ бор, ўтириб-турганимда азоб беради. Э, ичмаган дорим қолмади. Ёшинг ўтгандан

кейин, ҳар куни бир муаммо чиқиб турар экан-да. Нима, ваҳҳ...

Сабр билан кутиб турдим. Ниҳоят доктор гўшаки ўрнига қўйди. Қоғозларим билан танишгач:

— Хўш, биродари азиз, бизга қандай шикоятлар бор? — деб сўради.

Нима дейишим керак? Елкам қотади, эски острехандроз. Оёқларим қақшаб оғриди, тиззамни дурустроқ бука олмайман. Аммо, ҳозир бу тўғрида гап очсам борми, яна бир «таниш»га рўпара бўлишим аниқ. Шунинг учун ўзимни тетик тутдим-да:

— Худого шукур, ҳаммаси жойида, — дедим.

Доктор ўрнидан турган эди, оёқлари қисираб кетди. Ёнимга чўкиб, темир болғача билан тиззаларимга урди. Бўйнимни уқалаб, оғриқ йўқми, деб сўради. Йўқ дедим. Кейин, кўнгли ўрнига тушди шекилли, ўрнига ўтириб, менга юзланди:

— Умуман олганда ёмон эмас. Аммо... Мушакларингиз бўшашган. Тиззалар тузга тўлиб кетибди. Умуртқа поғонасида бир нима борми дейман-да. Белингиз ҳам бир томонга сал...

Юрагим дукуллаб ура кетди. Бир нима демоқчи бўлгандим, доктор абжирлик билан гапни олиб кетди.

— Сиз ҳаяжонланманг, Бу дунёда иложи йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Битта танишим...

Бу гапдан кейин тўғри юракни кўрадиган докторнинг хонасига чопдим. Кекса профессор кўзларини юмганча хаёлга чўмиб ўтирган экан, салом бериб, олдига келдим. Профессор юрагим қандай ураётгани акс этган ажи-бужи чизиқчаларга узоқ тикилиб турди. Ниҳоят, эски кўзойнагини қўлига олиб, гап бошлади:

— Юракни чарчатиб қўйибсиз-ку, биродар! Бунақада...

Бу гапни юрагим ҳам эшитди чамаси, бирдан жунбушга келди. Ичимда ғалаён бошланди. Нафас ололмай қолдим. Оёқларим қалтираб, дуппа...

Кўзимни очсам, оқ халат кийган йигитчалар аравачага ётқизиб, қайгадир зириллатиб олиб кетишяпти. Мен бўлсам, худди ўзим юра олмай дигандай, узала тушиб ётиб олибман. Ие, бу ётишда қачон кўриқдан ўтаману, қачон сиҳатгоҳга бораман?

## Jahon sahnalarida yangragan soz



Дунёда касблар кўп. Ҳар қайси касбнинг устаси ва билимдонлари бор. Улар бундай мавқега ўз-ўзидан, бирданига кўтарилмайди. Уларнинг барчаси юқорида айтиб ўтилган ҳаёт синовларига дош бериб, ўз касбининг етук мутахассиси ёки устоз даражасига эришади.

Ўзбек халқ чолғу ижрочилиги санъатининг ёрқин намоёндаларидан, қолаверса, биринчи чангчи аёл — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон давлат консерваторияси халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси

доценти Фазилат Шукурова ана шундай инсонлар сирасига киради.

Ф.Шукурова Самарқанд вилоятининг Пайшанба Қўрғончасида зиёли оилада туғилган. Отаси Шукур ака ҳар куни кечки овқатдан сўнг доира чертиб оила аъзоларини рақсга тушишга ва кўшиқ куйлашга чорлар эди. Радио орқали бериладиган чолғу куйларини тинглашга одатланган Фазилат кунларнинг бирида «Тановар» куйини эшитиб, унга маҳлиё бўлиб қолади. Ушбу куйни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фозил Харратов чангда зўр маҳорат билан ижро этган эди. Чангда куйларни моҳирона ижро этиш истаги уни Ўзбекистон давлат консерваториясига етаклаб келади. Талабалик йилларидаёқ у концертларда иштирок этиб, тингловчилар меҳрини қозона бошлади. Ўқишни битириб, Ўзбекистон радиоси қошидаги Дони Зокиров номидаги давлат халқ чолғулари оркестрида созанда, Ўзбекистон давлат филармониясида яқканавоз-чангчи, Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўқитувчи бўлиб ишлади.

Фаолияти давомида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Олтин фонди»га эллиқдан ортиқ мусиқий асарларни яқканавоз сифатида ҳамда оркестр жўрлигида ёзишга муяссар бўлди. Шу билан бирга Бельгия, Сурия, Ҳиндистон, Польша, Собик иттифоқнинг барча республикалари, Болгария, Германия, Франция каби давлатларда гастроль сафарларида бўлиб, ўзбек чолғу ижрочилиги санъатини айнан чанг созида тарғиб этди.

Созанда Познан шаҳрида бўлиб ўтган концертдан кейинги воқеани шундай эслайди: «Концерт жуда яхши ўтди. Эндигина ўтирган эдим, бир гуруҳ поляк томошабинлари хонага кириб, мени табриклашди. Таржимон менга куйни ўзингиз ижро этганингизга мухлислар ишонқирамайроқ туришибди, чолғуни кўздан кечирингиз сиздан ижозат сўрашяпти, деб тушунтирди. Мен ҳайрон бўлиб, уларга кўриш учун ижозат бердим. Мухлислар чангни обдон кўздан кечирдилар, сўнгра мендан уэр сўраб, ижро учун қайтадан миннатдорчилик билдиришди. Шунда таржимон мухлислар шубҳасини тушунтириб берди. Уларнинг фикрича, чангнинг ичига магнитофон ўрнатилган бўлиб, куй айнан магнитофондан янграгандай туюлибди». 1988 йили моҳир чангчи, дирижёр Фазилат Шукурова, профессор Рустам Неъматов билан ҳамкорликда устозлари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фозил Харратовнинг чанг чолғусига мослаб, нотага туширган ва ўзининг ижрочилиги дастурига киритган ўзбек халқ куйларини йиғиб, «Янгра, созим» номли тўплам нашр эттирди. Шунингдек, «Чолғу ижрочилиги тарихидан» номли ўқув қўлланмани яратди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, доцент Фазилат Шукурова устозларидан ўрганган оркестр-дирижёрлиги сирларини Ўзбекистон давлат консерваторияси «Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедраси талабаларига ўргатиб келмоқда. Қолаверса, самарали ижодий фаолияти давомида олган тажрибаларидан, ижро маҳорати сирларидан чанг синфи бўйича ҳам қатор шогирдларига сабоқ бермоқда. Жонкуяр устоз ва созанда Ф.Шукурова етук авлодни тарбиялашда, ёш миллий кадрларни етиштиришда, чолғу ҳамда оркестр ижрочилиги санъатини раванқ топтиришда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Озода ТОШМАТОВА,  
Ўзбекистон давлат  
консерваторияси доценти



\*\*\*

Адабиётнинг дарвозасида қоровул йўқ. Бемалол чиқиб кетишинг мумкин.

\*\*\*

Хотинни қанчалик тарбия қилма, уришма, мақтама, барибир у охир-оқибат хотин бўлади.

\*\*\*

Енгилтак, ҳовлиқма ва фикри саёз одамлар шарга ўхшайди. Арзимаган тасодиф билан ёрилиб кетади.

\*\*\*

Тиши оғриган бемор врачнинг омбуридан қўрқиб қулоғини кўрсатиб юборди.

\*\*\*

У хотинининг ортидан дадил гапириб, дадил

юради.

\*\*\*

Ҳаётда ҳар кимнинг ўз саҳнаси бор. Лекин ҳамма гап унда қандай намоён бўлишда.

\*\*\*

Тез қоқилишни истасанг, бемалол шошавер.

\*\*\*

Хато қилган одам устидан асло қулма. Аксинча, кулиб хато қиласан.

\*\*\*

Билимсиз одам билан баҳслашиш – пушаймонлик келтиради.

\*\*\*


Ишончсиз муҳаббат даладаги кўриқчига ўхшайди.

\*\*\*

Ўз-ўзига маҳлиёлик истеъдодни емиради.

\*\*\*

«Тилингни тишла!» дейишади. Унда ер юзида соқовлар кўпайиб кетади.




**ЎТГАН СОНДАГИ МУАММОНОМА – КЕЙНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

Ўгит: Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тадбир билан амалга ошириш мумкин.  
 Энига: Куз. Дев. Айғир. Пиёда. Чўл. Мўл. Тилшунослик. Колба. Баҳор. Ибрат. Хамса. Колибри. Ишқорий. Балет. Майна. Ёмғир. Билак. Стратосфера. Тут. Жом. Ирмоқ. Шоира. Мош. Ром.  
 Бўйига: Куч. Зал. Пилла. Пиёла. Дам. Вал. Ўрмон. Қураш. Водород. Ўрқач. Кибернетика. Осмон. Зирак. Диаметр. Какку. Қисса. Савдо. Армон. Бетон. Тим.Тиш. Жар. Мум.

**«КИТОБЛАР ДУНЁСИ» ТОПҚИРЛИК МАШҚЛАРИНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

**АЙЛАНМА КРОССВОРДИ.** Шаклда белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1.Папирус. 2. «Авесто». 3. Самарқанд. 4. Қомус. 5. Пергамент. 6. «Алифбе». 7. Матрица. 8. Гиннес. 9. Ўрхун. 10. Гулоб. 11. Хаттот. 12. Тошкент. 13. Ибрат. 14. Хитой. 15. Қуллийёт. 16. Лаввоҳ. 17. Лавҳ. 18. Каталог. 19. Офсет. 20. Абдалов. 22. Китоб. 23. Пальма. 24. Сандиқ. 25. Кодекс. 26. Нашриёт. 27. «Абушқа». 28. Машҳадий. 29. Саҳифа. 30. Тошбосма. 31. Саҳофф. 32. Дарслик.  
**МУАММОНОМА Калит сўзлар:** 1. Ойтўлди. 2. Битик. 3. Назм. 4. Рассом. 5. Қалам.  
 Ҳикмат: Оламда китобдан азиз дўст йўқдир.



**ЧАЙНВОРД.** Қуйида келтирилган муаллифлар ва ғазаллардан сатрлар асосида қўшиқлар номини топиш билан машқни ҳал этинг. 1. Алишер Навоий: «Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў ...». 2. Бобур: «Сендек менга бир ёри жафокор ...». 3. Машраб: «... , юзин биҳиштинг гул очиб баҳор келдинг». 4. Нодира: «Васл уйин обод қилдим, бузди ҳижрон ...». 5. Аваз Ўтар: «Кўнгуллар қайди зулфинг мубталоси, ...». 6. Нозима-хоним: «Кўзи сузук ...». 7. Фурқат: «Тилар эрдим саҳар вақти чаман эсган саболардин ...». 8. Огаҳий: «Васл аро мушкул ҳами ҳижрон эканин ...». 9. Ажиниёз: «Киприкларингдек наштару қошинг каби ёй кўрмадим ...». 10. Ҳамза: «Эй дилрабо, ишқинг била девона бўлдим ...». 11. Мискин: «Мени беқарорлар айлаган ...». 12. Билол Нозим: «Оҳ ким, кўнглимини олди бир латофатлик ...». 13. Махтумқули: «Булбул сайраб турган ҳаволи боғлар, ...». 14. Мунис: «Жон бахш лабинг узра чиқмиш хатти райҳоний, ...». 15. Бердақ: «Ёлғончи – фоний дунёда ...». 16. Аҳмад Яссавий: «Ўн саккиз минг оламда ҳайрон бўлгон ошиқлар ...». 17. Ҳамза: «Ўйласам ул ... маккорга ўхшайди-ку, ...». 18. Бобур: «Агарчи сенсизин сабр айламак, эй ёр, ...». 19. Хувайдо: «Дилрабо, манга санингдек ёри жон қайдадур?..». 20. Фурқат: «Сурмадин кўзлар қаро, қўллар ҳинодин лоларанг ...». 21. Мулланафас: «Зар-кумушмас, зар-кумуш юзи вафодорим ...». 22. Камина: «Арзим эшит, гўзал шохим, ...». 23. Огаҳий: «... , эй дил, етишти ҳажридин


захмат санга, ...». 24. Лутфий: «Эй пари юзлик бегим, жонлар фидо бўлсун санга! ...». 25. Махтумқули: «Сайр чоғи кўзим тушти, қардошлар, ...». 26. Алишер Навоий: «Бир парипайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени, ...».

**МУАММОНОМА Калит сўзлар:** 1.Мақом мулкининг султони Юнус Ражабий асарларидан бири – 16, 4, 16, 5, 4, 7, 1, 5. 2.Ғижжак пардаларини кўтариб турувчи мослама – 15, 4, 8, 4, 17. 3.Торли тирнама қадимий чолғу асоби– 11, 4, 2, 12, 10, 8. 4.Тирнама ёки қўш чўп билан уриб чалинадиган жангдор чолғу асоби – 20, 4, 2, 6. 5. Торли мусиқа асбобини чалиш мосламаси – 5, 18, 19, 9, 4, 11, 1, 8. 6. Ҳаётда қарор топган удум, урф одат – 4, 2, 14, 4, 2, 4. 7.Торли чолғу асбоблари торларини тортиб турувчи мослама – 7, 10, 3, 1, 7.

Шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммоноти калит сўзлари жавоблари орқали ҳал этиш билан яна тўртта умрибоқий кўшиқ номини билиб оласиз. Ана шу кўшиқлар ғазаллари муаллифларини биласизми?

Тузувчи: **Фозилжон ОРИПОВ**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги марказий ҳисобхона бош мутахассиси  
**Зинаида РИБКИНА**нинг  
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



## O'zbekiston xalq rassomi, O'zbekiston Badiiy akademiyasi akademigi Javlon UMARBKOV



*Orollik kuyov (2013)*

*Orol kelinchagi (2013)*




«Мен табиийлик яратishga уринмадим, унга теран кириб бордим», деган эди буюк rassom Пабло Пикассо. Ўзбекистон халқ rassomi, Бадий академия академиги, профессор Жавлон Умарбековнинг асарларини кузатган одам теран табиий ва фалсафий мушоадаларнинг ранг-тасвирдаги ифодасини англайди. Жавлон Умарбековнинг ишларида реализм анъаналарини ҳам, замонавий йўналишлардаги чизгиларни ҳам кузатиш мумкин. Тасвирий санъат ишқибозлари юзлаб асарлар ичидан имзосига қарамасдан унинг ишларини ажратиб беришлари мумкин. Ўз она шаҳрининг қадим кўчаларига, халқнинг анъана ва удумларига мухаббат rassom асарларининг бош мавзуси десак, адашмаган бўламиз.

Мохир rassom ўз услуби ва йўналиши устида узок вақт изланди. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Москвада институтни якунлаб, Ўзбекистонга келгач, миллий анъаналарни, фольклор санъатини қунт билан ўрганди. Эгаллаган малакаси, истеъдоди ва ўрганишлари асосида ўзининг хос йўлига асос солди. Унинг «Хусайн Бойқаро ва Навоий», «Кўшиқ», «Менинг дўстим» сингари даслабки ишлари жуда тез машхур бўлиб кетди. У хамиша борликни борича кўриб, идрок қилиб кейин мўйқаламни кўлга олади. Шунинг учун чизганларида рост туйғулар барқ уриб туради. Унинг номи кўплаб мамлакатларда таникли. Токио, Нью-Йорк, Хелсиньки шаҳарларида шахсий кўرғазмаларини намойиш этган.

Тасвирий санъат билан мусиқа ака-сингилга ўхшайди. Ҳар иккисиде ранг ва оҳанг, ҳаёт мадҳи ва жозибаси бор. Жавлон Умарбеков асарларидаги оҳанг ранглар орқали юракка қуйилиб келади ва ўз жозибаси билан тасаввурга ўрнашади.

Ойқарам БОЙМИРЗАЕВА



48 Guliston 2017/4


*Kechqurungi choyxona (2007)*




*Toshkentga to'yga (2005)*



*Ko'cha eshik (2008)*



*Chig'atoy bog'ida (2008)*



*Xastimom (2004)*



*Anhor tarafdun Shayxontohur k6'rinishi (2008)*

№. 13251



**Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,**  
Узбекистон халқ шоири,  
«Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби

**ISSN 2091-5330**

**OBUNA DAVOM ETMOQDA**

**Indeks: yakka obunachilar uchun – 820, tashkilotlar uchun – 806.**